R 496

ГУЛИСТОН

4
1982

Партия ветеранларига «КПСС сафида 50 йил» нишонларини топширишга бағишланган йиғилиш президиуми.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шараф Рашидов Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Назир Сафаровни фахрий нишон билан қутламоқда.

Олдинги қаторда «КПСС сафида 50 йил» нишони билан тақдирланган партия ветеранлари.



А. АВАЗОВ, В. КАВЕЛИН ва Б. ЮСУПОВ фотолари

«КПСС САФИДА 50 ЙИЛ» НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

В. И. Ленин номидаги Марказий музейнинг Тошкент филиалида Коммунистик партия ветеранларига «КПСС сафида 50 йил» фахрий нишонларини топшириш маросими бўлди. Нишонларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шараф Рашидов топширди.

Ярим асрдан зиёд вақу мобайнида партия билетини кўкракда олиб юрган, бугун куч-ғайрати ва ижодкорлик билан Ленин васиятларини рўёбга чиқаришга сафарбар этган, марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси йўлида ҳамон фидойилик кўрсатаётган коммунистлар ғвардиясининг намояндалари — С. О. Паршин, Н. Ризаев, Б. П. Страумал, Р. Я. Игольников, Н. А. Забродин, П. Е. Зимина, К. Е Жигов, М. М. Хўжаев, Д. А. Ражабов, А. Шомуродов, Назир Сафаров, А. И. Шкуратов ўртоқлар ана шу фахрий нишон билан тақдирландилар. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов мукофотланганларни самимий қутлади, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятларида катта муваффақиятлар тилади, партия ветеранларининг ҳаёти ёш авлод учун мардлик ва матонат намунаси, Ленин ишига чексиз садоқатнинг ёрқин тимсоли эканини таъкидлади.

Тақдирланган ўртоқлар кўп йиллик меҳнатларига партия томонидан берилган юксак баҳо учун чуқур миннатдорчилик билдирдилар, «КПСС сафида 50 йил» фахрий нишони энг аввал содиқ ленинчи, мустаҳкам тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга топширилганлиги алоҳида фахр ҳисси уйғотаётганлигини қайд этдилар. Ветеранлар бундан кейин ҳам партия ва халққа садоқат билан хизмат қилажакларини изҳор қилдилар.

«КПСС сафида 50 йил» нишонларини топшириш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар қатнашдилар.

Абдухолиқ КАРИМОВ,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари

ГБ УзССР
Ж

ИПАК ПАХТА ИСТИҚБОЛИ

Сурхондарё табиий иқлим шароитига кўра ўзига хос қўёшли воҳадир. Унинг осмонўпар тоғлари, кўз илғамас чўлбиёбонлари, бетакрор манзаралари қалбларни ром этади. Областимизда етиштирилаётган қоракўл терилар, тоғлардан олинаётган турли-туман ер ости маҳсулотлари, беполён даштларда ундирилаётган пахта, ғалла, маккажўхори, шоли, узум, қовун-тарвуз, Дашнобод анорию Бободоғ пистаси — воҳани машҳур қилган бу каби бойликларнинг ҳаммасини санаш қийин.

Бу бойликларнинг ибтидоси областнинг заргa тенг тупроғию ҳамиша осмонида порлаб турувчи қуёшдир. Бу воҳа текислик қисмининг иқлими қуруқ бўлиб, ёзи жазирама ва узоқ давом этади, қиши илиқ ва қисқа. Ёзнинг баъзи кунларида эса соя жойларда ҳаво ҳарорати 50 даражага етади. Осмоннинг тиниқлиги ва қуёш нурининг тик тушиши фойдали ҳароратнинг мўл тўпланишини таъминлайди. Чунончи, деҳқончилик билан банд бўлган текислик ерларда бир йилда 290—320 кунниng ўртача ҳарорати 10 даражадан юқори бўлади. Бу эса воҳада субтропик экинлар учун қулайлик яратади.

Областда кўп йиллардан буён иссиқсевар шакарқамиш етиштириляпти. Бошқа хил мевали субтропик дарахтлар ҳосилининг сифати эса кутилгандан ҳам яхши бўлаётир. Бунн, айниқса, саноат учун энг қимматбаҳо хом ашё ҳисобланган ингичка толали пахта етиштиришдаги ажойиб муваффақиятларда яққол кўриш мумкин.

Одамлар ингичка толали пахтани қуёш фарзанди, дейдилар. Халқимиз эса унн ипак пахта деб атайди. Бу нав пахта шуниси билан қадрли ва эъзозлики, унинг толасидан юқори сифатли, энг пишиқ, чидамли матолар, нафис ва қимматбаҳо газламалар тайёрланади.

Областимиз республикада ингичка толали пахта етиштиришда етакчи ўринни эгаллайди. Унинг Иттифоқ ипак пахта хирмонига қўшаётган ҳиссаси ҳам салмоқли. Жумладан, республикада етиштирилаётган ипак пахтанинг қарийб 70 процентнни, Иттифоқ миқёсида эса 25 процентдан ортиқроғини Сурхон ипак пахтаси ташкил этади. Кўплаб ингичка толали пахта етиштириш ҳар жиҳатдан фойдалидир, чунки унинг толасидан «138-Ф» ёки «108-Ф» типидаги пахта навларига қараганда икки баравар кўп газлама олиш мумкин. Бинобарин, бу қимматбаҳо маҳсулот мамлакатимиз экономикаси эҳтиёжларини таъминлашнинг иқтисодий базасини ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

Ипак пахта етиштиришда, унинг ҳосилдорлигини оширишда ер, иқлим шароити ва фан-техника тараққиёти асосида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш кўламидан иборат уч асосий омилни назарда тутиш керак. Маълумки, ер — барча бойликларнинг манбаи. Мавжуд қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан унумли фойдаланиш билан бирга янги қўриқ массивларни ўзлаштириш, айни пайтда тупроқнинг унумдорлигини ошириш ҳамиша муҳим тадбир ҳисобланади. Зотан, тупроқнинг қиммати унинг унумдорлиги билан ўлчанади. Ундан кейинги омил қуёшдир. Шу ўринда улуғ табиатшунос олим К. Тимирязевнинг фикрини эслатиб ўтиш жоиздир: «Қуёшдан ёғилаётган мисқолча нур экинзор, ўтлоқ, ўрмон, ер сатҳига наф келтирмас экан — бу исроф йўқотилган хазинадир. Бундай бепарволик ва хўжасизликни кечириб бўлмайди»,— деган эди у. Бинобарин, бутун воҳа шундай битмас-туганмас имкониятга эга.

Табиий ресурслардан унумли фойдаланишда область деҳқонлари анчагина тажрибага эгадирлар. Бундан атиги беш йил бурун 200 минг тонналик ипак пахта хирмони уйғиш етиб бўлмас орзу эди. Бу довон ортда қолди. Энди навбатдаги вазифа 300 минг тонналик довонни забт этишдан иборат. Аммо, шуни ҳам унутмаслик керакки, бундай дадил қадам, салмоқли кўламгача жуда кўп қийинчиликлар енгиб ўтилди. Бугунги муваффақиятларга йиллар давомида пойдевор қўйилди.

Область деҳқонлари азалдан пахтачилик билан шуғулланиб келганлар. Лекин қишлоқ хўжалигининг бу тармоғи Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг тараққиётнинг ёрқин йўлига чиқиб олди. Чигитни жўякларга экиб, пахтани хуржун ва қопларда ташилган пайтларда ҳосилдорлик гектарига 6—8 центнердан ошмаган эди. Ўша вақтларда госсипиум арбореум деб номланган пахта етиштириларди. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг пахта навлари яхшиланди. Деҳқон техникага таяниб иш кўрди. Экин майдонлари кенгая бордн, ҳосилдорлик ўсди.

Шуни фахр билан таъкидлаймизки, мамлакатимизда ингичка толали пахта етиштириш биринчи бор Сурхондарёда бошланган. 1928—1930 йилларда Миср пахтаси — мараб ва пима навларини экиш кенг синаб кўрилган. Ана шундан бери областимиз пахтакорлари ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш ва мамлакатга аъло сифатли қимматбаҳо хом ашё етказиб бериш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

50-йилларда область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари 125 минг тонналик Сурхондарё пахтаси учун курашардилар. Ўтган қисқа вақт ичида бу ерда йиллик пахта тайёрлаш салмоғи 500 минг тоннадан ошиб кетди. Айниқса ингичка толали пахта етиштириш жадал суръатларда ўсди. Унинчи беш йиллик давомида мамлакатга 928 минг тонна ингичка толали пахта етказиб берилди. Бу беш йилликнинг ҳар йилига 180 минг тоннадан тўғри келади. Агар 1975 ва 1980 йилларнинг кўрсаткичларини таққослайдиган бўлсак, ингичка толали пахта етиштириш 53 минг тоннага кўпайганлигини кўрамиз.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили деҳқончилик учун кўп жиҳатдан ноқулай келди. Деярли қиш бўлмади, устига-устак ёғин-сочин кўпайди, ёз ойларида эса ҳаво ҳарорати нормадагидан паст бўлди. Шунга қарамай, областимиз пахтакорлари 512 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» хирмони бунёд этдилар. Ингичка толали пахта етиштиришда 1980 йилда эришилган марра ортда қолдирилди, Ватанга 233 минг тоннадан зиёдроқ ипак пахта етказиб берилди. Область партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги идораларн Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республикада ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида иш юритганликлари, колхоз ва совхозларда ингичка толали пахта етиштиришга эътиборни кучайтирганликларн туфайли ана шундай муваффақиятларга эришилмоқда.

Областимизнинг Ангор ва Термиз районлари хўжаликлари фақат ипак пахта етиштиришга ихтисослаштирилган. Жарқўрғон районида ҳам асосан ипак пахтачиликни ривожлантиришга эътибор берилди. Чўл зонасидаги Гагарин, Ленин йўли ва Шеробод районларида ипак пахта майдонлари кескин кенгайтирилди. 1980 йили область бўйнча 66,8 минг гектар майдонда ипак пахта етиштирилган бўлса, ўтган йили бу майдонлар 78,8 минг гектарга етказилди.

Ингичка толали пахта етиштирган хўжалик ва районлар ҳосилдорликни оширишда ҳам яхши самараларга эришмоқдалар. 1980 йилда Ангор районн пахтакорлари ҳар гектар майдондан 38,8 центнердан ҳосил олиб, ипак пахта тайёрлаш йиллик планнни 116,4 процентга етказдилар. Жарқўрғонда эса ўша йили ипак пахта ҳосилдорлиги гектарига 40,1 центнерга тўғри келди.

Ўтган йили ипак пахта тайёрлашда Жарқўрғон, Гагарин ва Шеробод районларининг пахтакорлари пешқадамлик қилдилар. Жарқўрғон районида пландагидан 26,3 процент, Гагарин районида 19,6 процент, Шеробод районида 7,7 процент кўп ипак пахта тайёрландн.

Ингичка толали пахтачиликни ривожлантиришга астойдил бел боғлаган илғор хўжаликларнинг деҳқонлари фан ва техника ютуқлари, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга дадил жорий этмоқдалар. Улар ер, сув, техника ва ўғитдан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликнинг муттасил ўсишини таъминламоқдалар. Ленин йўли районидаги Қ. Раҳмонов номли, Ангор районидаги «Таллимарон», Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозлари, шу райондаги «Социализм», Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь», «Москва» колхозлари ўтган йилги ниҳоят-

496

да оғир табиий шароитларда ҳам гектаридан 34—45 центнердан ипак пахта етиштиришга муваффақ бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов воҳамизга ҳар бор келганларида ипак пахта етиштиришни кўпайтириш резервлари билан қизиқадилар, ипак пахта усталари билан суҳбатлашадилар. Ҳар бир учрашув ва ҳар бир суҳбат пахтакорларимизда жуда катта таассуротлар қолдиради. Ушбу ғамхўрликларга жавобан ишлаб чиқариш коллективлари ва звенолар ўртасида социалистик мусобақа янада қизғин тус олади. Пировардида, бу коллективлар зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан адо этадилар. Масалан, Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозидан СССР Олий Советининг депутати, СССР Давлат мукофоти лауреати Холмўмин Сафаров бошлиқ йирик комплекс механизмлашган бригада 250 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ипак пахта хирмони кўтарди. Бу кўрсаткич пландагидан 12 центнер зиёддир. Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳасан Мухторов бошлиқ бригадаси 1980 йилда ҳосилдорликни гектарига 65 центнерга етказиб, рекорд кўрсаткични қўлга киритган эди. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида донгдор коллектив бу рекордга яна тузатиш киритди. Ҳосилдорлик бир йилнинг ўзида 8 центнерга оширилди ва 73 центнерга етказилди. Гагарин районидаги «Пограничник» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати Эшмамат Бўриев, шу совхоздан Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати Панжи Шукуров, Шеробод районидаги «Шеробод» совхозидан Ўскин Аҳмедов, Ленин йўли районидаги Қ. Раҳимов номли колхоздан Хурсанд Қаюмов бошлиқ бригадаларда ҳам ипак пахтадан 60—65 центнердан ҳосил олинди.

Бу ўринда Ҳасан Мухторов бошлиқ бригада тажрибаси алоҳида эътиборга молик. Коллектив ерларни органик ўғит, чириган қўй қийи билан озиқлантиришга жуда катта аҳамият беради. Бригадада ташкил этилган махсус звено йил-ўн икки ой маҳаллий ўғит жамғариш билан машғул. Барча майдонлар шундай ўғит билан бир неча бор озиқлантирилади. Улар шудгордан олдин ерга 30—35 тонна нури сепиб чиқадилар. Вегетация даврида эса органик ўғит элаклардан ўтказилиб, культиваторлар воситасида ғўзанинг бўғзига ташланади. Бу усул экиннинг эркин ўсишини таъминлайди. Ғўза ҳаводан, қуёш нуридан ва иссиқликдан тўлиқ баҳраманд бўлади. У серҳосил бўлиб ўсади. 1981 йилда машъал бригада бир килограмм азот ҳисобига 70 килограмм ипак пахтанинг биринчи тип тола берадиган навларидан ҳосил етиштирди. Бу эса, ерни эъзозлаш, тупроқ унумдорлигини ошириб бориш, катта фидокорона меҳнат, ички резервлардан оқилона фойдаланиш самарасидир.

Область партия комитети ушбу коллектив тажрибасини обдон ўрганиб чиқди ва уни оммалаштиришга қарор қилди. Жойларда семинар-кенгашлар ўтказилди. Илғор тажриба бошқа коллективларда кенг пропаганда этилди. Бу тажриба, пировардида, кўпчиликнинг мулкига айланди. Эндиликда ипак пахта етиштириш билан шуғулланувчи барча хўжаликларда ерни органик ўғит билан озиқлантириш методи шу тажриба асосида амалга оширилаётир.

Ипак пахта йиғим-теримини механизмлаштиришда ҳам олға қараб дадил қадам ташланмоқда. Кейинги йилларда ялпи ҳосилнинг 40—50 процентини машиналар ёрдамида йиғиштириб олинаётир. Чунончи, ўтган йили Гагарин районида ипак пахтанинг 78,4 проценти, Жарқўрғон районида 61,1 проценти «зангори кема» бункерларидан тўкилди. Бироқ ипак пахтани машинада теришда бир қатор муаммолар ҳамон ҳал этилмасдан турибди. Ипак пахта машинада терилганда унинг ифлосланиш даражаси нормадагидан ошиб кетаяпти. Унинг айрим навларини эса ҳозирги терим машиналари тоза териб ололмаяпти. Йиғим-терим 100—110 кунлаб чўзилиб кетмоқда. Олимларимиз ва конструкторларимизнинг бу муаммолар устида янада жиддийроқ ўйлаб кўришларини истардик.

КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленумининг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига биноан областимиз колхозлари ва совхозлари ипак пахта етиштиришни кўпайтиришгагина эмас, балки унинг сифатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Кейинги йилларда ипак пахтанинг сифатли тола берадиган навлари экиладиган майдонлар кенгайтирилди. 1980 йилда биринчи тип тола берадиган АШ-25 нав ипак пахта олдинги йилга нисбатан анча кўп экилди, унинг сифати, сорти яхшиланди. Шунингдек область пахтачилик тажриба станцияси селекционерлари етиштирган маҳаллий Т-7, Т-14 нав ипак пахта ҳам кўплаб экиладиган бўлди. Масалан, учинчи тип тола берадиган Т-7 нави 1980—1981 йилларда кўпроқ майдонларни ташкил этди. Ипак пахтанинг иккинчи тип тола берадиган ва тезпишар маҳаллий Т-14 нав чигити 1980 йилдагига қараганда 1980 йилда анча кўп экилди.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бизда олдиндан ялпи майдонларга экиб келинаётган 5904-И нав пахта ўзини эндиликда оқламай қолди. Бу нав тўртинчи тип тола беради, пишиб етилиши жараёни ниҳоятда чўзилиб кетади. Бунинг устига ҳосилдорлиги ҳам ипак пахтанинг бошқа юқори тип тола берадиган навларидан паст бўлиши кузатилмоқда. Шунинг учун область партия ташкилоти қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг фикрига таяниб, ингичка толали пахтанинг истиқболли навларини кўпайтириш масаласини ўртага қўймоқда. Яқин икки-уч йил ичида ипак пахтанинг 5904-И навлари мутлақо экилмайди. Бунинг эвазига фақат биринчи ва иккинчи тип тола берадиган тезпишар, машина теримига қулай бўлган навлар кўпайтирилади.

Ипак пахта ғўзаси сувни ва ўғитни ўрта толали пахтага нисбатан 1,5—2 баравар кўп талаб қилади. Айни пайтда ингичка толали пахта чигитини жуда барвақт экиш лозим. Экиш даврида эса ер ҳаддан зиёд қуруқ ёки нам бўлмаслиги зарур. Ер қуруқ бўлса, ипак пахта уруғи униб чиқмайди, ортиқча намлик чигитни чиритиб юборади. Чунки кўп ҳолларда туксизлантирилган чигит экилади. Бунинг устига уруғлик чигитнинг пўсти юпқа бўлади. Чигит униб чиққандан сўнг ҳам мурғак ғўза деҳқон меҳрига муҳтож: ғўзанинг бўғзи вақтида юмшатилиши, ягана қилиниши, озиқлантирилиши, суғорилиши керак. Иккинчидан, минерал ўғитлар ипак пахта ғўзасига 1 июлга қадар бериб бўлиниши зарур. Бундан кейин берилган азотли ўғит ғўза ҳосилининг пишиб етилишига хизмат қилмайди. Аксинча, ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади. Учинчидан, ғўзага тўпланган ҳосилнинг яхши пишиб етилиши, нес-нобуд бўлмаслиги учун ипак пахта ғўзаси августгача эмас, ҳатто сентябрь ойида ҳам суғорилмоғи даркор.

Шуни айтиш керакки, биз ҳамиша ҳам илғорлар тажрибасини ва фан тавсияларини тўлиғича амалга оширолмаётирмиз. Муаммолар бўлғуси ҳосилга замин яратилаётган пайтда бошланади. Деҳқончилик маданиятига кўра, фосфорли ўғитлар йиллик нормасининг 60 проценти ерга шудгордан олдин солиниши керак. Лекин фосфорли ўғитлар ўз пайтида етказиб берилмайди. 1979 йили 29 минг 459 тонна фосфордан атиги 6 минг тоннасини, 1981 йилда эса 26,4 минг тонна фосфордан 6 минг 293 тоннасини кузги шудгорлашда қўллай олдик, холос. Қолган қисмидан ғўзанинг вегетация даврида фойдаландик. Юқорида айтганимиздек, азотли ўғитлар ингичка толали пахта ғўзасига 1 июлгача берилиши керак. Бироқ, азот ҳам бизга кеч етказиб берилмоқда.

Ўн биринчи беш йилликда Ленин йўли ва Шеробод районларидаги совхозларнинг комплекс қурилишини тўла тугаллаш, «Искра», Дарбанд ва Хотинработ насос станцияларини қуриб фойдаланишга топшириш, Тўпаланг сув омбори қурилиши суръатини тезлаштириш режалари кўзда тутилмоқда. Бу тадбирлар Юқори Тибит, Боботоғ, Бандихон, Музробод ва бошқа янги массивлардан 45—50 минг гектар ерни ўзлаштириш, кўплаб майдонларнинг сув таъминотини, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради. Янги массивларда эса биз йирик-йирик ингичка толали пахта плантацияларини барпо этамиз.

Партия ва совет ташкилотлари областимизда ингичка толали пахтачиликни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу ғамхўрликка жавобан область меҳнаткашлари мардонавор меҳнат қилмоқдалар. Ўн биринчи беш йилликнинг охиригача область бўйича 600 минг тонна пахта, шу жумладан 300 минг тонна ипак пахта етиштириш режалаштирилган. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, биз яқин йилларда юксак марраларни албатта забт этамиз.

Ҳамид ОЛИМЖОН

КРЕМЛЬ ЧИРОҒИ ҚАРШИСИДА

Гўдаклик чоғимдан сенга ўргандим,
Сен бўлдинг кўзимни очиб кўрганим.
Ёдимда севмакка айланган ақдим,
Ёдимда нурингни кўзга суртганим.

Ҳали бола экан менга узоқдан,
Кўкар, юксал, дея айладинг хитоб,
Қўлимни узатдим кун чиқар ёқдан,
Йўлдошинг бўлур деб бердинг бир китоб.

Сенга қараб юрдим ва ёниқ машъал
Улуғ бир дунёни эттирди идрок;
Кўзимга нур берди ва порлаб ҳар гал,
Йўлларимни қилди хору хасдан пок.

Мени олиб учди узоққа еллар,
Кўҳна бир дунёни қолдирдим ўтда.
Зеҳнимни ёритдинг, янги соҳиллар
Кўринди мен сузган буюк муҳитда.

Ёдимдан чиқмайди қадим Самарқанд,
Ёдимдан чиқмайди қари Регистон...
Сенинг юрагингга юракни пайванд
Этганим соатда ўқилган достон.

Узоқ йиллар ўтар, лекин умрбод,
Барча айтганларинг силкинмас дилдан.
Ҳали йўлдош экан қалбимга ҳаёт,
Сенинг мақтовингни қўймасман тилдан.

Шунинг учундирки, ҳар бир сафарда
Бир келиб кўрмаклик одатим бўлди.
Ҳар бир учрашганда шу ёниқ парда
Тўлқинга ташланиб ўйларга тўлди.

Улуғ пойтахтимнинг кўзидаги нур,
Салом, эй юлдузлар, ошиналарим!
Озод инсондаги энг порлоқ сурур,
Салом, эй сафарда, жангда раҳбарим!

1936 йил

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 4 (386)
Апрель
1982

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Улуғ Ленин бобомизга таъзим ва ташаккур!

ИШЧИ ФАЗИЛАТИ

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,

Ўзбекистон Журналистлар Союзи мукофотининг лауреати

ИШЧИ эзгу мақсадни кўнглига жо этдими, бас, эгалланадиган марра сари дадил интилади ва бу йўлдаги қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиш учун чора-тадбирлар белгилайди, кўзлаган довонини забт этмагунча тинчимайди. Мутахассислар тили билан айтганда, ишчи зиммага олган мажбуриятларини адо этиш йўлида имкониятлардан самарали фойдаланиш учун янгидан-янги резервларни қидириб топиш ва уларни ҳаракатга келтириш учун тинимсиз кураш олиб боришга одатланган меҳнат кишисидир.

Чирчиқ шаҳридаги СССР 50 йиллиги номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати директори **Пўлат Соатович МАҚСУДОВ** шундай ҳикоя қилади:

— Ишчиларга хос эзгу фазилатлар коммунистик бунёдкорлик ишларимизда тўла намоён бўлаётир. Комбинатимиз мамлакат қудратли металлургия тармоғининг нисбатан ёш корхоналаридан саналса ҳам, экономика тараққиётига, халқ фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётганлиги билан фахрланамиз. Аҳил коллективимиз ўзининг бой меҳнат анъаналарига эга. Совет халқи мамлакатимиз коммунистларининг катта анжуманига қизғин тайёргарлик кўраётган кунларда металлургларимиз «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз!», деган шиор остида мусобақа бошлаган эдилар.

Ушанда корхонамизнинг ўн иллғор ишчиси съездолди меҳнат вахтасида фаол қатнашиш даъвати билан майдонга чиқди. Юзлаб ишчилар уларнинг изидан бориб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, ускуналар қувватидан самарали фойдаланиш, тежамкорлик ҳамда самарадорликни ошириш йўлида янги резервларни ҳаракатга келтириш намунасини кўрсатдилар.

Ташаббускор ва донгдор ишчилар синфининг тобора кенгайиб бораётганлиги корхонамиз шуҳратига шуҳрат қўшмоқда. Замонавий машиналарни маҳорат билан бошқараётган ишчилардан операторлар СССР Давлат мукофотининг лауреати З. Побединская, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Т. Головченко, моҳир аппаратчи Т. Холдорова, сим ўровчи, халқ депутатлари Тошкент область Совети депутати З. Расулова, металл эритувчи, Чирчиқ шаҳар партия комитети аъзоси Э. Шодиев ва бошқалар ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бунёдкорлик ҳаракатининг олдинги сафида бормоқдалар.

Корхонамизнинг иқтисодий-техника кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган янги-янги ташаббуслар вужудга келмоқда. «Ўн биринчи беш йилликни зарбдор ишлар билан нишонлаймиз!», «Ишчи ташаббусига — инженерлик мадади», «Сифат белгиси олган буюмдан — Сифат белгиси олган цехгача», «СССР 60 йиллигига —60 зарбдор ҳафта» каби шиорлар остида яратувчилик ҳаракати кенгайиб бормоқда.

Ўн биринчи беш йиллик бошларида комбинатимиз цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини ошириш, олий сифат билан тайёрланадиган маҳсулотлар ҳажмини кескин кўпайтириш ҳаракати юзага келди. Алоҳида ишчилар, бригадалар, бутун-бутун цехларнинг коллективлари маҳсулотнинг барча турлари сифатини яхшилаш, хилини кўпайтириш ва янгилаш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилганларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чирчиқлик металлургларнинг ана шу ташаббусини маъқуллади. Партия Марказий Комитетининг шу масала юзасидан кўрсатмаси ҳар бир ишчини, инженер-техник ходимни улкан бунёдкорлик марраларини эгаллашга сафарбар этди.

Сифат учун кураш корхона шон-шарафи учун кураш демакдир. Ишчан коллективимиз янги резервларни ҳаракатга келтираётгани, ҳар грамм хом ашё ва материалдан тежаб-тергаб фойдаланаётгани туфайли иқтисодий-техник кўрсаткичларимиз муттасил яхшиланиб бормоқда. 1980 йили корхонамизда Сифат белгиси олган маҳсулот салмоғи 27 процентни ташкил қилган бўлса, ўтган йили бу борада янада салмоқли натижаларга эришдик. Айрим рақамларни қиёслаб кўриш ўринлидир. Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида пландан зиёд маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги 2,7 процентга ортди. Бундай натижага сифатни бошқариш комплекс системасини кенг жорий этиш, корхонани техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ҳамда 25 та ихтиро ва 2 минг 380 та рационализаторлик таклифларидан фойдаланиш туфайли эришилди.

Иккинчи металлургия цехининг ишчи ва мутахассислари сифат учун кураш ҳаракатида ҳамиша пешқадамлик қилмоқдалар. Цехда фақат юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга ўтиш учун ҳозирлик кўриляпти. Корхона партия комитети бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий нормасини бажаришга аҳд қилган металлургларнинг ташаббусини маъқуллади. Бу ҳаракат кенг қулоч ёйди. Штабикларни пайвандловчи О. Авазов, Т. Ўлмасов, М. Мирмусаев каби ўнлаб ишчиларнинг меҳнат календарида 1983 йилнинг иккинчи квартали бошланди. Бундай варбдорлар ўз меҳнат зафарларини СССР ташкил топганлигининг шонли 60 йиллигига бағишламоқдалар.

БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

Чирчиқ шаҳридаги СССР 50 йиллиги номли Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати меҳнатга коммунистик муносабатда бўлган илғор ишчилари билан ном қозонган. Комбинатнинг 7-цехи ишчилари (чапдан ўнгга) Ф. Еқубова, М. Юсупова, К. Саҳобиддинова, Ф. Эгамбердиевалар СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига муносиб меҳнат совғалари ҳозирламоқдалар.

юбилейлари муносабати ишчиларнинг новаторлиги ва инженер-техник ходимларнинг ижодкорлик фазилатларини намойиш этмоқда. СССР юбилейига бағишланган ҳафталикларнинг ҳар бири ўз вақтида якунланиб илғорлар рағбатлантириб борилмоқда. Иккинчи, учинчи, тўртинчи, саккизинчи ва механика-ремонт цехлари, юздан ортиқ бригада, смена ва участка юбилей тантаналари бошлайишидан бир ой илгари беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини адо этишга аҳд қилганлар. Металлурглар юбилейгача плондан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, ташкилий техникавий тадбирларни амалга оширш ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш йўли билан 700 минг сўм иқтисодий самара олиш учун дадил юриш бошладилар.

Маълумки, маҳсулотларнинг техникавий даражасини муттасил кўтариб бориш ишчидан катта маҳорат талаб қилади. Ўз касб маҳоратини ошириб бораётган металлургларимиз меҳнатга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатаётирлар. Ҳар бир ишчининг маҳорати у тайёрлаган маҳсулотнинг ҳажми ва сифатида тўла акс этади. Бизда давлат Сифат белгиси билан 22 хил, корхона Сифат белгиси билен 62 хил маҳсулот тайёрланаётган бўлса, 108 хилдаги буюмга биринчи сифат категорияси берилган. 141 моҳир ишчи эса ўз шахсий тамғасига эга. Шахсий тамға у ёки бу ишчининг етуклигидан далолат беради. Бундай ишчилар инженерларнинг назоратисиз маҳсулот ишлаб чиқараверадилар, чунки шахсий тамға улар тайёрлаган буюмнинг сифатлилигига кафолатдир. Бугунги кунда 800 дан кўпроқ ишчи ўзи тайёрлаётган буюмни дастлабки тақдим этишдаёқ техника назорати бўлимига маъқул қилаяпти. Ана шу омиллар натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги муттасил ошиб бормоқда.

Ишчи маҳорати — катта резерв! Бу сифат кўрсаткичларини яхшилаб боришнинг ҳам битмас-туганмас хазинасидир. Бизда ишчиларнинг муҳим ва тажрибали коллективини мустаҳкамлаб боришнинг кўп йиллардан буён давом этиб келаётган анъаналари мавжуд. Табиийки, ёш ишчиларда касбга муҳаббат туйғусини тарбиялаш масъулиятли вазифа. Шу сабабли металлургларнинг ишчи оиласига келиб қўшилган ёшлар тажрибали ишчиларга биркитиб қўйилади, илғор тажриба мактабларига жалб этилади. Масалан, комбинатимизнинг тайёр маҳсулотлар омборида аксарият ёшлар ишлашади. Уларга мураббийлик мадади кучайтириб борилмоқда. Маҳсулотларни ўраб-жойлашдан иборат нозик ва масъулиятли вазифани аъло даражада бажариб келаётган М. Масликова, А. Хубатулина, Т. Купцовалар ёшларнинг меҳрибон устозларидир. Кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган мураббийлар ўз тажрибаларини ёшларга қунт билан ўргатишади, уларнинг ишчи коллективининг доимий аъзоси бўлиб қолишларига кўмаклашадилар. Бу ерда биринчи маош топшириш, ишчилар сафига қабул қилиш, туғилган кунларни нишонлаш, ҳарбий хизматга кузатиш, ишдаги энг яхши муваффақиятлар билан табриклаш маросимлари мунтазамлик касб этган. Тантанали маросимлар ёш ишчилар қалбида узоқ вақт сақланиб қолади ва ишчилар синфига мансублик туйғусини камол топтиради.

Коллектив — ўз бирдамлиги, уюшқоқлиги билан қудратли. Меҳнат унумдорлигини ошириб бормасдан туриб улуғвор режалар, тиғиз мажбуриятларни тўла адо этиш мушкул. Меҳнатни ташкил этишни муттасил такомиллаштириб бориш, илғор иш усулларини изчил жорий этиш туфайлигина мураккаб вазифаларни ўз вақтида, ҳатто муддатидан илгари бажариш имкониятлари яратилади. Шу маънода ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг бригада усули беқиёс афзалликка эга. Бригада усули меҳнат унумдорлигини ошириб бориш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, самарадорлик ва сифатни яхшилашнинг таъсирчан формаларидан бири бўлиб қолди. Бугунги талаблар даражасида ишлаётган бригадаларнинг сони комбинатда 40 тадан ортиқдир. Уларга 707 ишчи бириккан. Бригада усули коллективнинг ҳар бир аъзосини ўз ишига ижодий ёндашадиган фаол бунёдкор даражасига кўтармоқда. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ана шу бўғинида тежамкорликнинг шахсий варақаларини очиш, техника ва технологияни такомиллаштириб боришнинг ижодий режаларини тузиш, уларни муҳокама этиш, амалга ошириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Ўтган йилнинг ўзида бригада усулининг самараси тарзида техникавий тадбирларни жорий қилиш йўли билан қарийб 1 миллион сўм иқтисодий фойда олинди, 6 минг 800 киловатт-соат электр энергия, 3 минг 440 тонна шартли ёқилғи иқтисод қилинди.

СССРнинг 50 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақада ғолиб чиққан комбинатимизга СССР 50 йиллиги номи берилган эди. Бу шарафли номни ҳар жиҳатдан эъзозлаб келаётган металлурглар коллективи 1982 йилнинг дастлабки квартали планларини асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этди. Халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаб жўнатиш кооперация топшириқлари билан биргаликда 1,3 баравар кўпайди. Қатор янги маданий-маиший буюмлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Республикамиздаги йирик меҳнат коллективларидан бири бўлган бизнинг корхонамизда СССР 60 йиллиги юбилейини 2,5 йиллик планни бажариш билан кутиб олишга бел боғлаган бригада ва цехлар, 1982 йил топшириқларини муддатидан илгари адо этишга аҳд қилган ишчилар мусобақаси тобора кучайиб бормоқда. Ишдаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф эта боришгина юксак социалистик мажбуриятларнинг ортиғи билан уддаланишига имкон беради. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумида: «Яхшироқ ишлаш керак. Планларни яхшироқ тузиш ва уларни яхшироқ бажариш лозим. Ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил этиш ва маҳсулотни яхшироқ ишлаб чиқариш зарур. Хуллас, самаралироқ ишлаш керак. Бу — пировард натижада асосий ҳал қилувчи масаладир», деб таъкидлади. Металлургларимиз бу даъватга катта бунёдкорлик ишлари ва ижодий фаоллик билан жавоб бераверадилар.

2-цех ишчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Зоя Побединская ўз шогирди М. Нурматова билан.

ЯНГИ ФАБРИКА ШУҲРАТИ

Устки трикотаж фабрикаси ишга туширилганида жиззахлик ёшлар беҳад қувонишди. Чунки уларнинг кўпчилиги қадимги бўзчиларнинг авлоди сифатида ота-боболарининг касбини давом эттириш имкониятига эга бўлган эдилар. Иштёқманд ёшлар фабрика йўлланмаси билан Тошкент ва Бухоро тўқимачилари ҳузурига юборилдилар. Улар тажрибали устозлардан тўқувчилик ва тикувчилик касбларининг сирларини ўргандилар. Фабрика цехлари ишчи кадрлар билан тўла таъминлангач, корхона лойиҳада кўзда тутилган қувват бўйича ишлай бошлади. Дастлаб 1977 йилда фабриканинг уч хил маҳсулотига Сифат белгиси берилди. Корхонага ишчи кадрлар тайёрлашни изчил йўлга қўйиш учун фабрика қошида ҳунар-техника билим юрти очилди. Ҳозир бу ерда бичувчи, тўқувчи ва тикувчи мутахассислар тайёрланмоқда.

Партиямиз XXVI съезди қарорларига изчил амал қилган фабрика коллективи ўтган йили миллион дона устки трикотаж кийимми ишлаб чиқарди. Бу белгиланганидан юз минг дона кўпдир. Ҳозирги пайтда мазкур корхонада 14 хил буюм Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

— Корхонамиз Жиззах шаҳри экономикасини кўтаришда муҳим ўрин тутади,— дейди фабрика директори ўртоқ Г. Қосимов.— Мақсадимиз фабрикамизни областда намунали корхонага айлантиришга қаратилган.

Камчиликни кўра билиш — тараққиёт омилларидан бири. Фабрика ишчилари бадиий совети ва сифат назоратчилари шу принципга қатъий амал қиладилар.

Фабриканинг эксперименталь цехи. Бу ерда болалар кийим-кечакларининг юзга яқин моделлари қўйилган. Цехда кийимларнинг ранги, безаклари, фасони ҳамда сифати уйғунлашиб, яхлит бир нафислик касб этади.

Тошкент тўқимачилик институтининг тикув маҳсулотларини конструкциялаш бўлимида таҳсил олган Муҳаббат Муҳиддинованинг номи тўртта маҳсулот остида қайд этилган. Бу унинг қизлар кўйлаги, болалар комбинезони ва костюми ҳамда юбкаларнинг муаллифи эканини кўрсатади. Тўрттала маҳсулот ҳам давлат Сифат белгисига сазовор бўлган. Унга нозик дидли Муяссар Рустамова ранг танлаган.

Маҳсулот модели ҳар қанча гўзал бўлмасин, у тикилиш сифати билан ҳам баҳоланади. Бунда ҳар бир жараённи кузатиб борадиган техника назорати бўлимининг роли катта. Лекин бўлим ишлаб чиқаришнинг сифатини кузатиш билан бўлиб, унинг технологиясини кузатишни бўшаштириб қўйиши мумкин. Шунинг учун фабрикада областда биринчи бўлиб маҳсулот сифатини комплекс тарзда бошқариш системаси жорий этилди. Сифатни бошқариш бўлими тўқишдан тортиб, бичиш ва тикишгача бўлган барча технологик жараёнларни такомиллаштиришни, меҳнат интизомини мустаҳкамлашни, кадрлар танлаш ва уларнинг малакасини оширишни, ишлаб чиқариш маданияти учун курашни кучайтириш масалалари билан шуғулланади. Фабрика бошланғич партия ташкилотининг КПСС XXVI съезди қарорлари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш юзасидан бошлаган ташаббуси шаҳар партия комитети томонидан маъқулланди.

Сифатни бошқариш бўлимида 4 сектор ва 8 секция бўлиб, уни бош инженер бошқаради. Ҳар бир цехда ҳафтада бир кун сифат куни деб белгилаб қўйилган. Шу куни барча мастер ва бригадирлар, технологлар ва цех бошлиқлари ўз фаолиятларини таҳлил қиладилар. Ойда бир мартадан фабрика бўйича сифат куни ўтказилади. Бу борада инженерлардан Иззатулла Умрқулов, Зинаида Меркушова, Масила Аблиқеевалар масъулият билан ишлашмоқда.

Юксак сифат — жиддий кураш жараёнида туғилади. Буни яхши тушунган ишчилар ўз цехларидаги кўрсаткич тахтасига бракчилар тарзида тушиб қолмаслик учун курашмоқдалар. Бу тахтанинг «Сифатли иш учун раҳмат» бўлими доим чевар қизлар маҳсули билан безаб қўйилади. «Бракчига уят» бўлими эса бўш туради. Бу бўлимнинг безалиши фақат фавқулодда ҳодиса туфайли содир бўлиши мумкин. Ҳар бир ишчи ўз ишхонасидан ёруғ юз билан чиқиши, чиқаверишда ёзиб қўйилган «Яхши меҳнат учун раҳмат» шиорига қониқиш билан қараши учун фақат сифатли ишлашга ҳаракат қилади.

* * *

Бош инженер Аҳмаджон Соатов кечқурун техника бўлимининг иши билан жиддий танишишни кўнглига тугиб қўйди. Бўлимда еттита инженер ишлайди. Улар янги жиҳозларни ўрнатиш, машиналар ишини янги моделларга ўз вақтида мослаб бериш, чиқиндиларни камайтириш ва бошқа қатор масалалар бўйича зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда қўшимча равишда топширилган ишларни қандай бажаришяпти? Чиндан ҳам Аҳмаджоннинг шубҳаси тўғри бўлиб чиқди. Бўлим бошлиғи Михаил Григорьев билан катта инженер Ўктам Шералиев ихтиролар дафтарида рационализаторлик бўйича атиги 4 та таклифнинг қайд этилганидан хижолат чекдилар.

— Ахир олти ойда 17 та таклиф тушган-ку? Биз яқинда бу соҳадаги мажбуриятимизни бажарганимиз ҳақида рапорт бермоқчимиз,— деди бош инженер.— Албатта ВОИРнинг 150 аъзоси тинмай изланяпти. Иш жараёнларини такомиллаштириш, чиқиндини камайтириш соҳасида янгиликлар яратяпти. Сиз эса бу ишга раҳбарлик қилишни эплолмаяпсиз. Ўтган йилги рационализаторлик соҳасидаги ишлар учун Касаба союзлари область Совети томонидан берилган Кўчма Қизил байроққа яраша ишлолмаяпсизлар...

Ана шу танқиддан тўғри хулоса чиқарган Михаил Григорьев ишни жонлантириб юборди. Д. Наврўзов, В. Егорова, З. Меркушова, Ш. Юсупов, В. Скрипниковларнинг рационализаторлик таклифларини дафтарга қайд этиб, бундан келадиган иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқди. Биргина Ш. Юсуповнинг жакет учун қийғоч ёқа тўқиш юзасидан ишлаб чиққан техник макети туфайли фабрика бир йилда минг сўмга яқин соф фойда кўриши мумкин экан. Яна бир таклиф туфайли фабрика ҳозиргача 155 трикотаж полотносини тежаб қолиш имкониятига эга бўлар экан. Ҳар бир килограмм трикотажнинг ишлаб чиқариш қиммати ўн сўмга тўғри келиши ҳисобга олинса, бу таклиф туфайли 1,5 минг сўм фойда кўрилади.

— Касални даволашдан кўра, унинг олдини олган яхши!— медикларнинг одамлар мисолида айтган бу гапи машиналар учун ҳам жуда қўл келади,— дейди бош инженер.— Негаки, машиналар ҳам касалланади, эскиради ёки ишдан чиқади. Катта аварияга ўз вақтида тузатилмаган кичик ишкал сабаб бўлади. Шунинг учун инженерлар огоҳлантирувчи ремонтга эътиборни кучайтирдилар. Қисқа вақт ичида турли маркадаги 34 тикув машинаси алмаштирилди. ДЛ-3 тўқув машиналари ўрнига замонавий «КЛК-5» ҳамда «КЛК-6» машиналари ўрнатилди. Янги пресслаш ва бўяш агрегатларидан фойдаланила бошланди. Буларнинг ҳаммаси корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бераётир.

Трикотаж чиқиндисини камайтириш масаласи техника бўлими ходимларининг доимий эътиборидаги масала бўлиб қолаётганининг боиси ҳам шунда эди. Уларнинг ташаббуси билан қўшни «Москва» колхозида чиқиндидан кенг истеъмол учун турли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган махсус цех ишга туширилди. Бу цехда чиқинди қийқимларидан тикилаётган болаларнинг қўл ва оёқ пайпоқлари, бежирим ҳамёнчалар, кўкрак фартуклари аҳоли томонидан севиб харид қилинмоқда. Шу йилнинг ўзида чиқинди қийқимларидан пальтолар, костюмлар ва бошқа кийим-кечаклар учун елка ёстиғи тикишни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

* * *

— Мен Работ қишлоғидан келдим,— деди Зуҳра тортинчоқлик билан,— фабрикада ишласам дегандим.

Жиззах шаҳридаги Устки трикотаж фабрикасининг илғор тикувчиси Марҳамат Бобоева (ўртада) шогирдларига ўз тажрибасини ўргатмоқда.

Ҳ. ТОЖИЕВ фотоси

— Ихтисосингиз қанақа?

— Мен эндигина 10 синфни тугалладим. Ҳунар ўрганмоқчиман.

— Ундай бўлса, фабрикамиз қошидаги ҳунар-техника ўқув юртига киринг. Олти ойгача стипендия олиб ўқийсиз. Ҳаммаси бўлиб 11 ой ичида учинчи даражали мастер бўласиз.

Работ қишлоғи фабрикадан 30 километр чамаси олисда эди. Қиз ётоқхонага жойлаштирилди. Саккиз ойдан сўнг у стипендия билан бирга 180—200 сўмдан иш ҳақи ола бошлади. Ҳозир ўша қиз — Зуҳра Нормуродова коммунистик меҳнат зарбдори. Меҳнат календари бўйича у ҳозир 1983 йил ҳисобига ишлаётир.

Техника билим юрти фабрика учун кадр етказиб бериш ўчоғи бўлиб хизмат қилмоқда. Сўнгги уч йил мобайнида бу даргоҳни битирганлар 650 нафарга етди. Ҳозир фабрикада мингдан зиёд чевар фидокорона меҳнат билан банд. Уларнинг 900 дан зиёдроғи социалистик мусобақада актив иштирок этяпти. 19 комсомол-ёшлар бригадаси «Қолоқларсиз ишлаймиз» шиори остида ишламоқда. Улар орасида 14 цех ва бригада коммунистик меҳнат коллективи фахрий номини олиш учун курашяпти. 26 ёш ишчи «Мураббийлар кўрсаткичига эришамиз» деб ваъда берган.

Жиззахдаги Устки трикотаж фабрикасининг оташқалб ёшлари КПСС XXVI съезди қарорларини изчил амалга ошира бориб, ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилганлар. Беш йилликнинг иккинчи йилини пландан ташқари 280 минг сўмлик ўрнига ярим миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунлашга бел боғланган ёшлар ташаббуси корхона шуҳратини кундан кунга оширмоқда.

Нўъмонжон МИРЗАЕВ

Курултой президиуми.

Курултой залида.

ҒОЛИБЛАР ҚУРУЛТОЙИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов қурултойда нутқ сўзламоқда.

ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ

Республикамиз қишлоқ хўжалик илғорлари ҳар йили улкан ғалабаларга эришиб, янги йилда кўкламги экиш ишларини бошлаш олдидан ўз қурултойларига йиғилишлари ажойиб анъана бўлиб қолди. Тошкентда бўлиб ўтган бу йилги қурултойда республикамиз пахтакорлари, чорвадорлари, сабзавоткорлари, пиллачилари ва боғбонларининг бир йиллик ишларига якун ясалди, улар тажрибалари билан ўртоқлашдилар, айни вақтда янги йилнинг янги режалари белгилаб олишди. Утган йили улкан «оқ олтин» хирмони уйган пахтакорларимиз бу йил давлатга 5 миллион 950 минг тонна пахта етиштириш мажбуриятини олдилар.

Советобод районидаги «Ленинчи» чорвачилик совхози директорининг ўринбосари Исмоил Зокиров ва шу райондаги «Қарноб» совхози директорининг ўринбосари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қарши Худоёров бу йилги режалари ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

ЛЕНИН ДАҲОСИДАН НУР ОЛГАН ЎЛКА

Эркин ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги

Бу ЙИЛ мамлакатимиз халқлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлайдилар. 60 йил жамият тараққиётидаги ниҳоятда қисқа бир вақтдир. Лекин Совет ҳокимияти шароитида, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимиз халқлари босиб ўтган ана шу йилларнинг мазмуни асрларга тенгдир. Мамлакатимиздаги барча миллатлар ва халқлар билан тенг ҳуқуқли дўстона оилага бирлашган ўзбек халқи ҳам олтмиш йил ичида жуда улкан иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ва маданий тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ўзбек халқи ўзининг тараққиёти тарихида ҳеч қачон бунчалик юксакликка даражасига кўтарилмаган эди. Совет Ўзбекистонининг босиб ўтган йўлига назар ташлар эканмиз, унинг ҳар бир босқичи буюк Ленин қилган илмий башоратнинг амалий намунаси эканини кўрамиз. Бугунги Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам ленинизм ғоялари тантанасини бутун тараққиёт-парвар инсониятга кўрсатиб турувчи машъалдир.

В. И. Ленин Россияда революцион кураш кескинлашиб бораётган биринчи кунлардаёқ миллий масалани ҳал қилишга жуда катта эътибор берди. Инқилобдан олдинги Россия кўп миллатли мамлакат бўлиб, бу ерда синфий зулм билан бир қаторда, миллий зулмнинг ҳам энг даҳшатли формалари ҳукмронлик қилар эди. Россияда миллий масала юзасидан илмий программага эга бўлмай туриб, революцион жараённи кескинлаштириш ва ғалабага эришиш мумкин эмас эди. В. И. Ленин Коммунистик партиянинг миллий масала программасини пролетар интернационализми принципларига асосланган ҳолда, Россия шароитига мослаб ишлаб чиқди.

Миллий тенгсизлик ва миллий зулмнинг ҳар қандай формаларига абадий хотима бериш, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, дўстлиги ва ҳамкорлигини ўрнатиш, миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари ҳақидаги масала пролетар партиясининг асосий сиёсий мақсадларидан бири бўлиб, унинг асосида мамлакатдаги барча халқлар ва миллатларни пролетариат отрядига яқинлаштириш ва бирлаштириш имкони юзага чиқди. Мустамлака ва чекка ўлкаларнинг халқлари олиб бораётган миллий озодлик ҳаракатлари Россияда мавжуд бўлган революцион жараённинг муҳим таркибий қисми эди.

Пролетар партиясининг миллий масала юзасидан бўлган программасини кенг пропаганда қилиш чекка ўлкаларда миллий озодлик ҳаракатларини Россия пролетариати олиб бораётган сиёсий кураш билан чамбарчас боғлаш имконини берди. В. И. Ленин ғояларини Туркистонда кенг тарғиб қилган Морозов, Худаш, Феофанов, Бакрадзе сингари большевиклар маҳаллий миллатлар ўртасида тарбиявий-сиёсий ишлар олиб бордилар. Натижада маҳаллий миллатлар ўртасидан Н. Хўжаев, Д. Устабоев, С. Қосимхўжаев, М. Мирходиев, О. Бобожонов сингари революционерлар етишиб чиқдилар.

Туркистонда 1905—1907 йилларда бўлиб ўтган революцион воқеалар, 1916 йилдаги оммавий халқ қўзғолони, 1917 йилдаги Февраль ва Улуғ Октябрь социалистик революциялари ягона революцион жараённинг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган босқичларидир.

1917 йил Октябрь ғалабасидан кейин ҳам В. И. Ленин ўтмишда мустамлакачилик зулми остида эзилган халқларнинг социализмга томон тараққиёти йўлининг назарий ва амалий масалаларини ёритишга катта аҳамият берди. Бу даврларда В. И. Ленин капитализмни четлаб, социализмга ўтиш ҳақидаги марксча назарияни ижодий бойитди ва янги босқичга кўтарди, бу мақсад йўлида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришларга бевосита раҳбарлик қилди.

В. И. Ленин томонидан ёзиб тайёрланган «Россия халқлари ҳуқуқлари» декларацияси ўтмишнинг энг оғир мероси — миллий тенгсизликни тугатиш йўлидаги асосий йўлланма бўлди. Декларацияда олдинга сурилган принципларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз халқлари ўртасида ўтмишда ҳеч қачон бўлмаган янгича муносабатларнинг ўрнатилиши ва ривожланишига олиб келди.

В. И. Ленинниинг Туркистондаги коммунист ўртоқларга ёзган тарихий хати ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқ керак. Бу хатда халқлар ўртасида тўла тенглик ва ишончга асосланган дўстликни ўрнатиш йўллари ва унинг оламшумул аҳамияти ҳақида шундай дейилган: «Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир.

Совет ишчи-деҳқон республикасининг кучсиз, шу дамгача эзилган мазлум халқларга муносабати бутун Осиё учун ва жаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, минглаб ва миллионлаб кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади». (В. И. Ленин. Туркистондаги коммунист ўртоқларга. Тўла асарлар тўпламн, 39-том, 349-бет).

Улуғ доҳиймизнинг мазкур хати Коммунистик партиянинг миллий программасини изчиллик ва эҳтиёткорлик билан амалга оширишда маҳаллий партия ташкилотларига жуда катта ёрдам кўрсатди.

В. И. Ленин Туркистонда социализм қуриш ниҳоятда мураккаблигини, бу ўлканинг хусусиятлари, шароити, имкониятлари, синфий ва миллий муносабатлар тараққиётининг даражасини тўла ҳисобга олмай туриб, социализм қуриш мумкин эмаслигини

СССР нинг 60 йиллиги олдидан

кўрсатди. «Бу ерда,— деган эди у,— партия ташкилотлари олдида шундай вазифалар турадики, улар коммунистик ҳаракат тараққиётида ҳеч қачон кун тартибида турмаган». Бу вазифаларни тушуниш ва ижодий ҳал қилиш ҳар бир раҳбардан юксак ғоявий-сиёсий етуклик, ташкилотчилик маҳорати, пролетар интернационализми принципларига содиқликни талаб қилар эди. Туркистон шароитида эса, ана шундай етук кадрлар етарли эмас эди.

1919 йил бошидаёқ В. И. Ленин ташаббуси билан унинг содиқ сафдошлари, оташқалб революционерлар: М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Э. И. Рудзутак, Г. И. Бокий, Ш. З. Элиавалардан иборат бўлган Туркистон комиссияси тузилди. Бу комиссия оғир гражданлар уруши ва ундан кейинги мураккаб тикланиш йилларида ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш, маҳаллий миллат вакилларидан етук партия ва совет раҳбар ходимларини тарбиялаш, революция ғалабаларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, демократик ва социалистик характердаги иқтисодий ва маданий ўзгаришларни амалга ошириш сингари вазифаларни бажаришга раҳбарлик қилди. В. И. Ленин Туркистон халқларини социалистик тараққиёт йўлидан олиб бориш, ҳар бир миллатнинг маданияти, тили, урф-одатлари — барча миллий хусусиятларини ҳурмат қилишни ҳам тақозо этишини кўрсатди:

«Партия кенг область автономияси берилишини, юқоридан қилинадиган назоратнинг бекор қилинишини, мажбурий давлат тилининг бекор этилишини ва ўзини ўзи идора қилувчи область ва автоном областларнинг чегараларини хўжалик ва турмуш шароитларини, аҳолининг миллий состави ва ҳоказоларни маҳаллий халқнинг ўзи ҳисобга олиши асосида белгилашни талаб қилади». (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 31-том, 497-бет.)

Улуғ Ленин таълимотига кўра, шошма-шошарликка йўл қўймасдан, миллий ва синфий онгнинг юксалиш даражаларини ўрганмоқ зарур эди. Маҳаллий миллатларни социалистик тараққиёт йўлига кенг сиёсий-тарбиявий ишларни амалга ошириш орқалигина жалб этмоқ мумкин эди. Бу вазифа ишчилар синфи, биринчи навбатда илғор рус ишчилари иштирокида амалга оширилиши мумкин эди.

Кенг деҳқонлар оммаси партиянинг иқтисодий-сиёсий, миллий программасини яхши ўзлаштиргандан кейингина янги жамият учун курашда онгли суратда иштирок этмоғи мумкин эди. Ленин васиятларига амал қилган Коммунистик партия кўп йиллар давомида ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишлар олиб бориб, социализм қуриш учун зарур бўлган субъектив заминни барпо этди.

В. И. Ленин асосий оммаси деҳқонлардан иборат бўлган ўлкаларда коммунистик ташкилотларнинг ривожланиши, маҳаллий ҳокимият барпо этишнинг формалари масаласига ҳам жиддий эътибор берди. Туркистонда партия сафига кўплаб деҳқонлар ва ҳунармандларни қабул қилиш, ташкилий-партиявий ишнинг ўзига хос формаларини яратиш, деҳқонлар советларини ташкил этиш Ленин ғояларининг яна бир тантанасидир. Булар ҳаммаси маҳаллий миллатлар меҳнаткашларини социалистик қурилишга жалб қилишнинг конкрет шароитлар ва имкониятлар тақозо қилган формалари эди.

Ўзбекистонда маданият, фан ва олий таълимнинг ривожланиши ҳам В. И. Ленинниинг номи билан боғлиқдир. У 1920 йилнёқ Тошкентда Совет Шарқида биринчи олий ўқув юрти — Туркистон Давлат университетини ташкил этиш ҳақидаги декретга имзо чекди. Унинг йўлланмаси билан жуда кўп атоқли рус олимлари бу ерга келиб, фан, олий таълим, маданият ривожи учун зарур бўлган пойдеворни барпо этдилар. Ўзбекистонда ва бошқа Урта Осиё республикаларида фан ва маданиятнинг ривожланиши, маҳаллий интеллигенциянинг шаклланиши ана шу фан фидойилари олиб борган иш ва кураш билан боғлангандир. В. И. Ленин феодал зулми остида эзилиб ётган Бухоро ва Хива меҳнаткашларини озод қилиш масаласига ҳам жиддий эътибор берди.

Владимир Ильич 1917 йилдаёқ: «Биз Хива деҳқонининг Хива хони қўли остида яшашини мутлақо истамаймиз, биз революциямизни ривожлантириб, мазлум халқларга таъсир қиламиз» (В. И. Ленин, Танланган асарлар тўплами, 31-том, 493-бет), деб кўрсатган эди. Ленинниинг бу башорати амалга ошди. 1920 йили Хива ва Бухоро меҳнаткашлари Россиядаги революциядан илҳомланиб, ғолиб ишчилар синфининг ёрдамига таяниб, феодализм зулмига барҳам бердилар ва демократик тараққиёт йўлига ўтиб олдилар. Кейинчалик бориб, Бухоро ва Хива меҳнаткашлари Урта Осиёдаги иттифоқчи республикалар билан бирлашдилар.

Эндиликда Ўзбекистон ривожланган, индустриал аграр социалистик республикадир. Бу ерда 100 дан ортиқ тармоққа эга бўлган замонавий саноат мавжуд бўлиб, унинг маҳсулоти бутун оламга машҳурдир. Ўзбек деҳқонларининг пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги ютуқлари социализм яратган юксалиш имкониятларини яна ҳам кенгроқ намоён қилмоқда. Фан ва маданият соҳасидаги ютуқларимиз ҳам бутун прогрессив инсониятга ўрнак ва ибрат бўлмоқда.

КПСС XXVI съезди белгилаб берган улкан режалар республикамиз ишлаб чиқариши, фани ва маданияти равнақи учун, кишиларнинг ғоявий ва маънавий камолоти учун янги имкониятлар очиб бермоқда. Булар ҳаммаси В. И. Ленин башоратининг амалда намоён бўлишидир.

КОСМОСНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ЯНГИ, БУЮК ҒАЛАБА

Владимир Ильич Ленин барельефи тасвирланган вимпел.

«Венера — 13» станциясининг туширилувчи аппаратига ўрнатилган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Герби тасвирланган давлат белгиси.

Совет космик фани ва техникаси космосни тинч мақсадларда ўзлаштириш тарихида яна бир ёрқин саҳифа очди: планетalараро «Венера — 13» автомат станцияси 300 миллион километрдан зиёд масофани босиб учишининг 122-суткасида, яъни 1982 йилнинг 1 март куни сайёра атрофига етиб борди. Венера атмосферасига киришдан икки кун аввал туширилувчи аппарат ажралиб чиққач, станция учиб ўтиш траекториясига кўчирилди. «Венера — 13» автомат станцияси Венера планетасининг юзасидан 36 минг километр нариdан ўтиб кетди ва гелиоцентрик орбита бўйлаб уча бошлади.

Венера планетаси томон учиш давомида автомат станция ичига ўрнатилган қурилмалар ёрдамида рентген нурланишлари, планетalараро плазма, Қуёш шамолининг хусусиятлари ва космик нурлар тадқиқ қилинди. Шу билан бирга Совет — Франция программаси доирасида галактик-гамма нурланиш манбаларининг жойланиши ва хусусиятларини аниқлаш экспериментлари бажарилди, шунингдек, Австрия мутахассислари ишлаб чиққан магнитометр ёрдамида планетalараро магнит майдони ўрганилди.

Станциянинг туширилувчи аппарати Венера атмосферасига секундига 11,2 километр тезликда кириб борди. Сайёра сатҳидан 47 километр баландликда тормоз берилгач, парашютдаги аппарат аэродинамика қурилмасидан фойдаланиб пасайишни давом эттирди ҳамда Феба областидан шарқий томондаги районга оҳиста қўнди. Мазкур аппарат 127 минут давомида илмий ахборот бериб турди.

Учиш программасига мувофиқ Венера жинсларининг элемент таркибини аниқлаш учун тажрибага замин олишдан иборат принципиал янги илмий вазифага муҳим ўрин берилган эди. Аппарат ичига ўрнатилган замин олувчи қурилма атроф муҳитнинг ҳарорати 457 градус ва босими 89 атмосфера бўлган шароитда пармалаш ишини бажарди, тажриба учун замин олди. Айни вақтда сайёранинг сейсмик активлиги аниқланди, кўчма прибор ёрдамида заминнинг физик-механик хоссаларини ўлчанди.

Аппарат системалари ва илмий приборларнинг иши тўғрисидаги маълумотлар «Венера — 13» планетalараро автомат станцияси томонидан қабул қилиниб, Ерга узатиб турилди. Планеташуносликда илк бор Венера сайёрасининг манзараларига доир ранглн суратлар олинди.

«Венера — 13» станцияси ичига Владимир Ильич Ленининнинг барельефи тасвирланган вимпел, туширилувчи аппаратга эга Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Герби тасвири туширилган давлат белгиси ўрнатилган.

«Венера — 13» станциясидан тўрт кун кейин учирилган «Венера — 14» автомат станцияси ҳам 5 март куни сайёра атрофига етиб борди. Олис космик алоқа маркази планетalараро станцияларни бошқариб турди.

КПСС XXVI съезди космосни бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида ва тинчлик мақсадларида тадқиқ қилишга доир тарихий қарорлар қабул қилган эди. Венера сайёрасида олиб борилган илмий тадқиқотлар партиямиз тарихий қарорларининг яна бир ёрқин намойишига айланди.

Мухбир
ЎзССР ФА мухбир аъзоси, Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг директори

МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

1981 йилда «Новости» матбуот агентлигининг мамлакатимиз жамоат ташкилотлари, фан ва маданият муассасалари, шунингдек, Осиё ва Африкадаги бир қанча давлатлар билан биргаликдаги ташаббусига биноан Абу Али ибн Сино номидаги халқаро мукофот таъсис этилган эди. Бу мукофотни ҳар йили СССРнинг бир граждани ҳамда Африка ва Осиё мамлакатларининг бир граждани мамлакатимиз ҳамда Африка ва Осиё қитъаси халқлари ўртасида тинчлик ва дўстлик ғояларини пропаганда қилувчи адабиёт, публицистика, ижтимоий фанлар соҳасидаги энг яхши асарлар учун беришга қарор қилинган. Ижодий ва илмий ташкилотларнинг коллективлари ҳам шу мукофотга сазовор бўлишлари мумкин.

Яқинда «Новости» матбуот агентлиги правлениеси раисининг ўринбосари К. А. Хачатуров Абу Али ибн Сино номидаги халқаро мукофот комитети жюрисининг топшириғига биноан мазкур фахрий мукофотни тантанали вазиятда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти коллективига — унинг биринчи лауреатига топширди.

Бутун совет халқи бу йил СССР ташкил топганининг 60 йиллигини нишонлайди. Бу олтмиш йил Совет мамлакати учун оламшумул ўзгаришлар даври, жаҳон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий тараққиётида катта бир бурилиш даври бўлди. Бу давр, янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, янгича давлат, демократия ва сиёсат, турли миллатлар ўртасидаги янгича, дўстона алоқалару қардош халқларнинг янгича тарихий бирикмаси — совет халқининг ташкил топиши, мазмунан социалистик, шаклан миллий бўлган янги маданиятнинг камолга етиши, хуллас, бизнинг мамлакатимизда — катта бир регионда социализм тантанаси дунёдаги бошқа барча халқларга, умумий ижтимоий ривожланишга катта таъсир эта бориши билан характерланади. Бу буюк тарихий янгиликлар, уларни назарий ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш йўл-йўриқларини белгилаш гениал мутафаккир ва революционер, доҳиймиз Владимир Ильич Ленин номи билан узвий боғлиқдир.

В. И. Ленин барча халқларнинг, меҳнаткашларнинг моддий, сиёсий ва маънавий ривожланишини таъминлаш йўлида кураш олиб борди, асрлар давомида эзилиб келган Шарқ халқларининг тараққиётига зўр умид билан қаради. У янгича социалистик маданиятни вужудга келтириш хусусида фикр юритиб, барча миллатларнинг бой илғор маданиятини ривожлантириш, маданий бойликларидан, меросидан кенг ва ижодий фойдаланиш зарурлигини бир неча бор қайд этди ва совет давлатининг раҳбари сифатида бу йўлда изчил иш олиб борди. Шарқ халқларининг ҳам бой маданий меросга эга эканликларини яхши тушунган ҳолда доҳиймиз Ленин уни сақлаш, ўрганиш ва социализм қуришда кенг фойдаланиш борасида ғамхўрлик қилди.

Коммунистик партиямиз ва совет давлати буюк Ленин васиятларига изчил амал қилиб, бу соҳада ҳам катта ишларни амалга оширдилар. Партиямизнинг XXVI съезди маданиятимиз, маънавий ҳаётимизни янада бойитиш ва ривожлантириш, бу йўлда барча халқларнинг ташаббуси, ижодий фаолиятини янада тараққий эттириш зарурлигини яна бир карра қайд этди.

Ленинча миллий сиёсат ғалабаси, КПССнинг мамлакатимизда маданий тараққиётни таъминлаш соҳасидаги изчил сиёсати туфайли Ўзбекистон халқлари ҳам янги социалистик маданиятнинг, маънавий тараққиётнинг юксак чўққиларига кўтарилдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, бошқа халқларнинг маданий ютуқларини ўрганиш — маданий равнақ соҳасидаги доимий ғамхўрлиги ҳам бу борада ҳал этувчи роль ўйнади. Ўрта Осиё халқларининг бой маданий меросини, халқимиз билан узоқ тарихий алоқаларга эга бўлган Шарқ мамлакатларининг маданий бойликларини рўёбга чиқариш ва уларни социализм талаблари нуқтаи назаридан ўрганиш бу йўлда катта аҳамиятга эгадир.

Улуғ Ватан урушининг энг қизғин даврида, 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида биринчилар қаторида ташкил этилган Шарқшунослик институтининг фаолияти, илмий ютуқлари шу жиҳатдан муҳим ўрин тутади.

Шарқ халқларининг ўтмиш маданий-илмий бойликларини ўрганиш, уни кенг халқ оммасига етказиш, ўтмишдаги буюк мутафаккир олимларимизнинг асарлари билан меҳнаткашларни таништириш, уларнинг ўлмас фикр-ғояларининг замонамиз, жамиятимиз учун аҳамиятини кўрсатиб бериш институт фаолиятининг энг муҳим томонларидан биридир. Бу соҳадаги фаолиятимиз ва ютукларимизнинг Совет Иттифоқида ва жаҳоннинг турли мамлакатларида эътибор этилишига муҳим асослардан бири — институтда ниҳоятда бой қўлёзмалар фондининг мавжудлигидир.

Институтда сақланаётган қўлёзмалар бир неча асрлар давомида тўпланиб келинган бўлса-да, асосан Совет ҳокимияти даврида давлатимизнинг изчил ғамхўрлиги туфайли бой ва ноёб фонд сифатида шаклланди ва кўпчиликка маълум бўлди. Ҳозир фондда араб, форс, қадимги туркий, урду, санскрит тилларида ёзилган 40 мингдан ортиқ номга эга бўлган ноёб қўлёзма ва 80 мингга яқин литографик тарзда ёзилган асарлар сақланади. Халқдан эски китобларни сотиб олиш ҳисобига фонд йилдан-йилга бойиб бормоқда. Бундан ташқари, институт кутубхонасида бошқа мамлакатларда сақланадиган ноёб қўлёзмаларнинг микрофильмлари, турли тилларда нашр этилган китоблар ҳам мавжуд. Фондда буюк мутафаккирлар, шоирлар, маданият арбоблари: ал-Кинди, Форобий, ар-Розий, Ибн Сино, Беруний, Замахшарий, Тусий, ибн Рушд, Журжоний, Улуғбек, Навоий, Жомий, Ҳофиз, Бобир, Машраб, Огаҳий каби устозларнинг ноёб қўлёзма асарлари, Шарқ халқларининг фани, маданияти, санъати, ҳунармандчилиги, тарихи, моддий ва маънавий ҳаётининг турли тармоқларига оид рисолалари эҳтиёткорлик билан сақланади. Шарқ қўлёзмаларини тўплаш, уларни тартибга солиш ва ўрганиш, дунёдаги бошқа ўхшаш қўлёзмаларга солиштириб рус ва ўзбек тилларига таржима этиш ва шарҳлар яратиш, тадқиқ этиш, ҳозирги фан, маданият талаблари нуқтаи назаридан аҳамиятини аниқлаш соҳасида институт ходимлари муҳим ютуқларни қўлга киритдилар. Бу ютуқлар илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, республика олимлари шуҳратига шуҳрат қўшди. Бу жиҳатдан фондимиздаги қўлёзмалар 13 томлик каталогининг тайёрланиши ва чоп этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шу иш жараёнида қадимги араб, форс қўлёзмаларининг сирларини очиб, кенг халқ оммасига етказиб бера оладанган моҳир мутахассис олимлар етишиб чиқдилар. Ўзбекистонда шарқшунослик илмининг ривожланишида, қадимги қўлёзмаларни тилга киритиш ва ўқувчиларга таништишда А. А. Семёнов, С. Мирзаев, А. К. Арендс, М. А. Салье, А. Расулов, Ю. Н. Завадовский каби устодларнинг катта хизматларини олимларимиз ҳеч қачон унутмайдилар.

Хусусан шарқшунос олимларимиз Шарқнинг буюк мутафаккирлари меросини ўрганишда, тарғиб қилишда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Биринчи бўлиб, институт олимлари Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний асарларини рус ва ўзбек тилларига таржима қилиб нашр эттирдилар, уларга бағишланган тадқиқотлар яратдилар. Натижада институт Бутунииттифоқда ва жаҳонда ибнисиношунослик ва берунийшунослик фанларининг муҳим марказларидан бири бўлиб танилди. 50-йиллардаёқ институт олимлари Москва олимлари билан ҳамкорликда Абу Али ибн Синонинг машҳур «Тиб қонунлари»нинг рус ва ўзбек тилидаги таржимасини тайёрлаб, чоп этдилар. Қадимги дунё ва ўрта асрнинг медицина энциклопедияси ҳисобланган бу асарнинг ҳозирги даврмизнинг муҳим тилларидан ҳисобламиш рус тилига таржима этилиши совет олимларининг катта илмий ютуғи бўлди. «Тиб қонунлари»дан ташқари Абу Али ибн Синонинг медицина, философия, адабиётга оид рисолалари ҳам рус ва ўзбек тилларида босиб чиқарилди. Буларнинг ҳаммаси ибнисиношуносликнинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

60- ва 70-йиллар давомида жаҳонда биринчи бўлиб буюк олим Ибн Синонинг замондоши Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон», «Хронология», «Геодезия», «Масъуд қонуни», «Фармокогнозия» асарлари ҳам рус ва ўзбек тилларига таржима этилиб, илмий шарҳлар билан нашр қилинди. Бу эса берунийшуносликнинг изчил тараққиётини асослаб берди. Айни пайтда шу йиллар давомида Шарқ халқларининг тарихи, илми, маданиятига оид қатор муҳим манба асарлар ҳам рус ва ўзбек тилларида чоп этилди. Буларнинг ҳаммаси Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаёт тарихини, фан-маданият тараққиётини чуқур ўрганиш учун турли соҳадаги олимларимизга кенг имконият очиб берди.

Бой маданий меросимизни ўрганиш билан бирга ҳозирги ажнабий Шарқ халқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, миллий озодлик ҳаракатининг омиллари, СССРнинг Шарқ давлатлари билан алоқаларининг мустаҳкамланиб бориши жараёнини тадқиқ этиш ҳам олимларимизнинг илмий фаолияти марказида туради. Бу жиҳатдан олимларимизнинг Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Покистон,



ДИПЛОМ

Лауреату Международной премии Агентства печати Новости имени Абу Али ибн Сины (Авиценны) за 1981 год ИНСТИТУТУ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ имени АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ АН УзССР за вклад учёных, направленный на укрепление мира и дружбы между народами Азии и Африки и Советского Союза

Абу Али ибн Сино номидаги халқаро мукофот дипломи.

Нодир қўлёзмаларни варақлаганда...



Абу Али ибн Сино номидаги халқаро мукофот лауреатлик медали.

Сурия, Миср халқлари ҳаётининг турли масалаларига бағишланган асарлари диққатга сазовордир.

Институт коллективи ўз ижодий муваффақиятларини муттасил равишда мустаҳкамлаб бормоқда. Унинг чет эл илмий марказлари, олимлари билан алоқалари борган сари кўпаймоқда. Хусусан, ўтган ўнинчи беш йилликда институт ходимлари 1000 босма табоқ ҳажмида 50 дан ортиқ монография ва таржима асарлари, 400 га яқин илмий мақола ва брошюралар нашр этдилар. Форобий, Ибн Сино ва Беруний айрим асарларининг таржималари, «Ҳозирги замон Шарқ адабиёти», «Улуғ Октябрь ва Шарқ мамлакатлари», «Эроннинг прогрессив шоирлари», «Муҳаммад Иқбол — Шарқнинг буюк шоир ва мутафаккири» асарлари шулар жумласидандир. Бу йиллар ичида баъзи олимларимизнинг асарлари Москва нашриётларида, шунингдек, Франция, ГДР, Ҳиндистон, Афғонистон каби мамлакатларда ҳам нашр этилди.

Шарқшунослик институти ходимлари олиб борган тадқиқотлар ўтмиш мутафаккирларимизнинг юбилейларини республикамиз ва Иттифоқимиз миқёсида кенг нишонлаш имкониятини яратди. Совет ҳукуматининг қарори билан 1972 йилда буюк Берунийнинг 1000 йиллик юбилейи Иттифоқимиз ва турли чет мамлакатларда ўтказилди. 1975 йилда халқимиз машҳур файласуф Абу Наср Форобий таваллудининг 1100 йиллигини байрам қилди. 1980 йил ажойиб аллома Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллик юбилейини ўтказиш йили бўлди. Бу юбилейлар муносабати билан республикамизда халқаро илмий конференциялар ўтказилди ва бир қанча асарлар нашр этилди.

Масалан, Ибн Синонинг 1000 йиллик юбилейини ўтказиш муносабати билан амалга оширилган ишлар маданий меросимизни янада чуқур ўрганишга эътиборни кучайтирди, фанимиз, маданиятимиз тарихини янада кенг тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. «Тиб қонунлари» қайтадан эълон қилинди. Ибн Сино мероси, даври ҳақида қатор монография, тўплам, брошюра, илмий мақолалар чоп этилди. Бу ишга — Ўзбекистон ФА мухбир аъзолари У. Каримов, П. Г. Булгаков, олимларимиздан А. Ирисов, Х. Ҳикматуллаев, И. Абдуллаев, А. Аҳмедовлар муҳим ҳисса қўшдилар. Юбилей муносабати билан Бухорода бўлиб ўтган халқаро илмий конференция ҳам Ибн Синонинг мероси ва илмий ютуқларини ўрганиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этди. Республикамиз олимлари ЮНЕСКОнинг қарори билан турли чет эл мамлакатларида, хусусан, Испания, Ҳиндистон, Венгрия, ГДР-да ўтказилган Абу Али ибн Синонинг юбилей конференцияларида илмий докладлар билан актив иштирок этдилар.

Маълумки, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг ўтмиш санъатини миниатюра санъатисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Эрамизнинг тўртинчи асрларидаёқ Ўрта Осиёда деворий расм санъати камолга етгани тарихдан маълум. XV ва XVI асрларга келиб эса миниатюра санъати янада такомиллашди. Бу даврларда, масалан, бир қанча миниатюра санъати мактаблари — Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм, ва Андижон миниатюра санъати мактаблари вужудга келди. Навоий замондоши, буюк мўйқалам соҳиби Камолиддин Беҳзод ижоди миниатюра санъати тараққиётига зўр ижобий таъсир кўрсатди. 1980 йилда институтимиз Ҳамза номидаги санъатшунослик институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти тўпламларида «Шарқ миниатюралари» альбом-каталогни эълон қилди, 1981 йилнинг май ойида институтимизда устоз санъаткор Камолиддин Беҳзоднинг 525 йиллик юбилейига бағишланган илмий конференция ўтказилди.

Ҳозир олимларимиз партиямиз ва ҳукуматимиз қарори билан 1983 йилда ўтказиладиган Шарқнинг буюк математиги ва қомусий олими Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий туғилганининг 1200 йиллик юбилейига тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. Юбилейни ўтказиш бўйича йирик совет олими, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Н. Федосеев бошчилигидаги Бутуниттифоқ ташкилий комитети, Ўзбекистон Министрлар Совети раиси Н. Ж. Худойбердиев бошчилигидаги Республика ташкилий комитети раҳбарлигида бошқа тадбирлар сирасида Хоразмий асарларини тўплаш, ўрганиш ва нашр этиш, унга бағишланган илмий асарлар яратиш, бу улуғ олимнинг илмий жасорати ва илғор ғояларини тарғиб қилиш бўйича институтимиз муҳим вазифаларни амалга оширмоғи лозим.

Хусусан, Хоразмийнинг арифметикага оид рисоласи қайтадан тўлдирилган ва шарҳланган ҳолда рус ва ўзбек тилларида нашр қилинади, унинг астрономия ва географияга оид асарлари биринчи марта рус тилида чоп этилади. Хоразмий танланган асарларининг бир томлиги ўзбек тилида нашрга тайёрланмоқда. Юбилей муносабати билан Хоразмий ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган мақолалар тўплами, бир қанча брошюралар эълон қилинади.

Хоразмий юбилейи ҳам Шарқ халқлари илмий меросининг қанчалик бой эканлиги ва уни чуқур ўрганишнинг муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатувчи салмоқли далиллардан бири бўлади. Халқимизнинг бундай илмий-маданий меросини ўрганиш, ўтмиш мутафаккирлар юбилейини ўтказиш Шарқнинг жаҳон маданияти тараққиётидаги муҳим ролини камситувчи, сохталаштирувчи буржуа мафкурасига берилган катта зарба эканлиги — унинг ғоявий-идеологик аҳамияти яққолдир.

Институтимизнинг фаолияти ва илмий ишлари ажнабий Шарқ халқлари билан маданий алоқаларни, дўстликни мустаҳкамлаш ишида муҳим роль ўйнайди: унинг чет эл илмий марказлари олимлари билан олиб бораётган алоқаларининг кенгайиб бориши бунинг далилидир. Ҳозир институтимиз Венгрия академияси ва Ҳиндистон академияси билан Шарқ илми тарихини ўрганиш бўйича тадқиқотлар бошлаб юборди. Афғонистон Демократик Республикаси Академиясида шарқшуносликка оид тадқиқотларни кенгайтириш бўйича кенг ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди. 1981 йилнинг ўзида АҚШ, ГФР, Афғонистон Демократик Республикаси, Ҳиндистон, Ироқ, Швеция, Япония, Кувайт, Ливан каби мамлакатлардан келган делегацияларни ва вакилларни қабул қилдик, улар билан шарқшуносликнинг турли масалалари бўйича суҳбатлар ўтказдик.

Институтнинг илмий ютуқларини чет эл матбуотида ёритиш бўйича қатор таклифлар кўриб чиқилди.

1981 йилда АПН томонидан таъсис этилган Абу Али ибн Сино номидаги халқаро мукофотнинг биринчи бўлиб Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтига берилиши бу илмий коллектив ходимларининг ижодий фаолияти, ютуқлари ва Шарқ халқлари билан дўстликни мустаҳкамлаш соҳасидаги хизматларига берилган катта баҳо бўлди. Бу юқори баҳо ва мукофот институт коллективини янги ютуқларга илҳомлантиради. Институтимиз ҳозирги кунларда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон КП XX съезди фанимиз олдига қўйган вазифаларни амалга ошириш, ўн биринчи беш йилликнинг тадбирларини тўла-тўкис амалга ошириш йўлида меҳнат қилмоқда.

ЁШ ТЎҚУВЧИ

Раҳима кўзини очганда соат 8 эди. Яна кечикди. Энди нима қилади. Уят эмасми, ҳар куни ишдан кечикса? Йўқ, мен ўқиб, ишлай олмайман... Ўрнидан турай деса қўл-оёқларини биров калтаклаб ташлагандек зирқираб оғрирди. Машиналарнинг шовқини қулоғи остидан кетмасди. Турди-ю, қўл-бетини ювмасдан директор номига ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзди. Аризани цех бошлиғи Валентина Николаевна ўқиркан, кулимсираб Раҳимага қаради.

— Шундай қилиб, ишлай олмайман, дегин.

Раҳима қизариб ерга қаради.

— Йўқ,— деди Раҳима дудуқланиб,— негадир кўника олмаяпман.

— Айт-чи, математикани севасанми?

— Бўлмасам-чи, бекорга кирмагандирман бу факультетга.

— Математика мисолларининг ҳаммасини осон ечасанми?

— Йўқ, албатта. Биласизми,— тўлқинланиб гапирарди,— айрим масалалар устида бир ойлаб, ҳатто йиллаб бош қотирганман.

— Кўрдингми, иш ҳам худди шундай. Ишни севмасанг, кўника олмайсан, ишлай олмайсан. Агар эътиқод қўйсанг, қатъиятинг бўлса барча қийинчиликларни енгасан. Фақатгина ишни сева олсанг, қийинчиликлардан қўрқмасанг бўлди.

Ўша куни Раҳима аризасини қайтариб олди. Иш давомида ҳам, ўқиш давомида ҳам, Валентина Николаевнани «эътиқод қўйсанг», «қатъиятинг бўлса» деган сўзлари миясида чарх урарди. Бир кун нормани бажарса, ўқишга боролмай ухлаб қоларди, иккинчи кун нормани бажара олмасди. Нима қилишни билмасди.

Раҳима синглисидан хат олди. Маҳаллада «Раҳима ўқишга киролмай Андижондай жойдан Тошкентга бориб ишлаб юрганмиш», деган сўзлар тарқалганмиш. Қизиқ, мен ишни эплаб ишлай олмаяпману... Бир хаёли ўқишни ҳам, ишни ҳам ташлаб жонажон қишлоғига, ота-онаси бағрига қайтмоқчи бўлди. Лекин севимли математика фани нима бўлади? Энди кўника бошлаган иши... Янги дўстлари нима деб ўйлашади? Уни қўрқоқликда айблашмайдими? Қайтиб борса, мактабдаги ўқитувчилари нима деб ўйлашади? Комсомоллик шаънига ўчмас доғ эмасми бу? Нима, ишни севмайдими?

«Йўқ, мен ишлаб ўқийман!» Бу Раҳиманинг иккиланиш одатини тарк этгани ва йўқотгани эди. У энди ўз вақтида ишга борар ва иш нормаларини ҳар куни ошириб бажарар эди. Раҳимадаги бу ўзгаришни сезган Валентина Колобово хурсанд бўлар, унга янада дадиллик бахш этар эди.

Раҳима қишки имтиҳонларини топшириб жонажон Андижонига йўл олди. Уйга кириб борса, отаси энди ишдан қайтган экан.

— Отажон, имтиҳонларни аълога топширдим.

— Раҳмат, қизим. Айт-чи, ишлаб ўқиш қийинлик қилмаяптими?

Раҳима кулиб ерга қаради, кейин дадиллик билан жавоб берди:

— Бир оз қийин. Лекин энди кўникдим. Ишимни ҳам, ўқишимни ҳам севаман.

Отаси синаб кўрмоқчи бўлдими, кундузгига ўтказмайсанми, деб сўради.

— Йўқ,— деди Раҳима қатъий.— Кундузгидан оладиган билимни кечкидан ҳам олса бўлади, фақат оромдан озгина кечиш керак. Ишлаб ўқиш — ўқишнинг қадрига етиш демакдир.

— Раҳмат, қизим, асл деҳқон қизисан-да,— деди отаси.

Мана шу гапларга ҳам беш йил бўлибди. В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети математика факультетининг бешинчи курс талабаси, ёш коммунист Раҳима Иминова беш йилдирки, Тошкент Каноп фабрикасининг танда-тўқув цехининг илғор ишчиси. Цех коммунистлари яқинда Раҳимани цех партия ташкилоти секретарининг ёрдамчиси қилиб сайладилар.

— Шунча ишга қандай улгурасиз?— дейман Раҳимага ҳавас билан.

— Бизда шароит яхши,— дейди Раҳима мамнун.— Айниқса, фабрикамиз директори Рустам Икромов студентларга жуда ҳам ғамхўр. Ўқишга шундай шароитларни яратиб берган партиямиздан миннатдорман.

Унинг ўз иши, ўқиши, умуман, ҳаётидан мамнунлиги қизнинг юриш-туриши ва хатти-ҳаракатидан ҳам маълум эди.

Гулчеҳра ҚЎЛДОШЕВА

Сойим ИСҲОҚОВ

МЕҲР



ҲИКОЯ

Пахта плани тўлиб, тўғарчилик мавсуми бошланди. Тўғри, Узунбулоқда пахта экилмайди. Одамлари чорвачилик билан шуғулланишади. Лекин тоғ этагидаги колхозларнинг ҳаммасида пахта экишади. Уларда терим бошланса, Узунбулоқда ҳам тўйлар маълум муддатгача ўз-ўзидан тўхтайди. План бажарилгач, яна ўз-ўзидан бошланиб, бир-бирига уланиб кетади...

Раббим қассобнинг уйигача анча йўл. Дўстмат бобо, кеча унинг тўй маслаҳатига пиёда борганди. Бугун тўйининг ўзига бордию, сал мазаси қочиброқ қайтди: иликлари сирқираб оғрирди. Бир-икки йилдан бери билинаётир бу касаллик. Энди улов минмаса бўлмайди чоғи. Илгарилари эшагини эгарлаб ўтиришга эриниб, узоқроқ жойларга ҳам пиёда кетаверарди.

У уйига киришдан олдин қўшнисининг эшигига қаради. Эшик ёпиқ.

Уйга киргач, тўрга кўрпача ёзаётган кампиридан ҳорғин оҳангда сўради:

— Қўшнилар қаёққа кетишди?

— Эртан оддихмиш, ҳозиргина тоққа сайр қилиб кетишди.

— Ҳозир кўклам эмаски, гул ёки равоч теришса. Кузнинг куни, кўнгил очадиган нима бор экан тоғда?..

Зирагул момо чолининг нашъаси сустлигини пайқади. У сира бундай оҳангда сўзламасди. Шунинг учун индамай қўя қолди.

Гап оҳанги одатдагидан бошқачароқ чиқаётганини, кимгадир зарда қилаётгандай гапираётганини боболнинг ўзи ҳам сезди. Бундан ўзича хижолат тортди: бировнинг кўнгли бўлибсанми? Балки ўқимишли кишилар шундай қилишар. Улар ёш, оёқларига тушов бўладиган болалари йўқ ҳали.

Дўстмат бобо кўрпачага ўтиргач, зирқираётган оёғини махсисининг устидан сийпалай бошлади. Оғриқдан ўзини чалғитиш мақсадидами, чойини ичиб бўлиб, хонтахтадан дастурхонни йиғиштираётган ўғлини саволга тутди:

— Ўқишлар қалай?

— Яхши.

— Мактабдан кечроқ келибсанми?

— «Меҳр нима?» деган темада баҳс ўтказгандик.

— Хўш, меҳр нима экан?

— Тўғрисини айтсам, бунисини ўзимиз ҳам билолмай қолдик. Болаларнинг бири у деди, бири бу деди...

— Муаллимлар йўқмиди?

— Уч-тўрттаси қатнашди, лекин индашмай ўтиришди. Баҳс тугагач, синф раҳбаримиз гапирди. Айтишича, меҳр — синфий жамиятда синфийлиги, социализм шароитида ҳам индивидуал, ҳам ижтимоийлиги... Хуллас, шунақамиш,— деди у кулиб ва дастурхонни кўтарганича эшикдан чиқиб кетди.

Ўғлининг кулиб чиқиб кетганидан бобо ижирганди: «Меҳрни кулгили бир нарса деб ўйлайди, беадаб!— деди кўнглида.— Шу тўғрида булар билан баҳс ўтказган муаллимлар ҳам қизиқ».

Айни уйланадиган пайтларида техникумда ўқирди. Кейин уруш бошланди. Шу туфайли Дўстмат бобо жуда кеч уйланди. Тўрт йил жанг қилди. Шунча вақт урушда юриб ақалли қўлига тикон кирмаган одам уйига қайтгач, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Врачлар: «Упкангиз шамоллаган, оёғингизни совуқ олипти», дейишди. Бир-икки йил кетса кетадиган бўлиб, сургалиб юрдию тузалди. Шундан сўнггина уйланди. Бирин-кетин учта қиз кўрди. Кунлари қисқа экан, бирин-кетин қизамиқдан нобуд бўлишди. Кейин ўғилли бўлишди. Орадан уч йилча ўтказиб, кампири яна бир ўғил туғдию, «ўрмак-арқоғини йиғиштирди. У ўғилларини тирноққа зориқиб юриб кўрган бўлса-да, эркалатиб юбормади. Иккаласи ҳам заҳмилгина, меҳнаткашгина бўлиб ўсишди. Аммо...

«Меҳр нима?» деганлари нимаси! Шунақа савол беришса, кифтини келтириб, оппоқ соқоли билан Дўстмат бобо ҳам жавоб беролмасди. Меҳр инсон юрагининг толмас қаноти эканлигини у анча илгари пайқаган. Унинг қудратини ўқ еган сафдошини жанг майдонидан судраб чиққанида, энг яқин дўстларининг қабрига бир сиқим тупроқ ташлаганида, озод қилинган қишлоқ ва шаҳарларда дорга тортилган, қор ва муз орасида тўнғиб ётган чоллар, аёллар ва болаларнинг жасадларига рўпара келган пайтларида ҳис қилган.

Дўстмат бобо яна қўшниси ҳақида ўйлади: шу пайтда тоғда нима бор экан уларга. Эртароқ чиқишса ҳам бир нави эди.

Қўшниси — Толибжон исмли йигит. Асли шаҳарлик. Уқишни битиргач, Узунбулоққа ишга юборишибди. Икки йилми, кўпроқми ишлаши керак экан қишлоқда. Кейин қаёққа борса, ихтиёри эмиш. Қишлоқ ёқса қолиши ҳам мумкинмиш.

Узунбулоқликларнинг ғалати бир одати бор: киши исмига «бой», «бек», «ой» қўшимчаларини қўшиб айтишадию, лекин «жон», «хон» қўшимчаларини ҳеч ишлатишмайди. Шунга кўра Толибжон Толиббекка, хотини Сорахон Ойсарага айланишди.

Толибжон — отасининг ёлғиз боласи. Шу туфайли ўқишни битиргач, ўзига ўхшаган ўқимишли қизга уйлантиришптию, бу томонга «қўшоқлаштириб» юборишипти. Оталарининг бу иши Дўстмат бобога кўп маъқул тушди: эркак эркак-да. Кирчирини ювадиган, иссиқ-совуғига қараб турадиган жуфти ҳалолининг бўлганига нима етсин.

Иккаласи ҳам мактабга ишга жойлашишди. Бироқ тураржой масаласида андак қийналишди. Мактаб директорининг илтимосига кўра Дўстмат бобо ёнидаги бўш уйни уларга бера қолди. Уй бари бир бўш эди. Катта ўғли ўқишда. Кичиги ҳали ўқувчи. Улар уй-жойли бўлгунича вақт бор...

Дўстмат бобонинг оёқ оғриғи баттар зўрайди. Махсисини ечиб, пойгакда жун титиб ўтирган кампирига буюрди:

— Анови йодингдан оёғимга «тўр» солмасанг бўлмайди. Сал қизиса, оғриғи қолармиди...

Зирагул момо индамай ўрнидан турди. Токчадаги қоғози заъфарон бўлиб кетган мўъжаз шишачани келтирди-да, гугурт чўпидан ликчўп ясаб йодга ботирди. Кейин чолининг оёқлари тагига ҳафсала билан «тўр» чиза бошлади. Ишини битиргач:

— Махсингизни қайта кийиб, бироз ўралиб ётинг. Терласангиз яхши бўлади,— деди.

Дўстмат бобо махсисини имиллаб киятириб тўнғиллади:

— Радиога об-ҳаво айтгичнинг сира кераги йўқ. Менга ўхшаган оёқ оғриқлардан тўрттасини оборнб қўйса бўлди. Қачон нима ёғишини бехато айтаверади.

Зирагул момо индамай қўймоқчи эди, бўлмади.

— Сиз ҳудомидингизки, ёғин-сочинни олдиндан бехато айтасиз,— деди.— Ҳатто радиёлдаям адашишади.

— Ишонмасанг қараб тур, икки соатдан ошмай қуйиб ёмғир ёғади.

— Ёмғир ёғишини булутнинг ўзи айтиб турипти.

— Шамол билан чақмоқ бўлишиниямми?

Бунга кампири у ёқда турсин, Дўстмат бобонинг ўзи ҳам ишонмасди. Аммо бир авлиёлик қилди. Орадан уч соатлар чамаси ўтар-ўтмас енгилгина шабада қўзғолди. Ундабунда яшин чақнаб, кучсиз момақалдироқ овози эшитила бошлади.

Боядан бери иликларининг симиллаб оғришига чидай олмай ётган бобо кампирига ўгирилди.

— Нима дегандим.

— Ишонмагандим-а...

— Шунақасан-да. Энди нима десам, қулоқ қоқмайсан...

Уй ичи қоронғилашиб кетди. Дўстмат бобо ҳам жойида ётолмади. Ўрнидан туриб, дераза ёнига келди. Осмонга қаради. Дарахтларнинг панжасимон яланғоч шохлари орасидан гунгурт осмоннинг бир парчасигина кўринди. Шамол паға-паға қора булутларни эринчоқлик билан тоғ томонга судрарди. Дераза рўпарасидаги бир тупгина кекса олманинг узилмай қолган сарғиш япроқлари шабадада варракдай пилдирайди. Ана, улардан бири чирт узилди Қўниш жойини мўлжаллаб учаётган сўнадай, айланиб-айланиб ерга тушди. Заранг йўлакчага тўкилган бириккита қовжироқ япроқ орқа-олдига беҳол сирғалади...

Кўп ўтмай шабада зўрайиб, росмана шамолга айланди. Олмада битта ҳам япроқ қолмади: ҳаммаси узилиб-узилиб аллақайларга учиб кетди. Осмонга дарз солиб яшин чақнади. Ортидан кучли момақалдироқ ғиради. У шу қадар кучли эдики, тоғлар акс-садо қайтарди. Майдалаб ёмғир ёға бошлади.

Дўстмат бобо уйда ўтиролмай қолди. Елкасига ранги кетиброқ қолган ёмғирпўшини ташлаб, ҳовлига чиқди. Қўшни эшикка киши билмас назар ташлади. Эшик ҳалиям қулфлоглиқ. «Келишмапти,— деб ўйлади бобо.— Ёшлар жуда беғам. Гулайт қилиб юриб, куннинг кеч бўлиб қолганини пайқашмайди. Яна бундай ҳавода...»

Яна яшин чақнади. Оламни ларзага солиб, уст-устига момақалдироқ гулдиради. Бобо ҳовли бўйлаб бетоқат юра бошлади. Ҳар замонда дарвоза эшигидан кўчага мўралайди. Ёмғир ёғаётгани туфайли бўшаб қолган кўчада ўзи кутаётган одамлар кўринмас, у эса борган сари тажанглашар эди. Шу сабабданми, оёғининг оғриғи ҳам эсидан чиқиб кетди.

— Ёмғирда нима қилиб турибсиз?

Дўстмат бобо ортига ўгирилди, дераздан бошини чиқариб турган кампирига кўзи тушди. Бехтиёр хўмрайди.

— Узим... Толиббеклар келмадику!

— Кеп қолишар. Ёмғирда бекорга ивиб юрмай ичкарига киринг энди,— деди Зирагул момо норозн оҳангда ва дераздан бошини тортди.

Дўстмат бобо ичкарига кирмади. Ер чўқилаётган ёмғирга парво ҳам қилмай, яна алламаҳалгача ҳовлида ивирсиб юрди. Бу орада ёмғир секинлашди. Бобо енгил тортиб, уйга кирмоқчи бўлаётганида, яна ёға бошлади. Лекин шабада тинган эди.

У нимагадир қарор қилди чоғи:

— Кампир, ҳой кампир,— дея дераза томонга юрди.— Анави замбуруғ соябонингни олиб бер.

«Шу маҳалда соябонни нима қиларкан?», деган фикр ўтди Зирагул момонинг хаёлидан. Бироқ у чолига гап қайтариб ўрганмаган. Хушламаса ҳам қачонлардан бери шкафда ётган қора зонтикни олиб, Дўстмат бобога узатди.

Дўстмат бобо кўчага чиққан пайтда ёмғир яна тиниб қолди. Бобо ажабланиб осмонга қаради: «Кўклам ҳавосига ўхшайди-я...»

Дўстмат бобонинг зонтикка иши тушмаган. Шунинг учун кулгили

олди. Қишлоқдан узоқлашгач, озроқ нафас ростлаш мақсадида гужум тагидаги чорпоясимон текис харсангнинг бир четига омонатгина ўтирди.

Гужум даққиюнусдан қолган дарахт бўлсада, унда кексайиш аломатлари сезилмасди. Баҳор, ёз ва куз ойларида кўз қувонтириб, яшнаб туради. Тагидан одам узилмайди.

Бунинг сабаби, эҳтимол, дарахтнинг жуда қулай жойда ўсаётганлигидадир: бир томонида тиниқ сувли чашма, бир томонида усти кенггина, чорпоясимон харсанг, йўл яқин. Эҳтимол, гужумни экқан киши бу ерда ана шу булоқ ва усти текис тошнинг борлигини ҳисобга олгандир. Ўзича жазирама иссиқлар ва ёғин-сочинли кунларда қоладиган йўловчиларнинг ғамини егандир. Аммо авлодлар ғамини еган ўша саховатпешанинг кимлигини Узунбулоқда ҳеч ким билмасди. Гужум Дўстмат бобо бола пайтларида шундай эди, ҳануз шундай турипти. У эса кексайиб, мункиллаб қолаётир.

Бобо беихтиёр инсон умрининг жуда қисқалиги тўғрисида ўйлаб кетди. Одам шу умрнинг ҳам анчагина қисмини бефойда, ҳатто бўлмағур ишларга сарфлаб қўяди. Буни ўзи билиб-билмай юради. Билган пайтларида ҳам ўрнини тўлдириб

ҚЎЛ СИЛТАЙДИ. НЕГА ШУНДАЙ? УЗ ИНФОДАМИЗНИНГ УСТУВОРЛИГИГА ИШОНИБ, УМРНИНГ ҚИСҚАЛИГИНИ УНУТИБ ҚЎЯМИЗМИ? Ё ОДАМ ТАБИАТАН ЛОҚАЙДЛИК КАСАЛИГА МУБТАЛО БЎЛИБ ТУҒИЛАДИМИ? АГАР ШУНДАЙ БЎЛСА, ОДАМЛАР ОРАСИДАН БУЮКЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМАС ЭДИ. АГАР...

Шу пайт тоғ томондан ғўнғир-ғўнғир овоз эшитилди. Гужумнинг танаси йўлни пана қилиб тургани учун, Дўстмат бобо энгашиб қаради. Нарироқда келаётган икки кишининг қорасини кўриб, Толибжон билан Сорахон эканлигини пайқади. Нима тўғридадир қаттиқ баҳслашиб келишаётганидан безовталанди: «Уришиб қолишмаса яхши эди».

Бироздан сўнг товушлар аниқроқ эшитила бошлади. Дўстмат бобо анчайин қизиқсинib қулоқ солди.

— Меҳр — ота-оналарга хос ҳиссиёт, Сорахон,— деди Толибжон қизишиб.— Бошқаси нари борса, шонрона гап.

— Ота-она меҳри — ота-оналик бурчи ҳамдир,— деди Сорахон босиқ овозда.— Мен оддий кишилар, баъзан етти ёт бегоналарнинг бир-бирларига кўрсатган меҳр-оқибатларини ҳақиқий меҳр деб биламан.

— Оддий кишиларнинг бир-бирига бўлган «меҳри», оддий кишиларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари занжиридан бошқа нарса эмас.

А. ХОЛИҚОВ чизган расм

чиқарган зарурият. Зарурият-га бўйсунмасликнинг сираям иложи йўқ. «Тасодифий ҳол»лар эса бесабаб бўлмайди.

Баҳслашаётганлар гужумдан нарироқда тўхташди. Яқингина жойда Дўстмат бобонинг ўтиргани пайқашмади. Бобо эса баҳсга қизиқиб қолганди. Жимгина ўтириб қулоқ соларди. «Қани, хулосалари нима бўларкан?»

— Акбаровга ўхшаб, фикрингизни фалсафа қобиғига ўраб ташлаяпсиз,— Сорахон ҳам қизиша бошлади.— Болалар унинг «якунловчи нутқи»дан бирор нарсани тушунишолмаганларидай, мен ҳам сизнинг фикрларингизни тузукроқ англолмаяпман! Нима демоқчисиз ўзи?!

— Муҳаббат социализми инкор қилинган ғайриилмий таълимот, демоқчиман. Сизга шу таълимот маъқул келар экан, келинг унинг илк меваларидан ўзимиз баҳраманд бўлиб қўя қолайлик.

Гарчи қачонлардир расман ўрта маълумот олган бўлса-да, сиёсат ва фалсафани Дўстмат бобо ҳозирги ёшлардан ёмонроқ билмасди. Ҳануз тинимсиз ўқирди. Шунга қарамай, Толибжоннинг гапларини у ҳам яхши тушунмади. Сорахоннинг зардали товушда: «Боринг-эй» деганини эшитгач, энгашиб улар томонга қарадию, унинг хотинини ўпмоқчи бўлаётганини сезиб қолди. Хижолат чекиб, шартта ўрнидан турди. Билдирмайгина пастликкa тушиб кетатуриб илжайди. «Баҳслашаётган мавзусини қара буларнинг: «Муҳаббат социализми» эмиш-а. Еш-да... Замон тинч, юрт тўқ. Тўқ бўлсанг, шўх бўласан. Шўх бўлгач, теша тегмаган гаплардан топмаган тилга тирсак чиқиптими...»

Яна ёмғир савалай бошлаганида Дўстмат бобо гужумдан узоқлашиб, йўлга чиқиб олган эди. Тўхтамай кетавермоқчи ҳам бўлдию, қўлтиғидаги зонтик уйидан нима мақсадда чиққанлигини ёдига туширди. Кўнглида: «Ёшларни хижолатга солиб қўймасам», деган андиша милтиллаб турса-да, ортига қайтди. «Толиббекку — йигит, унча-бунчага ўзини олдирмайди,— ўйлади у.— Ойсара жуда нозик-да. Капалакнинг шабадаси ҳам чучқуртириб қўйиши мумкин уни. Яна ёмғирда ивиса...»

Бобо юришини тезлатди. Рўпарасидан келаётганлар жуда яқин бориб қолганидагина пайқашди уни. Ҳурматини ўрнига қўйиб салом беришди.

— Сизам сайр қилиб чиқибсизда, бобо,— деди Толибжон.

— Жуда кечикдиларинг, ёмғирда ивимадингларми ишқилиб?

— Келинингиз уй билан мактабдан бошқа ёққа чиқмай жуда занглаб қолган экан. Тоққа олиб чиқувдим. Ёмғирда юролмай, Катта тошнинг панасида ўтирдик пусиб.

Сорахон Толибжонни киши билмас чимчилади. Дўстмат бобо сезманганга олиб, хотиржам нафас ростлади. Қўлтиғидаги нам тегмаган зонтикни йигитга тутиб, ёмғирпўшининг тугмаларини ечди. Унинг сув силқиётган этакларини секингина силкитди. Бу пайтда ёмғир кучая бошлаган эди.

— Соябонни кампирга элтиб берасан, ўғлим, у-бу иш билан ташқарига чиқса, керак бўлар,— деди Толибжонга.

— Ўзингиз-чи, бобо?— сўради у.

— Менам бироз зангламан. Сал айланиб юрай. Эгнимда ёмғирпўшим бор-ку.

Дўстмат бобо беш-олти қадам илгарилаб, ортига ўгирилди.

— Толиббек,— дея зонтикнинг тагида жимгина кетаётган жувон билан йигитни тўхтатди.— Кампирнинг самоварн қайнаб турипти. Сут-қатиғиям бор. Кириб тамадди қилиб чиқинглар

— Раҳмат, бобо...

— Ота бу томонларда нима қилиб юриптийкин шу маҳалда?— деди

лаб.

— Ким билади дейсиз,— Толиб жон дудмал жавоб берди.— Балки кампири билан урушиб, аразлаб юргандир. Ҳар ҳолда, бу бобо жуда тинчимайдиганлардан экан.

Бобо уйига қайта туриб, яна беихтиёр гужум томонга бурилди. Тонгни шу ерда оттирмоқчидай, чорпоясимон тошнинг бир четига жойлашиб ўтирди. Ҳозиргина эшитганлари ҳақида хаёлга толди. У эсини танигандан буён атрофидагилардан кўп яхшиликлар кўрди. Керак пайтда ёрдам қўлини чўзиб, меҳр-оқибат кўрсатганларнинг бирортаси ҳеч қачон: «Мен фалондай яхшилик қилувдим, энди қайтар», демади. Ким қандай яхшилик қилганини ўзи яхши билади. Бирортасини унутмаган. Аммо ўзи керак пайтда ёрдам бериб, бирортага яхшилик қилганини эслолмайди. Лекин меҳрга меҳр билан жавоб қайтаришга, кимгадир яхшилик қилишга интилиб яшади. Шунга қарамай меҳрнинг ўзи нималигини сира ўйламапти-я! «Она-ота меҳри — ота-оналик бурчи», деди Ойсара. Бу ҳам шунга ўхшаган гап Бироқ...

Дўстмат бобога Сорахоннинг фикри ҳам жуда маъқул тушмаётганди. Назарида, у ҳам ўзи билмаган нарса устида баҳс юритаётганга ўхшади. «Ҳақиқий меҳр» эмиш. Меҳр ҳақиқий, ноҳақиқий бўлармишми? У қуйма олтин. Сохта олтин билан бир-иккитани лақиллатиш мумкин бўлсада, у ҳақиқий олтин бўлолмайди. Ноҳақиқий меҳр ҳам меҳрсизликдан бошқа нарса эмас.

Бобо бошини кўтариб, қоронғиликка тикилди. Юксакларда, кўз олдини чўян девордек тўсиб турган тоғ чўққилари оқиш булутларга туташиб элас-элас кўринадию, аммо яқиндан беш-олти қадамдан нарини аниқ кўриб бўлмасди. Қўлини оҳистагина узатиб, гужумнинг танасини пайпаслади. У ғадир-будир намиққан ва муздай совуқ эди. Шохларидан бобонинг устига чакиллаб сув томарди.

Дафъатан у калаванинг учини топгандай бўлди: «Меҳр мана шу дарахтга ўхшаган бўлиши керак,— деди кўнглида.— Ҳориб-толиқиб келганлар паноҳида ором олишади-ю боғбони кимлигини билмай қолади»...

Дўстмат бобо уйига кирганида ўғли ухлаб ётарди. Кампири эса пойгакда ҳамон жун титиб ўтирарди. Унга қараб, бобонинг негадир раҳми келди: ўлгудай хокисор-да. Болаларининг ташвишида қариганидаям тиним йўқ шўрликда. Эс-дардни кўпроқ жун титиб йигирсаю, болаларининг тўйига наматми, гиламми тўқитиб, босиб ташласа. Яхшиям, боласи иккитагина. Одамларникидай беш-олтита бўлса, нима қиларди? Аслида анови болалар меҳрибон оналарнинг тимсоли қилиб, шу кампирни тилга олишса бўларди.

— Жуда узоқ юриб кетдингиз одамни хавотирга солиб,— унинг фикрини кампири бўлиб юборди.

— Қўшниларга чой-пой бердингми?— деб сўради у.

— Ҳа.

— Сут-қатиқларингдан-чи?

— Эсимга келмапти, ўзлари сўрашмапти.

— Чиқариб бер, ўзлари сўрашармиди. Ҳозир улар сен билан менинг ақлимиз етмайдиган нарсалар тўғрисида тортишиш билан банд. Овқат ейишлари кераклиги эсларигаям келмаса керак.

— Шу маҳалда-я?? Еш нарсалар...

— Ҳаммани ўзинг билан менга ўхшатаверма.

— Айнийсиз-эйй...

Дўстмат бобо кампирини боплаб тилидан «илдиргани» билан кифояланди. Ечинди тўшагига ётгач, гужумнинг тагида топилгандай бўлган калаванинг учини яна чувата бошлади.

Чиноз

Ҳабиб САЪДУЛЛА

ЛЕНИН УЙ-МУЗЕЙИДА

Рус устаси қурган оддий ёғоч уй
Ҳашаму безакдан тамом бегона.
Бу хонада Саша сурар эди ўй,
Мана бу — Володя яшаган хона.
Оддий стол, стул, темир кроват,
Камтар талабанинг дарсхонаси бу.
Узун кечаларда ўчмаган ҳеч вақт —
Лампадан тонггача таралган ёғду.
Иякка қўл тираб ўн тўққиз ёшли
Володя тун бўйи китоб титарди.

Уйғоқ кутиб олар тонгда қуёшни,
Қуёш хаёлини олиб кетарди:
Кезар қуёш билан бутун дунёни,
Чексиз жаҳон сингмиш ёш миясига...
Дилидан таратар меҳригиёни
Хаёлдай бепоён Россиясига.
Фикран кезиб чиқар бутун дунёни:
Ҳар ёнда ҳукмрон хўрлик, қабоҳат.
«Капитал аталган маргу вабони
Миллионлар кураши енгажак, албат!»

Торгина хонада ўн тўққиз ёшли
Владимир тузмиш кураш режасин.
...Зулмдан бегона, бағри қуёшли —
Ватан шу режанинг чин натижаси.
Жаҳонни забт этган ғолиб ғояга,
Қаранг доя бўлмиш шу мўъжаз хона.
Бош эгиб турибман қутлуғ пойида,
Озод Ватанга ҳам шу хона — Она.

Кўклам бадиҳаси

Бугун баҳор чиқмиш кўчага,
Тароватга, фусунга тўлиб.
Кўрк таратиб ҳар бир гўшага,
Гул кўтарган қизлардай кулиб,
Бугун баҳор чиқмиш кўчага.
Камалакнинг етти ранги-ла,
Бўяб атлас ипакларини.
Сармаст этиб ишқ оҳанги-ла,
Кексаю ёш юракларини,
Бугун баҳор чиқмиш кўчага.

Гул мисоли жилваланур бахт,
Нурга буркаб одамлар кўксин.
Дастурхондир сахий табиат,
Унда ишқу эзгулик тўкин,
Бугун баҳор чиқмиш кўчага.
Не ажабдир, ошиқ дил билан,
Куйлай эсам севги қўшиғин?!
Гуллар очиб, кийиниб башанг,
Мамнун этиб мафтун ошиғин
Гулгун баҳор чиқмиш кўчага.
Кулар ҳатто осмонда қуёш,
Чеҳраларга табассум ёйиб.
Беишқ, бедард, ҳудбин бағритош,
Кулгу билмас зотларни қойиб,
Бугун баҳор чиқмиш кўчага.
Муҳаббатдан яралган олам,
Эзгуликдир унинг устуни,
Шу қўш туйғу,
Шу икки калом,
Тинчу омон тутсин, деб уни,
Бугун баҳор чиқмиш кўчага.

Онамнинг наздида...

Онамнинг наздида боламан ҳамон,
Эркалаб мошгурунч сочимни силар.
Тегиб кетмасин, деб бемаврид шамол,
Эрта кеч дуои жонимни қилар.

Мунис кўзларида беназир меҳр
Бўй-бастимга боқиб қувончи олам.
Ишга кузатаркан ташвиш билан дер:
— Эҳтиёт бўлиб юр кўчада, болам!

Кўча — тасодифга тўла бир дунё,
Яъни остонангдан бошланган ҳаёт.
Тўлқинига олар мисоли дарё,
Синовдан ўтади матонат, сабот.

Осонмас кўксингни тўлқинга тутмоқ,
Бардошинг етмаса ғарқ бўлишинг бор.

Онамга аёндир балки бу жумбоқ,
Балки...
Бу кўчада топгандир озор.

Бир маромда юрмас бу дарё-кўча,
Ҳамма ҳам манзилга интилар илдам.
Тезроқ етмоқ учун ҳовлиққанича,
Ўзгаларни туртиб ўтар бир одам.

Бошқаси одилу саховатпеша,
Қўлтиқлаб боради сўлу соғини.
Лой сачратиб ўтар бир беандиша,
Юволмай юрасан кейин доғини.

Ҳозир бўладиган қийин муаммо
Ўз йўлингда тинчроқ бориб келиш ҳам.
Шу бокс қошига қайтгунимча то,
Жон ҳовучлаб турар бечора онам.

Ҳасадгўйлар

Дўстлар, осон тутманг ҳасадгўйларга,
Сиздан топиб бўлмас шунча бардошни.
Маҳалла сафида борса тўйларга,
Ахир ош ўрнида чайнашар тошни.

Гулгун чеҳрангизда кўрса табассум,
Қовоғи солиниб, бўзарар ранги.
Юраги эзилиб, туюлар машъум,
Қўшни боғдан келган қўшиқ оҳанги.

Сиз янги либосда бўлсангиз пайдо,
Ўз кийими қисар ўз баданини.

Сиз гўзал ҳаётга боқсангиз шайдо,
Яхтоқзордай кўрар гул чаманини.

Ширин сўзингиз-ку дардларга даво,
Уларга наштардай ботса не ажаб?
Сизга рўшнолиқни кўрмасдан раво,
Зулматда яшарлар — бадният сабаб.

Беҳуда койинманг улардан безиб,
Бекорга ранглари бўлмаган заҳил.
Осонми ўз қалбин анордай эзиб
Ўзини пармалаб яшамоқ, ахир.
...Дўстлар, осон тутманг ҳасадгўйларга.

Шукрона

Ҳеч ким сени севолмагай
дилдор, менчалик,
Ҳеч ким мени ҳам этмагай
абгор, сенчалик.
Ҳеч ким сенингча билмагай
нозу карашмани,
Бир ноз учун ҳам бўлмагай
бедор, менчалик.
Ишқ этмагай ҳеч кимсани
девона мен каби,
Е бир париваш йўқ эрур
ҳушёр, сенчалик.
Йўқдир санам жон сўргучи
бир хуш нигоҳ билан,
Ҳам турмаган жон бергали
тайёр менчалик.
Ишқ оламида йўқ эрур
мендек асиру банд,
Маъшуқа ҳам ўз ишқига
иқрор, сенчалик.
Ҳеч бир малоҳат кўрмади
олам сенингча, ёр,
Васлинг билан ўз бахтига
ҳам ёр, менчалик.
Ҳеч ўзга бахтни истамам,
басдир менга, Ҳабиб,
Умрим йўлида бор экан
ҳамкор, сенчалик.

Баъзи адабий танқидчилар

Шоир дўстлар, ҳайрон бўлманг,
танқидчилар корига,
Уларни ҳам оналари
шундай қилиб туғмаган.
Бу дунёга келган чоғда
овозининг борича
Сизу биздай йиғлаган.
Сизу биздай ошиқ бўлган,
шеър ҳам ёзган бир палла,
Боғлар кезиб хилват жойда
илк бўса ҳам олишган.
Бир кун талант ва ақлга
торлик қилиб бир калла.
Ора йўлда қолишган.

Ақл бир ён тортиб қолган,
бир ён тортган истеъдод,
Ақл жаннат ваъда қилган,
тотавер, деб лаззатин.
Истеъдод-чи, роҳат эмас,
ваъда қилган умрбод
Кончиларнинг меҳнатин.
Ақл қурғур ғолиб чиқиб
тортиб кетган уларни,
Боғ яратмай ўзгаларнинг
боғларидан ўтишар.
Болалардай тишлаб ташлаб
ғарқ пишган меваларни,
Хомига тош отишар.

Эртага

Эртага келасан, малагим,
Хонамни ёритар жамолинг.
Эртага интиқдир юрагим
Насибам бўлади висолинг.
Эртага келасан, малагим,
Бахт бўлиб тўласан қўйнимга.
Мисоли чирмовгул палаги
Қўлларинг чирмашар
бўйнимга.
Эртага келасан, малагим.
Чекинар айрилиқ азоби.
Ижобат бўлгуси тилагим
Ёпилур соғинчим китоби.
Эртага келасан, малагим,
Эртани зор кутар кўзларим.
Қийиндир, қийиндир битмаги
Оҳ, сенга аталган сўзларим.
Эртага келасан, малагим,
Орзуманд дилимга тўлар
нур...
Оҳ, қийин, эртанинг келмаги,
Бир кеча мисоли бир умр.

Учрашув

Тавба, кўрмай қолдими кўзим,
Ё тондими ўзлигидан қалб.
Хаёлларим тутундай тўзиб
Мен қошингда ҳайкалга ўхшаб
Қотиб қолдим бугун гулюзим.
Ўша қомат, ўша латофат,
Уйқум олиб қочган шўх кўзлар...
Бугун нечун қилмас бетоқат
Бугун нечун ёнмайди сўзлар.
Ўз ҳолимдан ўз қалбим бўзлар.
Бас, ушалди эзгу армоним,
Кўрдим ўша гулгун юзингни.
Айтақолгин, тезроқ айт жоним,
«Хайр» деган сўнгги сўзингни.
Тополмадим сендан ўзингни.
Вайрон қилиб қўйдинг боз мени,
Учратмасам кошкийди сени.

* * *

А...га

Бағрингни кенгроқ қил, эй, ошнам,
Ҳаммага етади бу дунё.
Сен уни тораймоқ бўлсанг ҳам
Ўзин кенг тутади бу дунё.
Сен уни ўзгадан қизғанма,
Кенгроқ оч, юрагинг эшигин.
У ахир ҳеч кимдан, ҳеч тонмас,
У ахир инсоннинг бешиги.
У сени кўксида ардоқлар,
Сен уни бағрингга жойлагил.
Кетмайсан сен уни ортмоқлаб,
Олам бу мулк эмас, ўйлагил.
Ҳаммага кўп кўриб сен уни,
Ўзинг ҳам бағрингга олмасанг.
Қўрқаман, оқибат бир куни,
Дўст аро сиғмасдан қолмасанг...

Наманган учун

Кўкка кўтармадим
Мен сени мақтаб,
Қўшиқлар битмадим шаънингга.
Бағринг тарк этмадим
Мисоли Машраб,
Сингиб кетдим жисму жонингга.
Менсиз ҳам аёндир
Элда шавкатинг,
Зарурмас мадҳия битмоғим.
Оламга ёяй, деб
Шону шуҳратинг
Шартми пойтахтларга кетмоғим?
Олисларда юриб,
Қўмсаб, соғинниб,
Шаънингга ёзмасдан қасида.
Ўзинг бахш айлаган
Қалбим чўғини
Хизматингга қилдим бахшида.
Сенинг фарзандингман,
Садоқатим — шу!
Демасам сен ё мен — ягона.
Овоза этмасман,
Севгим ва туйғум
Муҳтож эмас мақтовга, она!

Наманган

«ТОШ ҚАЛЪА» ҚАЧОН ҚУРИЛГАН?

Тошкентнинг 2000 йиллиги

1983 йили халқимиз маданий тарихида катта воқеа бўлган муҳим икки сана кенг нишонланади. Буларнинг бири азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги бўлса, иккинчиси — буюк хоразмлик аллома Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигидир. Бундай икки ажойиб ҳодисанинг муносиб келишида маълум бир боғлиқлик бор. Хоразмий юбилейи муносабати билан унинг «Китобу суратил арз» («География»)си асарининг ўзбекча ва русча таржималари нашрга тайёрланди. Китобда ушбу сатрлар муаллифи Ўрта Осиёдаги, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ССР территориясидаги шаҳарлар, тоғлар, дарё ва кўлларнинг буюк олим томонидан тавсифланишига алоҳида аҳамият берди. Хоразмий «География»си ўрта асрлар географияси мавзусидаги энг илк асар бўлганлиги учун унда Тошкент воҳасига қарашли ёки унга яқин бўлган шаҳар ва ўлкаларнинг географик координатлари билан берилиши диққатга сазовордир.

	узунлама	кенглама
Самарқанд	89° 30′	37° 30′
Усрушана	91° 10′	36° 40′
Хўжанд	92° 30′	37° 10′
Банокат	94° 30′	38° 30′
Ахсикат	96° 30′	36° 40′
Торбанд	96° 30′	30° 35′
Исфижоб	98° 10	39° 50
Тороз	100° 30	40° 24″
	аввали	
Тошқалъа	узунлама 101° 15′	кенглама 41° 15′
	охири	
	узунлама 101° 55′	кенглама 42° 15″

«Шош ва Торбанд ўлкаси: ўртасининг узунлиги — $98^{\circ}\,0^{1}$, кенгламаси $42^{\circ}\,0^{1}$».

Биз Хоразмийнинг бу ерда мазкур асарининг турли жойларидан кўчирмалар келтирдик. Маълумки, Хоразмий «География»си II асрда яшаган машҳур юнон астрономи ва географи Клавдий Птолемейнинг «Географика Хинегезни» номли асарининг қайтадан чуқур ишланиб, тўлдирилганидир. Хоразмий Птолемей асарини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилган ва уни IX аср бошларига келиб халифатда тўпланган географик маълумотлар ҳисобига тўлдирган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Хоразмий географияда юнон илмий анъаналарининг тарафдори эди. Шу сабабли олим ўз асарида Птолемейдаги айрим номларнинг, географик манзилларнинг атамаларини ёзади, айрим номларнинг эса арабча таржимасини келтиради. Ана шундай номлардан бири Хоразмий асаридаги «Буржи ҳижора», яъни «Тош қалъа»дир. Хоразмий келтирган «Буржи ҳижора» номи аслида Птолемей «География»сидаги «Лисинас пургос» (Тош қалъа)нинг арабча таржимаси эканлиги ҳақида унинг буюк ватандоши Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қонуни Маъсудий» номли асарида бундай гувоҳлик беради: «Бинкат — Шошнинг маркази, туркчада Тошканд, юнонча Тош қалъа». Шундан кейин Беруний Тошкентнинг «Жазоиру-л холидот», яъни Канар оролларидан бошлаб ҳисобланган узунламасини $89^{\circ}10^{1}$га ва кенгламасини $42^{\circ}30^{1}$ га тенг деб келтиради. Тошкент ҳақида Беруний «Ҳиндистон» асарида ҳам: «Тош сўзи (асли) туркча исм бўлиб, шош кўринишини олган. Тошканд — тошли қишлоқ демакдир. (Птолемейнинг) «Жуғрофия» китобида у Бурж ал-ҳижора (Тош қалъа) деб номланган», деб ёзади.

Шундай қилиб, Хоразмий ҳам, Беруний ҳам «Буржи ҳижора», яъни «Тош қалъа» (ёки қўрғон) деб Птолемей «География»сидаги «Лисинас пургос»ни назарда тутади. Демак, Тошкент ҳақидаги энг илк ёзма маълумотлар Птолемейга мансуб бўлиб, улар II аср ўрталарига тааллуқлидир.

Юқорида келтирилган парчалар яна шундан далолат берадики, Тошкент илк ўрта асрлар даврида «Шош» номи билан ҳам аталган. Аслида эса, бу ном Ўрта Осиёда шаҳарнинг қадимдан маълум номи — Чоч сўзининг арабийлаштирилгани бўлса керак. Бу ҳақда ҳам гувоҳлик берувчи маълумот мавжуд.

Маълумки, Эроннинг Сомонийлар сулоласига мансуб Шопур I (241—273 йиллар)нинг ҳарбий ғалабалари шарафига тошга ўйиб ёзилган битиклар бор. Уларда Сомонийларга тобеъ бўлган ўлка ва вилоятларнинг номлари санаб ўтилади. Охирида: «ва бундан кейин то Пешоваргача ва юқорига Каш, Сўғд ва Чоч чегараларигача», дейилади.

Қадимий ёзма ёдгорликлардаги бу ёзувлардан кўриниб турибдики, Тошкент эрамизнинг бошларидаёқ анча таниқли шаҳар бўлган. Демак, унинг асосланиши ва шаклланиши ундан ҳам қадимийроқ даврга бориб тақалади. Ҳар ҳолда унинг юнонча «Лисинас пургос» номи бежиз бўлмаган кўринади. Эҳтимол бу шаҳарни эрамиздан аввалги IV аср охирида юнонлар тош қўрғон сифатида бунёд этгандир. Маълумки, Македониялик Искандар Ўрта Осиёга эрамиздан аввалги IV асрда қилган босқинчилик юришида маҳаллий халқнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган ва уч ярим йил давомида кўзголончиларни бостириш ва талончилик уруши билан овора бўлган. Лекин Искандар Ўрта Осиёни, айниқса унинг шарқий қисмини буткул бўйсундира олмаган. Шу даврларда, балки Искандарнинг ворислари даврида Тошкент (Лисинас пургос) Сирдарёнинг ўнг соҳили тарафидаги бўйсундирилмаган сак қабилаларининг ҳужумидан сақланиш мақсадида тош қалъа тарзида барпо этилган бўлиши мумкин.

Тошкентнинг ўша даврдаги аҳолиси уч турдан: туркий ва эроний тилларда сўзловчилардан ҳамда мустамлакачи юнонлардан ташкил топган кўринади. Шу билан бирга ҳар бир аҳоли группаси шаҳарни ўз тилида — Тошкент, Чоч ва Лисинас пургос деб атаган.

Шубҳасиз, Хоразмий «Шош ва Торбанд ўлкаси» деб йирик воҳани назарда тутади. Демак, Шош ва Торбанд воҳанинг энг йирик шаҳарларидир. Бироқ Торбанднинг узунламаси —96°30, кенгламаси —39°35 эканлигига қараганда, бу шаҳар воҳанинг марказидан камида 200 см жануби-ғарбда жойлашган. Машҳур тарихчи ва шарқшунос В. В. Бартольд Торбандни Шош ўлкасининг маркази деб ҳисоблаган.

География ва тарихчи Ёқут Хамавий (XII—XIII асрлар)нинг хабар беришича, Торбанднинг тўлиқроқ номи аслида Турарбанд бўлган ва маҳаллий халқ бу номни қисқароқ қилиб Турар ёки Утрор деб атаган. Ёқут ҳам Торбанднинг Хоразмий келтирган географик координатларини келтиради. Хамавий Птолемейдан Тошкентга тааллуқли парчани келтиради ва Шошнинг Птолемейдаги координатлари узунламада —124° ва кенгламада 45° эканлигини айтади. Агар Шошнинг Берунийдаги узунламаси 89°10 билан Птолемейдаги узунламаси 124°ни солиштирсак, фарқ анча катта —35°. Ваҳоланки, Беруний ҳам, Ёқут ҳам Птолемейдаги «Буржи ҳижора» аслида Шош — Тошкент эканлигини бир оғиздан тан оладилар. Эҳтимол, Птолемейдан то Хоразмий ва Беруний давригача Шош ўлкасининг бош шаҳри Шош — Тошкентнинг географик координатлари тобора аниқлаштириб борилгандир. Шунингдек, келтирилган маълумотларга кўра, Шошнинг географик ўрни ҳам, ўлкасининг чегаралари ҳам турли даврларда турлича ўзгариб турган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири сифатида донг таратиб келаётган Тошкентнинг тарихи 2000 йилдан ҳам нарига бориб тақалади.

Ашраф АҲМЕДОВ,
физика-математика фанлари кандидати

«КАШМИР ҚЎШИҒИ» ҲИНДИСТОНДА НАШР ЭТИЛДИ

Зарҳал нақш билан безатилган ўк муқовали чиройли китоб — Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари Ҳиндистонда нашр тилди.

Совет ёзувчиси илҳом билан тараннум этган қўшни халқининг қадимий отаги қанот қоқиб, бутун дунё бўйлаб арвоз қила бошлади. Эзгулик, муббат ва адолатнинг ёвузлик кучлари устидан тантанасига ишонч бахш этувчи бу доно ва нафис қисса Совет Иттифоқи халқлари ва бошқа мамлакатларнинг халқлари тилларига таржима қилиниб, оддий кишилар қалбида жўшқин акс садо берди. Юксак адабиётнинг ҳар қандай ҳақиқий дурдонаси каби «Кашмир қўшиғи» ҳам кўпгина санъат арбобларига илҳом бахш этди: у мусиқа, театр, кино тилига қайта-қайта кўчирилмоқда.

Шунисн қувончлики, дунё узра парвоз этиб юрган бу асар яна ўз ватанига қўнганида, у самимий офаринлар билан кутиб олинди. Дўстнинг қаламн халқ афсонасининг теран маъносига чуқурроқ назар ташлашга, шу дурдонанинг янги-янги қирраларини кўришга ёрдам берди. Ҳиндистон жамоатчилиги совет ёзувчисининг асарини интернационализм, қўшни халқнинг маданиятига ва анъаналарига бениҳоя ҳурмат ва астойдил қизиқишнинг яна бир намунаси деб билди.

Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» Ҳиндистонда ўзбек тилидан ҳинд тилига таржима қилиб нашр этилди. Китобни «Навьюг паблишерз» нашриёти чиқарди.

Ҳозир «Кашмир қўшиғи» кашмир, урду ва Ҳиндистондаги бошқа тилларда нашр этилиши кутилмоқда.

Суратда: Шароф Рашидовнинг ҳинд тилида чиқарилган «Кашмир қўшиғи» китоби.

В. ДУБРОВСКИЙ фотоси (ЎзТАГ)

ДЕҲҚОН ҚИЗИСАН

Пахтазорда,
Қизлар ичра кўрдим бўйингни,
Не ажабдир,
Сулувгинам, деҳқон қизисан.
Назмим аро мадҳ айлайин
Орзу-ўйингни,
Орзулари чарақлаган
Тонг юлдузисан.
Бугун сени қўшиқ қилиб
Куйлай, оппоғим,
Оҳангларга тўлиб кетсин —
Сўнгсиз пахтазор.
Илҳомимга шуъла сочган
Ёниқ чироғим,
Олтин терган, олтингинам,
Кўзлари хумор!
Сен ўзингсан —
Шеърларимнинг ранги, жилоси,
Сен ўзингсан —
Далаларни нурга тўлдирган.
Сарҳад билмас пайкалларнинг
Ҳусни, зиёси,
Сен ўзингсан —
Фурсатларни ортда қолдирган.
Сен бўлмасанг,
Зеркарли бўларди олам,
Сен бўлмасанг,
Эгатларда қоларди дурлар.
Сен бўлмасанг,
Бу ерларга келмасдим мен ҳам,
Шу боисдан,
Муҳаббатни мўъжиза дерлар.
Сен борсанки,
Хирмонларнинг кўрки ўзгача,
Бойлигини —
Икки қўллаб сенга тутар ер.
Сен борсанки,
Куйларимнинг эрки ўзгача,
Ёнгинангда мададкоринг
бўлсин —
Ушбу шеър!

Душан ФАЙЗИЙ

ТОНГ ОТМОҚДА

Водий қучоғида ёришиб осмон,
Оппоқ тонг отмоқда,
гўё оқ мармар.
Кумуш тўлқинларда оқар Зарафшон,
Сулув келинчакдай кокиллари зар.
Майсалар сочида биллурдай шабнам,
Япроқларда кезар илиқ бир нафас.
Тонг неки борини кўрмоқда баҳам,
Бутун борлиқ ичра қўзғатиб ҳавас.
Шу қадар соф бу тонг!
Шундай беғубор!
Минг бир назокатли,
Минг бир пардали.
Гўёки фариштa тенгсиз,
бетакрор.
Бегона бир нигоҳ тушмаган ҳали.
Оппоқ тонг отмоқда,
гўё оқ мармар,
Ёт нигоҳ тушмасин унга!
Алҳазар!

БУЛБУЛ НАВОСИ

Яна Нуротага тушди йўлимиз,
Яна дўмбиранинг хумори тутди.
Тоғлар ўлкасига ошиқ дилимиз,
Сўнгсиз уфқларга туташиб кетди.
Бир ёнда Оқтовдир,
бир ён — Қоратов,
Иккиси мисоли — иккита қанот.
Мени олиб чопар учқур бир бедов —
Ўша Гўрўғлибек минган Ғиркўк от.
Бахшилар мулкида катта бир базм,
Бугун Эргаш булбул юз ёшга тўлмиш.
Авжи пардададир ўлан ва назм,
Кимки қулоқ тутар — сеҳрлаб олмиш...
Қўрғонга[1] бураман отнинг бошини,
Кўз олдимда турар сирли бир дунё.
Қутламоқ истайман куйчи ёшини,
Табрикларнинг мавжи — тошқинли дарё.
Мана — ўша овул,
ўша хонадон —

[1] Қўрғон — Эргаш Жуманбулбул ўғли туғилган қишлоқ.

Жаҳонни бағрига сиғдирган диёр.
Ўша таниш эртак, дўмбира, достон,
Жуманбек қўлида жаранглаган тор.
Бир замон —
Оқшомдан тонг отаргача,
Дўмбирани чертиб ўша бахшилар,
Кунчиқардан тортиб кунботаргача,
Йиғилишиб бунда қанча яхшилар,
Қирқ қулоч қудуқнинг сувидан ичиб,
Куйлаб ушшоқ аҳлин қисмат, нақлини,
Эртак қанотида элларни кечиб,
Сеҳрлар эдилар инсон ақлини!
Энди —
Бу масканда сокин сукунат,
Сукунат бағрида достонли дунё.
Хаёлни шошириб қўяр бир муддат,
Пахса деворларга қоришиқ рўё.
Хаёлот ичида қоласан одам,
Гумбурлаб кетади тоғлар садоси.
Олчазор боғаро таралар шу дам
Булбулларнинг таниш сайроқ навоси.

ОЛЧАЗОР БОҒЛАР

Ўрик гулдан чиқиб, довучча бўлди,
Оқ шойи ўради олчазор боғлар.
Чўпон ўтовлари қий-чувга тўлди,
Кўм-кўк гилам ёпди яқин-йироқлар.
Баҳор қуёшидан ҳансирар тупроқ,
Ўт-ўлан танига ҳаёт югурди.
Қушлар чуғурига тўлмиш ҳаммаёқ,
Ер бағри қизиди,
чигит ниш урди.

Олма гулларида менинг севинчим,
Гўё болалигим кулиб тургандай.
Шу диёр,
Шу элда ризқим, овунчим,
Сурури қонимда кезиб юргандай.
Бу олчазор боғлар — болалигимдир,
Тупроқ ҳансираши — менинг
нафасим.
Қий-чувли ўтовлар — болалигимдир,
Ўт-ўлан нафаси — менинг нафасим,
Баҳор қуёшидан ҳансирар тупроқ!

Самарқанд

कश्मीर का गीत

शरत् रशीदेव

नवयुग पब्लिशर्स, दिल्ली

Чеҳрасидан нур ёғилиб турган мана бу отахон — Мустафо Сафаров ҳозир 75 ёшда. Сурхондарё область, Сариосиё районидаги Свердлов номли колхозда яшайди. Мустафо отанинг 8 фарзанди 40 дан ортиқ невара, эваралари бор.

Отахон ҳамон дала кезишни яхши кўради. Фарзандларининг заминга эътиқодида унинг маслаҳатлари, ўгит-насиҳатлари ўз аксини топаётир.

Суратда: инқилоб ветерани, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Сариосиё районидаги Свердлов номли колхозининг атоқли деҳқонларидан бири Мустафо САФАРОВ.

Чорн бахши ХЎЖАМБЕРДИЕВ.

Н. ШАРИПОВ фотоси.



П. ВОРОНКИН ФУРҚАТ выставкада.

П. ВОРОНКИН ФУРҚАТ шеърий китобининг муқоваси.



Шаҳрисабздаги «Наврўз» маиший хизмат кўрсатиш уйи ўзининг намунали ишлари билан аҳоли ҳурматини қозонмоқда.

Суратда: Қашқадарё область Советининг депутати, моҳир тикувчи Тиловат Жўраева меҳнатга коммунистик муносабати билан ҳамкасбларига ҳамиша ўрнак бўлаётир.

Тўрт дугона (чапдан) Ханифа Бозорова, Муҳтарама Азимова, Муқаддас Хўжақулова, Моҳира Нуриева тикувчилик касбини шарафламоқдалар.

Ж. ТЎРАЕВ фотолари

ЕР ҚАДРИ

ДЕҲҚОННИНГ ерга меҳрини муҳаббатга қиёс этгулик. Йил-ўн икки ой табиатнинг ҳолатига қараб нафас олади, осмон юзи ёришса чеҳраси очилади, бадковоқ булутлар пайдо бўлганида жони ўртанади. Айни долзарб пайтда дўл ёки сел ерни қамчилаб қолади, бу ҳолат деҳқоннинг вужуд-вужудини қақшатади. Лекин илк бор ер бағрини тилиб ниш урган ғўзани кўрганида гўдакни бағрига босган онадай унинг ҳамма дардлари бир зумда унут бўлади-қўяди... Само кенгликларини чок-чокидан сўкиб ўтган ногаҳоний чақмоқ гулдурослари даставвал деҳқоннинг борлиғини ларзага солади. Ана шундай паллада «Қўлимдан нима ҳам келарди», деб ўтирмасдан дала бошига чопади, шаррос ёмғир пайкалларни беаёв бир-бирига қориштириб, бўтана сувлар ариқлар ҳосил этаётганини кўради-ю, қўлида кетмон билан тенгсиз кучга қарши ҳамлага отланади... Баъзан табиат хуружлари ва зуғумлари қаршисида ўзини ожиз, нотавон ҳис этган дамлари ҳам бўлади, бундай кезларда қалбида рўй бераётган туйғулар туғёни ёлғиз унинг ўзигагина аён. Елади, югуради, изтироб чекади, чора излайди, кундузи ҳаловатини, тунда оромини йўқотади. Деҳқоннинг пешанасидан томган ҳар томчи тери дурга нисбат беришнинг бонси ҳам шундан бўлса керак.

...Деҳқонбойнинг ўғли Мирзааҳмад бугун яна дала бошида. Турли-туман ўй-хаёллар оғушида у. Лекин табиатдан гина қилиш учун келгани йўқ у бу ерга. Атроф шундай сокин, мусаффо, субҳидам эпкинида оҳиста шовуллаётган кўм-кўк далалар шундай дуркунки, уфқларга туташиб кетган кенгликларга боқиб кўз тўймайди. Қуёш ҳали зар кокилларини ёйганича йўқ, қушлар чуғури оламни энди тута бошлаган палла. Ғўзалар остидан жилдираб оқаётган сув қўшиғи сирли ва сеҳрли куйларга монанд.

Кечагидек эсида, бундан ўттиз йиллар муқаддам, дастлаб шу ерда иш бошлаган кезларида гувалагувала бўлиб қотган кесакларни ибтидоий усулда — ёғочлардан тўқмоқлар ясаб қўлда майдалашган. Техника деярли йўқ эди, борлари ҳам бир кун иш берса, ўн кун яроқсиз бўларди. Ишчи кучи кам, одамларнинг иқтисодий аҳволи бирмунча ночор, чунки мамлакат уруштан кейинги оғир йилларни бошдан кечирмоқда эди. Колхоз давлатдан 500 минг сўм қарздор эди. Хўжалик бор-йўғи 28 та ҳўкиз, 2 та автомашина, 30 та отгагина эга эди. 350 киши атиги 14 та бригадага бирлашганди.

Дастлаб раис бўлган кезлари машаққат билан ишлов берилган ернинг ғўзалари ўт-ўланлар орасида қолиб кетди. Айниқса Маматқул Мамажонов бошлиқ бригаданинг 60 гектарлик ерини кўрган одамнинг раҳми келмай қолмасди. Бригадирнинг ўзи ҳам ўз аъзолари билан ҳарчанд ҳаракат қилмасин, ғўзаларни асраб қолишнинг эвини қилолмасди. У йиғламоқдан бери бўлиб раис Мирзааҳмад Деҳқоновга учради. Унинг ҳам имкониятлари чекланганини биларди. Лекин ҳар эҳтимолга қарши учради раисга. Раис вазиятнинг қалтислигини, бой берилган ҳар бир фурсат катта зарар келтиришини чамалаб, энг сўнгги чорани ишга солди: дурадгор, тегирмончи, омборчи, идора ходимлари, қўйинғки, бошқа соҳа билан машғул кишиларни, хотин-халаж ва болаларни ҳам ўтоққа сафарбар этди. Бундан бошқа илож йўқ эди.

Мана, орадан йиллар ўтди. Хўжалик шитоб билан олға интилди. Ҳозир колхоз 160 та трактор, 50 та автомашинага эга. Бу ерда 13,5 минг киши истиқомат қилади. Авваллари 720 гектар ернинг ҳар гектаридан 11 центнердан ҳосил олинган бўлса, эндиликда 1770 гектар майдондан 43 центнердан пахта ҳосили кўтарилди. Пландаги 6 минг 200 тонна ўрнига давлатга 7 минг 683 тонна «оқ олтин» сотилди. Буларнинг барчаси ерга ишлов беришда деҳқонлар тўпланган бой тажрибанинг натижаси, юксак агротехник усулларнинг кенг жорий қилингани, фан-техника ютуқларининг қишлоқ хўжалигига дадил татбиқ этилаётгани туфайлидир.

Ҳозир колхознинг кафтдай текис асфальт кўчаларидан ўтган кишининг баҳри-дили очилади, одамлар истиқомат қилаётган шинам уйларга ҳавоси келади. Барча қулайликларга эга бўлган дала шийпонлари чинакам маданий ҳордиқ чиқариш масканларига айланган. 100 ўринли шифохона, савдо ярмаркаси, 25 та магазин, 5 та клуб, 8 та кутубхона, ҳаммом, маиший хизмат уйлари, 4 та болалар боғчаси — бугунги турмуш фаровонлигининг энг оддий кўринишларига айланиб қолди. Колхознинг Гумбазқишлоғи Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг замонавий типда қуриш ва ободонлаштириш бўйича учинчи даражали дипломи билан

тақдирланди. Колхоз территориясидаги 6 та мактабда меҳнаткашларнинг 3,5 мингдан зиёд ўғил-қизлари тарбияланмоқда. 256 ўқитувчи таълим-тарбия ишлари билан машғул, уларнинг 186 таси олий маълумотли.

Бундан 20 йил муқаддам колхозда атиги 16 тонна пилла етиштирилганди. Қулайликлар яратиб берилгани сабабли ўтган йили хўжалик 56,3 тонна пилла топширди. Олтмишинчи йилларда колхоз аъзоларининг иш ҳақи 276 сўмни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда ўртача иш ҳақи 1,5 минг сўмдан иборат.

Раис ана шу рақамлар қаърида яширинган ўсиш суръатларини хаёлидан ўтказар экан, оғир ўйлар натижасида қатъий бир қарорга келган кишидай шахд ўрнидан турди. Қадрдон далаларига яна бир бор назар ташлаб, правление томон йўл олди. Гап шундаки, Мирзааҳмад Деҳқонов ўтган йили энг оғир операциялардан бирига розилик билдирди. Академик Восит Воҳидов унинг юрагини операция қилди. Тошкентдан қайтгач, ундан ҳол-аҳвол сўраган дўст-биродарларига «Шифокорлар юрагимни капитал ремонтдан чиқариб беришди», деб ҳазиллашиб юрди. Лекин «юракка сўзимни ўтказолмай қоляпман шекилли» деган шубҳали ўйлардан ҳам фориғ эмасди. Қандайдир даражада толиқадиган, одатий дала кезишлар ва идорадаги юмушлардан зўриқадиган бўлиб қолди.

— Колхоз ишларининг кўлами кенгайиб кетди,— дея ўйлаб борарди раис.— Ҳамма ўзгаришлар кўз ўнгимда содир бўлди. Ернинг тафти ва ҳолатини бир сиқим тупроқни кафтларида эзғилаб биладиган мутахассислар етишиб чиқди. Энди хўжаликни ана шулар бошқарсин. Одамларимизга раҳмат, улар бетинним ва машаққатли меҳнат фаровон, маданиятли турмуш манбаи эканлигини англадилар. Ҳаёт бу ёғига янада гўзаллашиб бораверади. Партия ва ҳукуматимизга раҳмат, менинг камтарона меҳнатимни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони, тўрт марта Ленин ордени, қўша-қўша медаллар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирлади. Уч марта Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайландим. Ўзбекистон Компартиясининг олий анжуманларида делегат бўлиб қатнашдим. Ҳаммасига минг бора қуллуқ!..

Мирзааҳмад ака колхоз маркази томон шитоб билан юриб борарди. Йўлда колхознинг турсунойчи механизаторларидан Маҳбуба Насриддинова уни учратиб, устозига миннатдорчилик билдирди.

— Ишончингизни оқладим, раис ака. Саксонинчи йили қолоқ бригадага мени бошлиқ қилиб тайинлаганингизда аввал чўчидим, сиз менга далда бердингиз. Мана, ҳосилдорликни гектар бошига 23 центнерданга кўпайтирдик —61 центнердан пахта етиштирдик. Ҳали сизнинг маслаҳатларингиз билан яна кўп муваффақиятлар қучамиз.

Ана шу уддабурро, ишбилармон, ёшларнинг куч-ғайратини жўш урдиришга қобилиятли Маҳбуба ҳам унинг кўз ўнгида вояга етди. У колхознинг фахри — СССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган механизатор, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин, кумуш, бронза медаллари лауреати. Унинг каби ташаббускорлар колхозда анча: Маъмуржон Турсунов, Жумақўзи Тожибоев, Мавлонбой Маманазаров, Алиқўзи Азимов...

Мирзааҳмад ака правление биносига кираверишда ўттиз йилдан бери бирга ишлашиб келаётган азалий дўсти, колхознинг бош агрономи Маҳмуджон Эргашевга дуч келди.

— Ҳамма оғирчиликлар ортда қолган бир пайтда-я?— деганнамо дўстона дашном аломатлари зоҳир эди унинг боқишларида ҳам.— Ҳализамон дўстимиз, ажойиб селекционер олим Содиқ Мирахмедов келиб, асосан бизнинг хўжаликда синовдан ўтаётган сўнгги янги нав натижалари ҳақида мусоҳаба юритамиз. Узимизнинг биологик лабораториямизда етиштирилаётган трихограммадан атиги 300 гектар ерда фойдаландик, холос. Ғўза зараркунандаларига қарши курашнинг бу усулдаги истиқболларини биргаликда ўзимиз яқинлаштирамиз. Пахта илмида сен орттирган тажрибалар ҳали кўп қўл келади...

Правление биносининг узун йўлагидан юриб бораркан, Мирзааҳмад аканинг хаёлларини бугунги ташвишлару эртанги истиқбол режалари қамраб ола бошлади:

«Яккамулла участкасида истиқомат қилаётган аҳоли учун кооперация йўли билан 45 та уй қуриб берилди. Жийдақишлоқ аҳолиси ҳам шунақа истиқоматгоҳларга кўчирилиши керак...» «Қурилиш ташкилотлари тиклаб бераётган 7 хонадан иборат типовой уйларнинг қиммати 16 минг сўмни ташкил этяпти. Ўтган йили ўзимиз ўз кучимиз билан ғишт заводи қуриб олдик-ку. 20 кишидан иборат бригада йилига 1 миллион донадан пишиқ ғишт етказиб беряпти. У куни мутахассислар билан ҳисоб-китоб қилиб чамалаб кўрилса, колхоз ихтиёридаги 60 кишилик қурилиш бригадаси худди шундай уйлар учун сарф-харажатларни роппа-роса 6 минг сўмга қисқартириши мумкин экан. Колхозчи учун бу қанчалар катта фойда. Ғишт заводининг тўла қуввати билан ишлашини таъминлаш лозим. Шунда йилига 5 миллион дона пишиқ ғишт колхоз территориясининг ўзида тайёрланади...» «Хўжалик ерлари Қўқон шаҳри билан деярли туташ. Маданий-маиший хизмат савиясини шаҳарникидан қолишмайдиган даражага кўтариш керак. Бусиз айниқса ёшларни қишлоқда қолишга кўндириш мушкул...» «Чорва бўйича раис ўринбосари Саминжон Файзиматов, зоотехник, ферма мудирларини чақириб, бу соҳада яқин йилларга мўлжалланган режаларни муҳокама этиш лозим. 1,5 минг қорамолни, 3,5 минг қўйни, 2,5 минг товуқни яқин йиллар ичида бир ярим баравар кўпайтириш, ҳар бир қорамолнинг вазнини 450 килограммдан 500 килограммга кўтариш керак. Хуллас, бу муҳим масалада чуқур ва атрофлича фикрлашиб олиш даркор».

Ернинг чинакам қадрига етган уста деҳқон шу тариқа пенсияга чиқиш ҳақидаги ўй-фикрларини эсидан чиқариб, завқу шавқ билан қайтадан ишга шўнғиб кетди.

Баҳодир АМИНОВ

замондошларимиз

МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

ЗАМОН ТАЛАБИ

Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ,
филология фанлари доктори, ЎзССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳузуридаги Илмий-техник совет филология секциясининг раиси,
Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор

СССРнинг ташкил топиши миллий даниятлар ривожида янги босқич- бошлаб берди; бир томондан, ллий маданиятларнинг ўзаро ало- си — бир-биридан ўрганиш, ўзаро йиш, бир-бири билан яқинлашиш чайди, иккинчи томондан, ҳар бир ллий маданиятни гуллатиб-яшна- ш, уларнинг ички имкониятларини лароқ юзага чиқариш учун ғоят лай шароит вужудга келди.

Жонажон партиямизнинг доно ллий сиёсати туфайли ўтган олт- иш йил давомида ўзбек халқи узоқ рихга, бой анъаналарга эга бўлган она тилини, адабиёти ва санъати- тез суратлар билан ривожланти- бориб мисли кўрилмаган муваф- ақиятларга эришганлиги бугунги нда жаҳонга аён; ҳар бир холис ятли киши қисқа бир муддат ичи- бу борада қўлга киритилган мўъ- изакор ютуқларга тан бермай ило- и йўқ.

Коммунистик партия миллий ада- иёт ва санъатлар ҳақида тинмай мхўрлик қилар экан, айни пайтда дабиёт ва санъат ютуқларидан кенг еҳнаткаш халқ оммасини баҳра- анд этиш, бу бебаҳо миллий бой- иклар халқнинг мулки бўлиб қоли- и, халқ орасида чуқур илдиз оти- и зарурлигини ҳам назарда тутади.

Совет ҳокимияти йилларида мил- ий адабиёт ютуқларини ўрганиш ва ни халққа етказишнинг бутун бир истемаси вужудга келди. Катта қув- атга эга бўлган нашриётлар, кўп иражли газета ва журналлар, радио а телевидение бу борада улкан шлар қиляпти. Чунончи, Абу Райҳон еруний номидаги Шарқшунослик нститути, Ҳамид Сулаймонов номи- аги Қўлёзмалар институти, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт нститути, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, унинг филиалла- и — буларнинг барчаси айни қутлуғ шни амалга оширмоқдалар, миллий дабиёт бойликларини ўрганмоқда- ар ва халққа етказмоқдалар.

Ўзбек адабиёти курси аллақачон ўрта мактаб ўқув системасида етак- и предметлардан бирига айланган. Ҳозир республикамизда 30 мингдан зиёдроқ ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ишлаб турибди. Уч университет, ўндан ортиқ педагоги- ка институти, юқори малакали фи- лолог кадрлар, ўзбек тили ва ада- биёти муаллимлари тайёрлайдиган махсус факультетлар мавжуд.

Олий ўқув юртларининг ўзбек адабиёти кафедраларида республи- кадаги филолог олимлар — фан докторлари ва кандидатларининг ярмидан кўпроғи жамланган, улар орасида бугунги филология фани- нинг етакчи намояндалари, таниқли адабиётшунослар бор. Хусусан, В. И. Ленин номидаги Тошкент Дав- лат университети, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат универ- ситети, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраларида иш олиб бораётган қатор филолог олим ва мураббийларнинг номлари Ўзбекис- тондагина эмас, қардош республи- каларда ҳам маълум ва машҳур.

Етакчи филолог олим ва мураб- бийларнинг самарали меҳнати, ил- мий-методик изланишлари туфайли олий ўқув юртларида ўзбек адаби- ётини ўқитиш бобида бой тажриба тўпланди. Кўпдан бери ўзбек классик адабиёти тарихи, ўзбек совет адабиёти тарихи курслари бўйича ўқув программалари мавжуд. Кейин- ги йилларда университетларнинг ўқув планига ўзбек танқидчилиги тарихи курси киритилди, бу курс- нинг махсус программаси ишлаб чи- қилди. Ўзбек классик адабиёти та- рихи бўйича уч китобдан иборат дарслик, ўзбек совет адабиёти тари- хи курси бўйича эса айрим қўллан- малар яратилган.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан Тошкент Давлат университети ҳамкорликда 1973 йили олий ўқув юртларида ўз- бек адабиётини ўқитиш масалалари- га бағишлаб ўтказган кенгаш мада- ний ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўл- ган эди. Республикадаги барча етакчи адабиётшунос олимлар, му- раббийлар, кўпгина қардош рес- публикалар олий ўқув юртлари ва- киллари иштирок этган бу кенгашда мавжуд тажрибалар умумлаштирил- ган, ҳал этилиши лозим бўлган ил- мий-методик муаммолар хусусида келишиб олинган, вақти-вақти билан шундай кенгаш ўтказиб туриш маъ- қул топилган эди.

Тошкент Давлат университети ҳу- зурида бир неча йилдан бери сама- рали иш олиб бораётган ўзбек му- тахассислари учун мўлжалланган ма- лака ошириш факультети (ФПК) олий ўқув юртларида ўзбек адабиё- тини ўқитишни мувофиқлаштириш, мутахассисларни филология фани- нинг, ўқув-методик тажрибаларнинг энг кейинги ютуқлари билан қурол- лантириш ишида муҳим роль ўйна- моқда. Республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги қошида янгидан ташкил топган Илмий-техник совет филология секцияси ва унинг ўзбек адабиёти бўйича кичик сек- цияси олий ўқув юртларида ўзбек адабиётини ўқитишни янада тако- миллаштиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Хуллас, олий ўқув юртларида ўз- бек адабиёти бўйича юқори мала- кали филолог кадрлар тайёрлаш, ўз- бек адабиётини ўқитишни яхшилаш бобида кўп ишлар қилинди, бой тажриба тўпланди, катта имконият- лар яратилди. Бироқ ҳозирги ижти- моий-маънавий тараққиёт олий ўқув юртлари, жумладан, филология фа- культетлари олдига янги, янада юк- сакроқ талаблар қўймоқда.

КПСС XXV ва XXVI съездларида олий ўқув юртларида мутахассис кадрлар тайёрлаш сифати ва сама- радорлигини оширишдек муҳим ва- зифа қўйилди. КПСС Марказий Ко- митети ва СССР Министрлар Сове- тининг 1979 йил июлида «Олий мак- табни янада ривожлантириш ва му- тахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида» деб чиқарган қарорида бу вазифани амалга оши- ришнинг конкрет йўл-йўриқлари кўрсатиб берилди.

Шу юксак талаблар, муҳим вази- фалар, партиявий йўл-йўриқ асоси- да олий ўқув юртларида ўзбек ада- биётини ўқитишнинг ҳозирги аҳволи- га назар ташланадиган бўлса, юқо- рида қайд этилган ютуқлар билан бир қаторда, талайгина ҳал этилиши лозим бўлган жиддий муаммоларга дуч келамиз.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маз- кур қарорида: «Фаннинг энг янги ютуқларини ва илғор тажрибани тў- лароқ акс эттириш асосида ўқув планлари ва программалари доим такомиллаштирилсин», деб таъкид- ланган. Амалдаги ўзбек классик ада- биёти тарихи ва ўзбек совет адаби- ёти тарихи курслари программалари ана шундай такомиллаштиришга муҳтождир. Ўзбек классик адабиёти тарихи бўйича кейинги йилларда та- лайгина янгиликлар пайдо бўлди, жумладан, беш томлик «Ўзбек ада- биёти тарихи» майдонга келди. Шу- лар асосида мавжуд программани қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи туғил- моқда. Айни пайтда программани қайта кўраётганда адабиёт фактла- рига ҳаддан ташқари маҳлиё бўлиб кетиш хавфи ҳам борки, бундан эҳтиёт бўлган маъқул. Бизнингча, ҳозир мавжуд программанинг ўзи- да ҳам, шунингдек, программа асо- сида яратилган уч китобдан иборат дарсликда, хусусан, дарсликнинг ик- кинчи китобида фактлар ҳаддан ташқари кўпайиб, етакчи нарсалар билан иккинчи даражали ҳодисалар аралашиб кетгандай туюлади. Про- грамма ва дарсликнинг қиммати, са- вияси адабий фактларнинг миқдори билан эмас, балки фактлар моҳия- тини очиш, таҳлил этиш билан бел- гиланишини унутмайлик. Бунинг ус- тига уч китобдан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигининг уму- мий ҳажми ўта катта — юз босма листга яқинлашади. Дарслик ҳажми- ни ихчамлаштириш, уч китобдаги ус- лубий, методик ва методологик та- фовутларга барҳам бериш йўллари қидириб кўрилса, яхлит бир китоб- дан иборат дарслик яратилса, мақ- садга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбек совет адабиёти тарихи кур- си программасининг аҳволи янада мураккаброқ. 1974 йили қайта нашр этилган программа жуда кўп фази- латларига қарамай, бугунги талаб- ларга тўла жавоб бермай қолди. Ҳо- зир программанинг янги редакция- сини тайёрлашга киришилди. Автор- лар олдида бир қатор принципиал муаммолар кўндаланг бўлиб туриб- дики, уларни ҳал этмай туриб, му- каммал программага эришиш қийин.

Аввало, ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш масаласи ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш керак. Мав- жуд программада ўзбек совет ада- биёти тарихини беш босқичга бўлиб ўрганиш мўлжалланган. Бу хилдаги беш босқичли система бугунги кун- да эскириб қолганлиги, миллий ада- биётлар ривожланиш жараёнини ил- мий, ҳаққоний кўрсатишга монелик қилаётганлиги, даврларни йириклаш- тириш зарурлиги хусусида таниқли адабиётшунос олимлар айтаётган гапларда жон бор. Бизнингча, тан- қидчи Ю. Кузьменко илгари сурган концепцияга амал қилган ҳолда ўз- бек совет адабиёти тарихини икки асосий босқични — социалистик қай- та қурилиш даври ўзбек адабиёти (1917—1955 йиллар), иккинчи бос- қични эса ривожланган социализм даври ўзбек адабиёти (1956 йилдан ҳозирги кунгача) деб белгилаш мум- кин. Табиийки, ҳар бир босқич ўз ички босқичларига эга эканлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Модомики ўзбек совет адабиёти тарихи икки асосий босқичга бўли- нар экан, ҳар бир босқичдаги ада- биёт ривожининг етакчи тенденция- ларини аниқлаш ва таърифлаб бе- риш зарурияти туғилади. Бунда мавжуд беш босқичли системанинг инерциясини бартараф этиш, дав- рларни шунчаки обзор қилиш практи- касидан воз кечиш, адабий жараён- ни назарий проблематик тарзда тек- шириш зарур бўлади.

Ўзбек совет адабиёти классикла- ри алоҳида фигуралар сифатида мавжуд программада муносиб ўрин олган. Уларни янги программага киритишда бир масалани келишиб олиш керак. Мавжуд программада ҳар бир адиб ижоди атрофлича қамраб олинган, мумкин қадар улар ҳақида кенг маълумот беришга ҳара- кат қилинган. Бизнингча, ҳозирги кун- да бу шарт эмас, адиблар ижодини маълум проблемалар бўйича ўрга- ниш, ҳар бир ёзувчи ижодидаги етакчи жиҳатларга, уларнинг муҳим асарларига кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Адабиёти- мизнинг ўрта ва кейинги авлоди ва- килларини программага киритишда асосланган изчил илмий принципга таяниш зарурияти туғилмоқда.

Ўзбек совет адабиёти тарихи курси бўйича ҳозирга қадар дарс- ликнинг йўқлиги кечириб бўлмас бир ҳолдир. Бу борадаги сансалор- ликка чек қўйиш пайти келди. Ўзбек танқидчилиги тарихи курси бўйича ҳам дарслик ва хрестоматия яратиш ишини кечиктирмаслик зарур.

Ҳозирги пайтда Бутуниттифоқ ва жаҳон миқёсида ўзбек адабиёти та- рихига қизиқиш ниҳоятда катта. Мамлакатимиздаги барча универси- тет ва педагогика олий ўқув юртла- рининг филология факультетларида кўпмиллатли совет адабиёти тарки- бида ўзбек адабиёти тарихи ҳам ўқитилади. Жаҳондаги кўпгина уни- верситетларда ўзбек адабиёти тари- хи бўйича мутахассислар тайёрлана- ди. Афсуски, қардошларимизга ва чет элдаги дўстларимизга мўлжал- ланган ўзбек классик ва совет адабиёти тарихини яхлит ва ёрқин тарзда ёритиб берадиган, рус тили- да ёзилган пишиқ-пухта қўлланма йўқ.

Олий таълим, хусусан, универси- тетларнинг ўқув планида талабалар- нинг назарий билимини мустаҳкам- лаш ва илмий-ижодий қобилиятлари- ни рўёбга чиқаришнинг самарали формалари бўлмиш махсус курслар, семинарлар, контрол, курс ва дип- лом ишларига катта ўрин ажратил- ган; бу ишларни мустақил ҳолда ташкил этиш, йўналиши ва мавзусини белгилаш ҳамда илмий советга тақ- дим қилиш учун кафедраларга катта ҳуқуқ берилган. Тошкент ва Самар- қанд Давлат университетлари ўзбек адабиёти кафедраларининг бу соҳа- даги ишларини намуна қилиб кўрса- тиш мумкин. Ҳар иккала универси- тетда етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан ўзбек классик адабиёти ва совет адабиётининг координал на- зарий масалалари бўйича ўқилаёт-

ЮРАКЛАРДА ГУЛЛАЙДИ МЕҲР

Ватан суврати

Ёз ўзгача ҳусн берар қишлоққа.
Кун тиғида асфальт юмшаган айём.
Асалчилар кўчиб чиқарлар боққа,
Чайлаларда суҳбат бўлар гулқиём.

Танишмисиз ё нотаниш — фарқи йўқ,—
Салом берар бунда Сизга кекса-ёш.
Уйга чорлар, кирмасангиз ҳам — қуллуқ,
Ниятингиз бўлсин, дер, йўлда йўлдош!

Лабларида қовуншира, илжаяр,
«Салом» дейди таъзим-ла бир эркатой.
Келин четан соясида кир чаяр,
Томорқада йигит ўради буғдой.

— Келинг,— дейди, келин елка тутади,
Юзга урар юрагининг иссиғи.
Чайласига сўнгра таклиф этади:
«Чанқовбосди Зарметаннинг қатиғи!»

Сиргасию кўзмунчоғи ярашган,
Кулиб турар кундай иссиқ бу аёл.
Жўнарканман, шу қишлоқ, шу йўл, Ватан
Юрагимга кўчар мисли бир ниҳол.

Тонгдай ёркин кўзларида пок ҳайрат
Қизғалдоқдай қолар йўлда қизалоқ.
Юрагимда муҳрланар шу суврат,
Бир гул каби унар қалбимда қишлоқ...

* * *

Онажоним...
Кўзларингизда
Куннинг нафаслари бор эди.
Онажоним, юзларингизда
Ойнинг ҳаваслари бор эди.
Онажоним, Сиз билан жаҳон
Беҳигулдай ифорли эди,
Тунлар ойдин, кунлар шодмон,
Шабадалар дуторли эди.
Тушларимга кириб чиқасиз,
Сочларимни ўриб чиқасиз,
Енгларингиз елпиб бир майин,
Оромимни қўриб чиқасиз...
Талпинаман, қучсайдим қани?
Соғинчлардан қочсайдим қани?
Кўз ёшларим гулга айланар,
Пойингизга сочсайдим қани?
Онажоним...

Ойдин ҲОЖИЕВА

Баҳор ғазали

Бул кун баҳор адашмай бизнинг томона келди,
Бахмал ўтовларинда зумрад тўёна келди.

Офтоб табассумидан ёнғарди тоғу тошлар,
Ёр кезганида боғда булбул забона келди.

Сайлга чиққан қиздай бодомзор ҳилпирар шўх,
Шафтолизор, ўрикзор унга дугона келди.

Чимтол бўлиб ҳар майса, илдиз отар оқ буғдой,
Сумалаксайл учун хўп яхши баҳона келди.

Меҳнат баҳоридур бу — иш қайнаган қишлоқда,
Юлдуз унар чигитдан, олтин замона келди.

Деҳқон кўчат экаркан, боғ ишқида бўлур маст,
Дилларга эк сўзингни, ойдин нишона келди.

Суҳбат борарди мумтоз, қизлар эди сеҳрсоз,
Ташрифи кўз устига — дўсти ягона келди!

* * *

Тонг туғмоқда. Атроф жим
Сой оқади эриниб.
Тубида ғужум-ғужум
Рангдор тошлар кўринниб.

Шилдирар ёғоч тарнов.
Ел шўнғиб ўтар ғиз-ғиз.
Учоққа ёқиб олов,
Қумғон осади бир қиз.

Дўлананинг гулидай
Икки бети ёнади.

Дард кўрмаган дилида
Севги ўти ёнади.

Кун ёришар. Қайдадир
Каклик сайрар какарлаб.
Акс-садо берар адир
Тоғ йўллари дупурлаб.

Сойнинг икки четида
Ҳилпирар олча гуллар.
Қиз қаларн ўтинда
Тонгги қуёш ловуллар!

Илҳом лавҳалари

Яшил ўтлоқларнинг чим гиламида
Рассом суврат чизар ҳайратга шерик:
Мўъжиза излаган қилқаламида
Қирмизланиб борар шафтолн, ўрик.

Бўзга кўча борар қуёш чодраси,
Водийларнинг атлас рўмолларн ҳам,
Қирларда чўғланган гуллар адраси,
Сойнинг шабнам инган шамоллари ҳам.
Ҳилпираб, ялтираб кўчади бўзга.
Ранглар мусиқадай киради сўзга.

Дорбоздай юксакка ўрлайди оҳу.
Пастга думалайди жонланиб тошлар.
Дарадан отилиб чиққан кумуш сув
Оқ бўзда кўпириб шарқирай бошлар...

Қоғоз, бўёқларин йиғиштирар қиз.
Қувнаб йўл олади шаҳарга томон.
Қизнинг орқасидан эргашар осмон
Ва оқшом элчиси қуюқ бир юлдуз...

* * *

Мендан — вафо, сендан — мурувват,
Мендан — қўшиқ, сендан — ҳамият!
Шунда бизга қўлдош муҳаббат.
Шунда бизни тарк этмас ният.

Мендан — араз, сендан — кечирим.
Маъюс тортсам — таскиннм сенсан.
Борлиғингчга азал тақдирим,
Ёру кўкда масканим сенсан!

Илк бор баҳор ҳайратин сезган
Гўдакдай мен меҳрингга ташна.
Севинчдир бу жонимда кезган
Тақир чўлда топгандай чашма.

Бир олманинг икки палласи,
Бир узукнинг кўзу қошидай,
Ишқ суясин, ишқ ярлақасин!
Юракдаги гавҳар тошидай

Йўлимизни ёритсин у ишқ.
Дардимизни аритсин у ишқ.
Ёритгандек шу кўҳна ва ёш
Кенг оламни биргина қуёш!

ган, адабиётшунослик ва танқидчиликдаги янги йўналишлар ҳамда концепциялар билан суғорилган махсус курслар таҳсинга сазовордир. Шу билан баробар айрим кафедраларда махсус курсларнинг темаси, йўналиши, илмий-амалий қимматига бефарқ қараш, махсус курслар, шунингдек, махсус семинарлар тематикасини майдалаштириб юбориш ҳоллари мавжуд. Айрим педагогика олий ўқув юртларида баъзи профес. сор ва доцентлар бундан 15—20 йил бурун ёқлаган диссертациялари бўйича махсус курс ўқиш билан чекланиб келаётирлар, жиддий назарий масалалар бўйича янги махсус курслар яратиш устида етарли бош қотирмаётирлар.

Эҳтимол, баъзи олий ўқув юртларида адабиётнинг координал назарий масалалари бўйича махсус курс ўқийдиган мутахассислар етишмас, бундай пайтда олий таълим ҳақидаги қарордаги йўл-йўриқларга амал қилган ҳолда етакчи олий ўқув юртларидаги ва илмий марказлардаги таниқли адабиётшуносларни лекция учун таклиф этиш практикасини изчилроқ йўлга қўйиш керак бўлади.

Муҳим, координал назарий масалаларга бағишланган махсус курслар программасини нашр этиш, энг яхши махсус курслар, шунингдек, атоқли адиблар ижодига оид семинарийлар текстини китоб ҳолида чоп этиш пайти келди. «Уқитувчи» нашриёти айрим олий ўқув юртлари коллективларининг бу борадаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди, деган умиддамиз.

Талабаларнинг курс ишлари ва диплом ишлари тематикаси ҳам майдалаштириб юборилмоқда. Айрим кафедраларда мавзудаги такрорийликдан қочиш шиори остида ўзбек адабиёти классикасидан, координал масалалардан узоқлашишга йўл қўйилмоқда.

Қатор педагогика институтларида илмий ишга алоҳида лаёқат кўрсатган студентларни диплом ишларига жалб этиш жорий этилаётирки, буни қўллаб-қувватлаш лозим. Модомики, «Правда» газетасининг 1981 йил 24 декабрдаги «Ҳозирги замон университети» сарлавҳали бош мақоласида тўғри таъкидланганидек, ҳозирги кунда университетларни битириб чиқувчиларнинг саксон фонзи халқ маорифи соҳасига ишга юборилаётган экан, университетларнинг филология факультетларида ҳам педагогика бўлимлари ташкил этиш, бу бўлим студентлари учун диплом ишлари ёзишни шарт этиб қўймаслик мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги тажриба,— илмий-ижодий ишга лаёқати бор-йўқлигидан қатъий назар,— университетда таълим олган барча студентларга диплом ёздириш баъзи ҳолларда илмий иш қадрини тушириб юбораётир.

Олий таълим аудиторияларида адабиётдан ўқиладиган лекцияларнинг характери, савияси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Олий мактаб ҳақидаги қарорда: «Шунга эришмоқ керакки, лекциялар проблематик характерда бўлсин, назария ва практиканинг актуал масалаларини, ижтимоий ва фан-техника тараққиётининг замонавий ютуқларини акс эттирсин, чуқур мустақил иш олиб боришга ёрдам берсин», деб уқтирилади. Бизда айни шу талаблар даражасида лекция ўқийдиган моҳир филолог олимларраббийлар кўп. Афсуски, мавзуни қуруқ баён этишдан нари ўтмайдиган, лекцияни оддий диктовкага айлантириб қўядиган, бир неча йиллар бурун ёзилиб, қоғози сарғайиб, титилиб кетган текстларни эҳтироссиз ўқиб бериш билан чекланадиган муаллимлар ҳам йўқ эмас... Лекцияларни контрол қилиш ҳозирча асосан кафедралар зиммасига юклатилган. Республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги турли олий ўқув юртларидаги адабиёт ўқитувчиларининг лекцияларини ўзаро текшириб туриш тажрибасини қатъий одат тусига киритса, яхши бўларди.

Модомики, биз асосан ўрта мактаблар учун она тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрлар эканмиз, у ердаги ўзбек адабиётини ўқитиш аҳволи ва муаммоларини ҳамиш диққат-эътиборда тутишимиз лозим Бу борада ҳам маслаҳатлашиб ола диган проблемалар кўп. Бу ерда фа қат бир масалани тилга олиш билан чекланамиз. Кейинги йилларда ўрта мактабларда она тили ва адабиётига ажратилган соатларнинг асоссиз қис қартиб юборилганлиги хусусида та ниқли адибларнинг марказий ва рес публика матбуотида билдирган фикр-мулоҳазаларига биз ҳам тўла қўшиламиз.

Ниҳоят, яна бир муаммо ҳақида икки оғиз сўз. Тошкент Давлат университети ҳузуридаги олий ўқув юртлари адабиёт муаллимлари учун мўлжалланган Малака ошириш факультети ўқув программаси ва иш усули янада мукаммаллаштиришга муҳтождир. Бу факультет фақат ўзқобиғига ўралиб қолмай, Москва, Ленинград, Киев, Тбилиси, Қозон университетларидаги шу хил факультетлар иш тажрибасини ўрганиб, уларни ўз фаолиятига дадилроқ татбиқ қилса, тингловчиларни янада мамнун этган бўларди.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, олий ўқув юртларида ўзбек адабиётини ўқитишга оид давр тақозо этаётган қатор жиддий муаммолар йиғилиб қолган, улар устида маслаҳатлашиб олиш учун махсус кенгаш ўтказиш зарурияти туғилмоқда.

БАХТ

Орзулари кўкни бўйлаган,
Вужудига сиғмас ҳаяжон —
Байроқчалар кўтариб баланд,
Кўча томон югурар ўғлон.
Қувончини олиб югурар,
Орзусини кўз-кўз этгани...
Байроқ ранги қалбда гупурар,
Томирида отасин қони...
Уфқларда ёнган кун каби
Ловуллайди алвон байроғи
Шу байроқнинг чўғидан қалби,
Ёлқинидан ёнар ёноғи...
Ўртоқлари олади ўраб,
Байроқ тутар уларга шодон.
Бир саф бўлиб, уфққа қараб,
Келажагим одимлар шаҳдам...
Шулар қалбда мангу аланга,
Шараф айтиб тонг — инқилобга,
Оталарнинг қонлари томган
Ол байроқни элтар офтобга.

* * *

Ҳаёт йўлларимда чироқдир доим,
Оталар умиди — қалбдаги олов.
Ҳаёт йўлларимда маёқдир доим,
Бош узра порлаган алвонранг ялов.
Оталар изини босмоқлик шараф,
Авлодлар йўлига тутганча машъал.
Оталар талпинди қуёшга қараб,
Инсон эътиқоди офтобдир азал.

ЛУИС КОРВАЛАН

Вафотинг эшитиб қотибман, ўғлим,
Бир ўлиб ҳаётга қайтибман, ўғлим,
Сен унда, мен бунда ётибман, ўғлим,
Тупроқдан насиба терган, Альберто!

Отангни солдилар темир кишанга,
Чилининг эртасин олиб нишонга.
Тўпдан ўқ отдилар қуёшга, тонгга,
Емғир — ўқ, дарё — қон кўрган, Альберто!

Харанинг қўшиғин севардинг беҳад,
Неруда шеъридан олардинг мадад.
Қўшиқ пок қилсин деб яшадинг фақат,
Яradор қўшиқни кўрган, Альберто!

Қўлида қиличу боши узра дор,
Охир ўлдирибди сени ҳам ғаддор.
Йиғлай десам кўзда на-да ёшим бор,
Қаҳрини „оловга қорган, Альберто!

Эзилган юрагинг портлаб кетдими?
Йўлчи юлдуз бўлиб порлаб кетдими?
Дўстларни курашга чорлаб кетдими?
Юлдуз бўлиб ёниб турган, Альберто!

Курашлар ёнғинин бошлаб кетибсан,
Номардлар кўнглини хушлаб кетибсан.
Бағри қон отангни ташлаб кетибсан,
Ёруғликни излаб юрган, Альберто!

Менга мадад эдинг курашда, ўғлим,
Кўпга ибрат эдинг яшашда, ўғлим.
Бағрингни тимдалаб талашди, ўғлим,
Ғанимлар кўнглини ёрган, Альберто!

Бошингда ёш тўкиб туролмадим мен!
Қаршингда бош эгиб туролмадим мен!
Тобутинг узатиб боролмадим мен!
Манзилин ёритиб борган, Альберто!

Сени хазон этди кўнгли қоралар,
Бағри қораларни қуёш поралар.
Тонг отар, битади дарду яралар,
Бошини тошларга урган, Альберто!

Юрагим эзмоқда бу оғир мотам,
Чили йиғламоқда бошингда, болам,
Ёлғиз Чили эмас, бошингда олам,
Оламнинг қайғусин кўрган, Альберто!

Тошкент

Ғарбдаги антисовет тарғиботининг малайлари — «Америка овози», «Озодлик» радиостанциялари бизнинг гуллаб-яшнаётган ўзбек совет адабиётимизга, адабиётимиз байроқдори Ҳамзага бўҳтон тошлари отмоқда.

— ИТ ҲУРАДИ, КАРВОН ЎТАВЕРАДИ.

Н. ИБРОҲИМОВ чизган расм

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,
филология фанлари доктори

МУНАҚҚИДНИНГ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ

Эрта баҳор палласи... Ҳаво салпал юмшай бошлаган, майсалар бўй чўзиб, нафасини ростлаётган, дов-дарахтлар жонланиб, уйғонаётган кунлар эди.

Биз, бир гуруҳ шогирдлари, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони олиши муносабати билан муборакбод қилиш учун Маҳмудали Юнусовнинг уйига бордик. Домла уйида экан. У киши бўйнига шарф боғлаб, елкасига тўнини ташлаб, иссиққина кийиниб олган, тетик, ҳаракатчан, қарашлари ўткир эди.

Маҳмудали ака шогирдларини кўриб, яна ҳам очилиб кетди. Бир нималарни айтмоқчи бўлди, фармон босилган газетани қўлига олди. Яна стол устига қўйди. Устознинг кайфиятини сезган шогирдлари — бири олиб, бири қўйиб, ҳавонинг юришиб кетгани, ёш шоирлар ижоди, янги романлар хусусида сўз очдилар.

Суҳбат анча чўзилди. Сўнг орага жимлик чўкди. Бу жимликни на домла ва на биз — ҳеч қайсимиз бузгимиз келмас эдик. Бир оздан кейин Маҳмудали Юнусов оҳиста сўз бошлади:

— Инсоннинг табиати қизиқ. Киши гоҳо қувончли дақиқаларида, гоҳо ғамгин, хафа кезларида болалиги, тепишиб ўсган дўстлари, ота-онасини эслар экан. Мен ҳам ана шу қувончли дамларда отам Юнус Ҳакимжонов, онам Ҳамида Каримоваларнинг порлоқ хотираларини яна бир ёдга олгим келади.

Отам мадраса таълимини олиб, араб ва форс тилларини мукаммал эгаллаган, шеърий табъи бор, ҳуснихат билан ҳам шуғулланган истеъдодли киши бўлган. У диний ва дунёвий илмларни яхши билар эди. Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки йилларда мактабларда ўқитувчилик қилади ва Туркистон Давлат нашриётида хаттот ҳам бўлиб ишлайди.

Онам Ҳамида Каримова анчагина зеҳнли, саводли хотинлардан бўлиб, икки ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказган эди. Мени илк бор китоб билан ошна қилган ва араб имлосида ёзилган китобларни ўқишга ўргатган ҳам ана шу мушфиқ онам эди. Онам билан бирга «Маликаи Дилором», «Роҳати дил», «Боборавшан» сингари китобларни ўқиганим ва «Қашамшам» номли узун бир шеърни ёд олганим ҳали-ҳамон хотиримда. Бундоқ ўйлаб қарасам, болалигимда ўқиган китобларимнинг асосий қисми диний руҳдаги китоблар экан. Шулар орасида Насриддин афанди латифаларидан иборат кичик бир тўпламгина мени ниҳоятда завқлантирганини сира ҳам унута олмайман.

Инсон ҳаёт йўлида не-не воқеаларни бошидан кечирмайди, дейсиз. Рабфакда ўқиб юрган йилларимда аниқ фанларга ихлосим ҳам, уқувим ҳам йўқлиги маълум бўлиб қолди. Ҳаётимда рўй берган яна бир қизиқ воқеани тилга олмасдан ўтиб бўлмайди.

Кунларнинг бирида, Мирзо Фатали Охундовнинг Пушкин ўлимидан ларзага тушиб, «Шарқ поэмаси» номли асар яратгани ва унда шоирни рус шеъриятининг қуёши деб таърифлаганини қайси бир журналдан ўқиб қолдим. Шундан сўнг Пушкинга атаб «Поэзия қуёшига» деган бир шеър ҳам ёздим. Анча вақтгача бу шеърни ёру дўстлар ва ўқитувчиларимга ҳам кўрсатишга уялиб юрдим. Юбилей кунлари арафасида ўқитувчилардан бирига кўрсатган эдим, у шеърни маъқуллаб, тантанали кечада ўқиб беришимни илтимос қилди. Ниҳоят, юбилей кечаси ҳам етиб келди, Шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида қилинган докладдан кейин мени саҳнага чиқаришди. Шеъримни ўқиб берганимдан сўнг гулдурос қарсаклар чалиниб, йиғилганлар яна такроран ўқиб беришимни илтимос қилдилар. Иккинчи марта ўқидим. «Поэзия қуёшига» мени бахтиёр қилди, севинчимдан дунёга сиғмас эдим. Шеър ўша йили шоир Уйғуннинг кўмаги билан «Совет адабиёти» журналида босилиб чиқди.

Шу-шу бўлдию, мен шеъриятга аралаша бошладим. Турли хил газеталарда, айрим журналларда шеърларим тез-тез чиқиб турадиган бўлди. Яхшиям шеър ёзишни ўз пайтида тўхтатган эканман...

Домла дилида: «Ўртамиёна шеърлар ёзиб, одамларнинг бошини қотиргандан кўра, илм йўлида заҳмат чекканим тузук бўлди» демоқчи бўлдию, лекин айтмади.

Маҳмудали аканинг дилидан ўтган, аммо тилига кўчмай қолган фикрларнинг барчасини қаламга олиш осон иш эмас.

Маҳмудали Юнусов ўртамиёна шеърлар ёзишни йиғиштириб қўйиб, тинч ўтиргани йўқ. У ўзини илмга урди, таниқли мунаққид ва адабиётшунос олим бўлиб етишди.

У 1937 йили рабфакни муваффақият билан тамом қилиб, Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. Ўша йиллари институтда адабий муҳит қизғин эди. Таниқли олимлар ва педагоглар ҳисобланган Олим Шарафиддинов, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Теша Салимов, Шарифа Абдуллаева, Юсуф Султонов, Ҳамид Иноятов ва Ҳасан Расуловлар ўқиган лекциялар талабаларда зўр таассурот уйғотар эди.

Маҳмудали Юнусов 1941 йили институтни имтиёзли диплом билан битирди. 1941—1942 йиллар давомида мактабларда тил ва адабиёт фанларидан дарс берди. Сўнгра САГУнинг филология факультети ҳузурида очилган аспирантурага ўқишга кирди.

«Менинг аспирантурада таҳсил кўрган йилларим,— дея хотирлайди мунаққид,— уруш туфайли бир гуруҳ йирик олимларнинг Тошкентга вақтинча кўчиб келган даврларига тўғри келди. Бутун Иттифоққа ва дунёга машҳур олимлар Е. В. Бертельс, А. Ю. Якубовский, А. К. Пиксанов ва В. М. Жирмунскийлар Ўрта Осиё тарихи, тарихий поэтика, рус адабиёти бўйича махсус курслардан лекциялар ўқидилар. Бу олимлар билан шахсан танишиш, улардан таълим олиш, илмий сессияларда уларнинг докладларини тинглаш бизларнинг тасаввурларимизни ниҳоятда кенгайтириб юборди. Ҳақиқий олим ва унинг илм хазинаси қандай бўлиши кераклигини шунда билдик».

Қизғин адабий жараён, таниқли олимлар билан мулоқотда бўлиш ёш мунаққид Маҳмудали Юнусовнинг ижодий изланишлари ва фаоллигига яна ҳам туртки берди. У адабий жараёнга қизғин аралашди, шу билан бирга қадимги давр ва айниқса, XIX аср Хоразм адабиёти бўйича лекция ўқий бошлади. Кандидатлик диссертацияси мавзуи қилиб, Комил Хоразмийнинг ҳаёти ва адабий фаолиятини танлаганлиги туфайли Хоразмга йўлланма олиб, илмий ишини давом қилдирмоқчи бўлди. Иш орасида сиртдан ўқувчи студентларга адабиётдан лекциялар ўқиш нияти билан Урганч педагогика институтига ишга борди. Институтнинг кўпгина ўқитувчилари фронтда бўлгани туфайли ўша йиллари ўқитувчилар етишмас эди. Хоразм область партия комитети Тошкентга, Халқ Маориф Комиссарлигига мурожаат қилиб, Маҳмудали Юнусовнинг бир йил институтда ишлашига рухсат беришларини сўрайди. Шу қисқа муддат ичида Маҳмудали Юнусов бир неча топқир Хива ва Кўҳна Урганчга бориб, XIII—XIV асрларнинг тарихий обидалари билан танишди ва ёзаётган илмий иши учун материаллар тўплади.

1945 йилнинг ёзида яна Тошкентга қайтиб келди ва аспирантурадаги машғулотларини давом қилдирди, Комил Хоразмий ижоди бўйича олиб бораётган илмий ишини ниҳоясига етказди. Иш тугаши арафасида аспирантлик муддати ҳам тамом бўлиб, ёш олимни Бухорога ишга жўнатдилар.

Маҳмудали Юнусов 1947—1950 йиллар мобайнида Бухоро Давлат педагогика институтида аввал катта ўқитувчи, сўнг доцентлик вазифаларида ишлади. «Бухоро ҳақиқати» ва «Красная Бухара» газеталарида адабий-танқидий ҳамда ўқув-методика мавзуларида мақолалар эълон қилиб турди.

Мунаққид 1950 йилнинг ёзида яна Тошкентга кўчиб келди. Бир йилдан ортиқ Тошкентда ишлагач, 1951 йилнинг охирида Ўзбек Давлат Университети (СамДУ)га ишга таклиф қилинди ва саккиз йил давомида ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, адабиёт методикаси, фольклор курсларидан лекциялар ўқиди.

Шу кеча-кундузда Маҳмудали Юнусов А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим сифатида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ҳали биз сўзимизнинг бошида Маҳмудали Юнусов ўртамиёна шоир бўлмадию, аммо танқидчи ва адабиётшунос бўлиб етишди, деган эдик. Дарҳақиқат, мунаққиднинг илмий фаолияти энг оғир пайтларга — 30-йилларнинг охирларига тўғри келди. Бу даврда, бир томондан, адабиётшунослик ва танқидчиликда ижодий изланишлар кучайган бўлса, иккинчи томондан, ҳали вульгар социологик ва формалистик қарашлар, таъсири кучли эди. Яна бунинг устига, ўша йиллар ижод қилишни бошлаган авлод зиммасига юкланган қўшимча вазифаларни ҳам тилга олсак, манзара яна ҳам равшан бўлади. Гап танқидчилик ва адабиётшунослик ихтисосини мукаммал эгаллаш хусусида бормоқда. 30-йилларда танқидчи бўлиш — ҳам классик адабиётни, ҳам адабий жараённи мукаммал билиб фикр юритиш дегани эди.

В. Г. Белинский танқидчининг маънавий олами хусусида фикр юрита туриб, шундай деган эди: «Танқидчининг ихтисосини осон деб ҳисоблайдиган, танқид озми-кўпми, ҳамманинг қўлидан келади, деб ўйлайдиганлар хато қиладилар; танқидчилик истеъдоди кам учрайди. Танқидчининг йўли эса, қалтис ва хавфли. Дарҳақиқат, бир томондан чуқур ҳис-туйғулар, санъатга алангали муҳаббат, бадиий асарни жиддий ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш ақл-идрокнинг холислиги каби қатор шартларнинг бир истеъдодда мавжудлиги ва холисона муҳокама юритиш зарурати бўлса, иккинчи томондан, зиммага олинган вазифа нақадар юксаклигидир».

Маҳмудали Юнусов ҳам танқидчилик ва адабиётшунослик зиммасига юклаган вазифани чуқур ҳис қила билди. У ўзининг «Адабий танқиднинг тили ҳақида ўйлар» мақоласида шундай деб ёзади:

«Адабиётшунос Игорь Золотусский сўнгги йилларда танқидчиликнинг уч тури кенгроқ тарқалганини айтди: энг аввало публицистик танқид ёки ҳозирги тушунча билан айтганда, социологик танқид бор. Унинг объекти адабиётнинг ижтимоий масалаларидир. Танқидчи-публицист энг аввал асардаги маънога, мазмунга аҳамият беради.... Бошқа биров эстетик танқид ёзади ва ўзи учун зарур ҳамма нарсани бадиий матндан топади. Ниҳоят, бу соҳа намояндаларининг учинчи тоифаси танқидчидан кўра файласуфга яқиндир, чунки у бутун-бутун бадиий системаларга суянган ҳолда иш кўради.

Ўзбек адабий танқидчилигида ҳам шу уч турнинг, яъни публицистик, эстетик ва фалсафий танқиднинг амалда мавжудлиги ягона метод — социалистик реализм бағрида турли хил услублар бир-биридан куч олиб ривожланаётганини тасдиқлайди. Танқидий тафаккурнинг тобора ривожланиши билан турли хил услублар ҳам кўпайиши, янги йўналишлар майдонга келиши мумкин. Зотан, улар орасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Танқидчи шахсий иқтидорига кўра истаган йўналиш ва истаган услубда ижод қилишга ҳақлидир. Аммо у қайси йўналишни танламасин, бари бир, муҳим бир вазифани ўйлайди — китобхонни мустақил фикрлашга ўргатади — ақлий муҳокамасини фаоллаштиради. Китобхонлар оммасининг санъатдаги вакили сифатида кўпчилик учун китоб танлашга ҳам раҳбарлик қилади. Юксак эстетик дидни парвариш этиш баробарида нутқ маданияти учун ҳам курашади».

Бу фикрлар Маҳмудали Юнусовнинг танқидчи ва адабиётшунос сифатидаги ўзига хос маънавий олами, диди ва адабий қарашларини равшан кўрсатади. Дарҳақиқат, Маҳмудали Юнусовнинг мавзу доираси ва тадқиқот усуллари кенг ҳамда ранг-барангдир. Алишер Навоий, Комил Хоразмий, Фурқат, Ҳамза, Уйғун, Амин Умарий, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Барот Бойқобилов, Ўктам Усмонов, Тошпўлат Ҳамид ижодига доир мақолалар, Н. А. Некрасов, А. С. Пушкин, Леся Украинкалар ижодини таҳлил қилувчи тадқиқотлари, юзга яқин тақризлари ёнига махсус проблематик ишларини ҳам қўшиб саналса, олим ижодининг ижтимоий-эстетик қиммати янада очиқ-ойдин бўлади.

Маҳмудали Юнусов узоқ йиллар давомида ўзбек совет адабиётида деярли қаламга олинмаган традиция ва новаторлик проблемаси бўйича иш олиб борди. Шу мавзу юзасидан «Йигирманчи йиллар ўзбек совет поэзиясида традиция ва новаторлик масаласига доир», «Новаторлик — бадиий тараққиётнинг муҳим шарти», «Традиция ва новаторлик, маҳорат ва замонавийлик» каби бақувват мақолалари ва «Ўзбек совет адабиётининг дастлабки даврида (1917—1929) традиция ва новаторлик проблемаси» рисоласи эълон қилинди. Узоқ йиллик илмий изланишлар самараси сифатида 1967 йили «20-йиллар ўзбек совет шеъриятида традиция ва новаторлик» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

«Маҳмудали Юнусов ишининг

Лев ТОЛСТОЙ

Фақирлар

ҲИКОЯ

Балиқчи кулбасидаги чироқ ёнида балиқчининг хотини Жанна эски елканни ямаб ўтирибди. Ташқарида шамол чиплайди, увиллайди, тўлқинлар чайпиб соҳилга келиб урилади, гулрайди... Ташқари қоронғи ва соқ, денгизда бўрон ўкиради, аммо балиқчи кулбаси иссиқ ва осойишта. Олба яхшилаб супурилган; печда ов ҳали ўчмаган; токчада идиш-воқлар ялтирайди. Оқ парда ортиги кроватда беш бола денгиз йқиғи остида ухлаб ётишади. Балиқчининг ўзи эса эрталаб қайиқ ўтириб денгизга чиқиб кетганича йтиб келгани йўқ. Тўлқинларнинг увиллашию шамолнинг ўкириши бақчи хотинининг қулоғидан нари тмайди. Жаннанинг бутун вужуди ваҳима қамраб олган.

Эски ёғоч соат хирқироқ товуш қариб ўнга, ўн бирга занг уради... Эридан ҳамон дарак йўқ. Жанна ўйланиб қолади. Эри жони борича ишлайди, совуқ демай, бўрон демай балиқ овлайди. Жанна бўлса, эрталабдан кечгача ишдан бош кўтармайди. Лекин на фойда? Тирикчилик аранг ўтади. Болаларнинг ҳаммаси юпун: ёзин-қишин бирдай ялангоёқ юришади; бугдой нонини кўриш қаёқда, жавдар нонининг етиб тургани ҳам катта гап. Ҳамма овқатлари — балиқ. «Худога шукур, болаларим соғ-саломат,— деб ўйлайди Жанна ва яна бўронга қулоқ солади.— Хозир қаерларда экан-а, у? Худоё-худовандо, ўз паноҳингда асра!», дейди у ва чўкиниб олади.

Етай деса ҳали вақт эрта. Жанна ўрнидан туради, бошига қалин рўмолини ташлаб, фонарни ёқади-да: «Денгиз тинчимадимикан, маёқнинг чироғи ўчиб қолмадимикан, эримнинг қайиғи кўринмаётганмикан?», деб кўчага чиқади. Лекин денгизда ҳеч нима кўринмайди. Шамол бошидаги рўмолини юлқилайди, узилиб, осилиб қолган аллақандай нарса билан қўшни кулбанинг эшигини тарақлатади ва Жанна кечқурун бемор қўшнисини кўриб чиқмоқчи бўлганини эслайди. «Шўрликнинг қарайдигани йўқ», деб ўйлайди Жанна ва эшикни тақиллатади; қулоқ солади, жавоб бўлмайди.

«Бевалик қурсин,— деб ўйлайди Жанна остона ёнида туриб.— Боласи кўп эмас, иккитагина, лекин уларга ёлғиз ўзи балогардон. Устига-устак: хасталик! Эҳ, бевалик қурсин, бевалик. Кириб кўриб чиқай-чи».

Жанна эшикни қайта-қайта тақиллатади. Лекин жавоб бўлмайди.

— Ҳой, қўшни!— деб қичқиради Жанна. «Бир нима бўлган бўлмасин тағин», деб ўйлайди ва эшикни итаради. Эшик ланг очилиб кетади ва Жанна ичкари киради.

Кулба зах ва совуқ эди. Жанна беморнинг қаерда ётганини кўриш учун фонарни кўтарди. Кўзига энг аввал ташланган нарса, эшик рўпарасидаги тўшак ва тўшакда ётган бемор бўлди. Қўшниси чалқанча тушиб, мурда сингари қимир этмай ётарди. Жанна фонарини яқинроқ тутди. Ҳа, бу ўша эди. Бошн орқага ташланган, совуқ, кўкариб кетган юзида ўлим сокинлиги. Сарғиш жонсиз қўл алланарсага узатилиб, тушиб кетгандек — похолда осилиб ётарди. Шу ернинг ўзида онасининг мурдаси ёнгинасида жингалак соч, дўмбоқ икки гўдак эски кўйлакка ўралишиб, ғужанак бўлишиб, малла бошларини бир-бирининг пинжига суқишиб ухлаб ётишарди. Онаси жон бераётиб, уларнинг оёғини эски рўмол билан ўраб, устларига кўйлагини тортиб қўйишга улгургани кўриниб турарди. Гўдаклар бир меъёрда равон нафас олар эдилар. Улар ширин ва қаттиқ уйқуда эдилар.

Жанна болалар ётган беланчакни олди, устларига рўмолини ёпиб, уйига олиб кетди. Унинг юраги дук-дук урарди; нега ва қандай қилиб бундай қилганини унинг ўзи ҳам билмасди. Лекин шундай қилмасдан туролмаслигини яхши биларди.

Уйга келгач, Жанна ухлаб ётган гўдакларни ўз болалари ёнига ётқизди-да, пардани тортди. Унинг ранги қув ўчган, ўзи ҳаяжонланган эди. Уни виждон азоби қийнаётгани кўриниб турарди. «Эрим нима дер экан?..— дерди у ўзига ўзи...— Унгаям осон эмас, ўзимизнинг беш боламизнинг ташвиши ошиб-тошиб ётибди... Ана, келиб қолди?!.. Йўқ, йўқ, у эмас. Олиб келиб нима қилардим-а!.. Роса савалайди мени! Шундай қилғилиқни қилганимдан кейин ураверсин. Ана у! Йўқ... Шунисигаям шукур!»

Эшик биров киргандек ғичирлади. Жанна сескиниб кетди ва ўрнидан қўзғалди.

«Йўқ. Яна ҳеч ким йўқ! Э худоймм-а, нима қилардим олиб келиб?.. Энди унинг кўзига қандай қарайман?»

Жанна ўйланиб қолади ва анчагача кровать ёнида жим ўтиради.

Ёмғир тинади; тонг ёришади, аммо шамол ҳамон увиллайди, денгиз аввалгидай қутуради.

Тўсатдан эшик ланг очилади, кулбага денгиз ҳавоси ёпирилиб киради, баланд бўйли, қорачадан келган балиқчи, дабдаласи чиққан, ҳўл тўрни судраб хонага қадам қўяркан:

— Мана, Жанна, мен келдим!— дейди.

— Вой ўлмасам, келдингизми!— дейди Жанна ва эрининг кўзига қарашга ботинолмай, жим бўлиб қолади.

— Бир расво тун бўлди-да. Даҳшат!

— Рост, ҳаво жуда ёмон бўлди! Дарвоқе, ов қалай?

— Расво, асти қўявер! Ҳеч нима тутолмадим. Тўрни йиртганим қолди. Пачава, жуда пачава!.. Сенга нимасини айтай, жудаям расво дейдиган ҳаво бўлди-да! Умрим бино бўлиб, бунақа тунни энди кўришим. Овниям қўявер! Узим эсон-омон келганимга шукур қил... Хўш, ўзинг қалай, менсиз нималар қилдинг?

Балиқчи тўрни хонага тортиб кирди-да, печь ёнига ўтирди.

— Менми?..— деди Жанна ранги қув ўчиб.— Нимаям қилардим... Ямоқ-ясқоқ дегандек... Шамол шундай гувиллардики, юрагим орқамга тортиб кетди. Сиздан хавотир олдим.

— Ҳа, ҳа,— деб ғулдиради эр,— ўлгудай ярамас ҳаво. Нима ҳам қилардик!

Иккови жим бўлиб қолишди.

— Хабарингиз йўқ,— деди Жанна,— қўшнимиз Симон оламдан ўтибди.

— Йўғ-е?

— Қачон ўлганиниям билмайман; кеча ўлган бўлса керак. Ўлим олдидан ҳам тоза эзилгандир шўрлик. Болаларига юраги ачишиб, ўзини қўярга жой тополмагандир! Иккала боласиям ҳали гўдак... Биринниг ҳали тили чиқмаган, иккинчиси энди эмаклай деяпти.

Жанна жим бўлиб қолди. Балиқчининг қовоғи солинди; чеҳраси жиддий, ташвишли тус олди.

— Эҳ, дунё!— деб ғулдиради у гарданини қашиб.— Нима ҳам қилардик энди. Бориб олиб келишга тўғри келади, бордию, уйғониб қолишса, мурда ёнида ҳоллари нима кечади? Ҳай, бир кунимизни кўриб кетармиз! Бор дарров.

Лекин Жанна жойидан қимирламади.

— Ҳа, нега қимирламайсан? Хоҳламайсанми? Сенга нима бўлди, Жанна!

— Мана улар,— деди Жанна ва пардани очди.

Холида АҲРОРОВА таржимаси

Н. ИБРОҲИМОВ чизган расм

...апазони ҳар қанча кенг бўлмаган,— деб ёзади танқидчи О. Шараддинов,— 20-йиллар ҳақида тасаввуримизни бойитадиган янги фактларга қанча бой бўлмасин, унинг энг ғхим фазилати бунда эмас. Бу илий ишнинг чинакам қиммати, тадқотчининг чинакам фаолияти фактни чуқур таҳлил қила билишида, ар орасидаги алоқаларни очиб, муян тенденцияларни, адабий жаранинг муайян қонуниятларини аниқ билишида кўринади. М. Юнусовнинг ишн ана шундай, яъни у нарий жиҳатдан бақувват асар. Муиф традиция ва новаторлик проблемасини умумий тарзда баён қилиш билан чекланмай, унинг турли мураккаб масалаларини 20-йиллардаги адабий жараённинг ички қонуниятлари таҳлили орқали келтириб чиқаради. Бу таҳлилда М. Юнусов марксистик методологияга, марксистик эстетиканинг асосий қоидаларига суянади. Авторнинг традиция ва новаторликка берган таърифлари анча чуқур. У 20-йиллар поэзиясида рўй берган идеологик куршни тўғри ёритади, бу давр адабиётининг етакчи хусусиятларини тўғри белгилайди, реалистик методни ўзлаштириш йўлидаги қийинчиликларни хаспўшламайди, балки уларни туғдирган сабабларни атрофлича таҳлил қилади».

Бу фикрларга тўла қўшилган ҳолда, яна шу мулоҳазани ҳам айтиш мумкинки, Маҳмудали Юнусовнинг бутун ижодида адабий жараённинг мураккаб масалалари ва қирраларини хаспўшламаслик, аксинча, ҳалоллик билан кўрсатишга интилишни сезиш мумкин.

Мунаққиднинг мақолалари, тақризлари, китобларида уч фазилат ҳамиша яққол кўриниб туради: булар — ҳозиржавоблик, илмийлик, бағри кенглик ва саммимийлик.

Биз демоқчимизки, ажойиб инсон, бағри кенг олим Маҳмудали Юнусов ўзининг мақолалари, адабий чиқишлари, суҳбатлари ва китобларида ҳамиша ҳалол бўлишга, бор гапни рўйи-рост айтишга интилади. Тўғри, домла ўта бағри кенглиги туфайли шогирдларининг ўртамиёна машқларига гоҳо ошириб ҳам баҳо бериб юборади. Яна такрорлаб айтамиз: бағри кенг, ҳалол, саммий инсон ва закий мунаққиднинг фидойилиги ва рост сўзлари — ҳамиша китобхонлари ва дўстлари қалбидан ўзига муносиб ўрин топади. Мунаққид олимнинг бахти ҳам ана шунда.

ДАВР ОБРАЗИ ВА ШОИР ШАХСИЯТИ

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори

СОВЕТ лирикасининг ҳозирги аҳволи сўнгги вақтларда «Правда», «Литературная газета»да, шунингдек, «Вопросы литературы» журналида ва бошқа газета-журналларда жиддий муҳокама қилинди. КПСС XXVI съездига тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда бошланган бу муҳокама СССР ёзувчиларининг VII съездида давом этди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездидаги Ҳисобот докладида адабиёт ва санъатни халқ ҳаёти билан, воқелик билан, ҳозирги замоннинг актуал проблемалари билан жипс боғланиши масаласига алоҳида диққатни тортди. Айни чоқда актуал мавзуни ниқоб қилиб олган бадиий бўш асарларга нисбатан кескин кураш олиб боришга ва ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак санъат намуналарини яратишга даъват этди.

«Одамларнинг ишлаб чиқаришда ва турмушдаги муносабатлари шахснинг мураккаб ички дунёси, унинг нотинч планетамиздаги ўрни — буларнинг ҳаммаси бадиий изланишлар учун имконияти беҳисоб соҳадир,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев.— Бу ерда, албатта, шу нарса муҳимки, хом-хатала, бадиий жиҳатдан бўш асарлар актуал мазмунни ўзига қалқон, деб билмаслиги керак. Асар қаҳрамонлари майда-чуйда ишлар атрофида ўралашиб қолмасдан, ўз мамлакатининг ташвиши билан яшамоғи — шижоатли меҳнат билан, адолат ва яхшилик тантанаси учун астойдил курашиш руҳи билан йўғрилган ҳаёт кечирмоқлари лозим».

Бу, совет адабиётининг кейинги тараққиёти учун дастуриламал бўлувчи сўзлар, жумладан, ўзбек прозаси, шеърияти, драматургияси учун ҳам бевосита алоқадор. СССР ёзувчиларининг VII съездида адабиётимиз худди шу нуқтаи назардан чуқур таҳлил этилди. Георгий Марков, Александр Чаковский Сарвар Азимов, Мирза Иброҳимов, Максим Танк, Чингиз Айтматов ва бошқа атоқли адиблар сўзларида гражданлик, фаол кураш ғояси олға сурилди. Г. Марков СССР ёзувчиларининг VII съездидаги докладида ижтимоий фаол, жамият учун зарур гражданлик лирикаси бизда мавжуд, бироқ «айрим шоирларнинг баъзи муваффақиятларидан актив гражданлик пафоси билан суғорилган, ҳозирги ҳаётнинг барча воқеа ва ҳодисаларига акс-садо берувчи, асримиз ҳақиқатини одамларга эҳтирос ва ишонч билан етказувчи лирик поэзиянинг умумий кўтарилишига ўтишимиз керак», дейди. Таниқли шоир Қ. Қулиевнинг «Литературная газета»да босилган «Масъулият» деган мақоласи ҳам Г. Марков фикрлари билан ҳамоҳангдир. Бу мақолада: «Совет лирикаси ҳозир эпосдан, поэмадан орқада қолди, деювчилар билан келиша олмайман... Лирика орқада қолиши мумкин эмас, чунки у замондошимиз қалбига жўровоздир», деган тўғри фикр илгари сурилади.

Бизнингча, совет поэзиясида талантларнинг кўплиги ва улар йирик эпик асарлардан қолишмайдиган асарлар яратаётганликлари шубҳасиздир. Г. Марков совет шоирларининг ижодий меҳнатига юксак баҳо бергани ҳолда, лирикамизнинг умумий кўтарилиши устида сўзлагани ҳам айни муддаодир. Бу икки нуқтан назарни тасдиқловчи мисолларни ўзбек шеъриятидан истаганча топиш мумкин.

Мана, китоб жавонимда сўнгги йилларда нашр этилган шеърий китоблар турибди. Айтиш мумкинки, сўнгги икки йилда Уйғун, Зулфия, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Шукрулло, Шуҳрат, Туроб Тўла, Жуманиёз Жабборов каби атоқли шоирларнинг кўп томликлари ёки «Танланган асарлар»идан ташқари икки юздан кўпроқ шеърий тўплам босилиб чиқди. Журнал ва газеталарда қанчадан-қанча шеърлар эълон қилинмоқда. Лекин Бутуниттифоқ китобхонларига етиб бораётган шеърий китобларимиз қўл билан санарли даражада-ку, эътиборга тушаётган шоирларимиз ундан ҳам кам-ку! Демак, шеъриятимизнинг умумий даражасини кўтариш тўғрисида қайғуришимиз керак бўлади.

Абдулла Шернинг «Урушнинг сурати», «Бухоро манзумаси», Усмон Азимнинг «Буюмлар ҳақида баллада», Азим Суюннинг «Замин тақдири», «Инсон», Муҳаммад Раҳмоннинг «Оқ каптарга айланган бола», Ҳалима Қорабоеванинг «Коммунистнинг юраги», Хуршид Давроннинг «Чол ва кампир» шеърларида ҳаётни, воқеликни жиддий, теран таҳлил этишга муваффақиятли уриниш бор. Тўғри, биз Эркин Воҳидов шеъриятида жанговарлик пафоси кучайганлигидан, Ҳусниддин Шарипов, Абдулла Ориповнинг ўткир публицистик шеърлар ёзиб бораётганлигидан қувонамиз. Маъруф Жалилнинг «Қўшиқ иштиёқи» тўпламини ижтимоий мазмун, гражданлик туйғуси равшанлиги билан қимматли. Бу шоирнинг ўз лирик қаҳрамони, ёркин «Мен»и бор. Самарали изланиш бошқа шоирларимиз ижодида ҳам кўринади.

Бироқ сўнгги йилларда нашр этилган шеърий китобларга назар ташланса, улар орасида шундайлари борки, буларнинг анча-мунчасида ҳаётнинг икир-чикирлари, ўткинчи туйғулар тасвири билан банд бўлинган. Бошқача айтганда, олинган мавзуга катта ижтимоий мазмун юкланмаган, давр билан, халқ тақдири билан боғланмаган. Сустлик, лоқайдлик, шиорнусхалик ва бачканаликка берилиш сезилади. Буларда дунёга, воқеликка, одамларга мустақил қараш ва ўз фикри, туйғусини айтиш етишмайди, кимнингдир топилдиғини қайтариш, кимгадир ўхшаб кўлашга уриниш сезилади. Тўлан Низомнинг «Ифтихор» деган тўпламининг ижтимоий салмоғи жуда заиф. Иккита мисол келтирайлик. «Бўздан салом...» шеъри қуруқ риторикадан иборат:

Салом сенга, тупроққа илк
ташланган уруғ
Униб чиққил, яшнаб чиққил, эркин-эркин ўс!
Бошоқлардан бошинг узра кўтаргилу туғ,
Хирмон-хирмон саховатин кўрсатсин бу Бўз...

«Тувак гул» деган шеърида тувакка гул экканини ёзиб, «ташвишим, рағбатим ул бўлди буткул; гул экмоқ, ҳидламоқ мушкул экан, бил», дейди. Сўнгра бу гулнинг қуёшсиз уйда қийналганини («бахтсиз ниҳол чекди қанча машаққат») айтиб туриб, шундай хулоса чиқаради:

Қадимги қизлардек ҳарам тутқуни,
Ҳижронда қолмасин умрин мазмуни.
Эркин, озод гулнинг бўлинг мафтуни.
Юраксиз ҳис этинг, билингиз шуни:
Баҳорда боғларда ўстиринг уни!
Дўстлар, гул жонига қилингиз
шафқат!

Мана, шоирнинг «катта фалсафа»си! Шу маълум гап учун қанча сўзларни исроф қилиш керакмиди?! Турсуной Содиқованинг «Гул фасли» китобида «Аёл монологи», «Қоғозбозликни йўқ кўргани кўзим» каби маъкул шеърлар иккита-учтадан ошмайди. Душан Файзийнинг «Ёз жилоси» тўпламидаги:

Сув тугаган ерда —
ҳаёт ўзи тугармиш.
Сув етган ер — гулдай яшнаб,
зарга тўлармиш.
Сув бўлмаса,
қовжирайди зумрад ўтлоқлар.
Сув бўлмаса
қуршаб қолар гулларнинг лаби.
Сув бўлмаса
саргаяди яшил қиргоқлар...—

каби мисраларда қандай янгилик бор, қандай туйғу бор?

Маълум гапни такрорлаш, ҳиссиз-ҳаяжонсиз шеърлар Олимжон Ҳолдор тўпламларида ҳам учраб туради. Мана бундай баландпарвоз, декларатив гапларни кўп эшитамиз:

Букун олам ташвиши, шодлиги ҳам
елкамда.
Сайёралар сири фош, осмонимиз
бегубор.
Қўшиғимни мен билан куйлайдилар
ўлкамда.
Қишлоқи қўшиқчиман, ғазалхонман
бахтиёр.

Бунинг устига, айни бандларда фикрий изчиллик йўқ. Шоир китобхонда бирор кайфият ярата олмайди ёки ўз туйғусини унга юқтира олмайди. Тилак Жўраннинг баъзи шеърларида тиниқлик, равшанлик етишмайди. У «Умар Хайём» деган тўртлигида шундай ёзади:

Умридан тўрт қибла яратди
Тўрт устун кўтарди рўйи жаҳона.
Кимни кулдирдию кимни йиғлатди.
Тўрт уфқли кичик майхона.

Китобхон учинчи мисрадаги маъноии тушунади, «тўрт устун», «тўрт қибла», «тўрт уфқли кичик майхона» остида ётган фикрни топа олмайди.

Қамбар Ўтаев шеърларида муқояса учун келтирилган предметларини муҳим, ўткир ғояни ифодалашга хизмат эттира олмаслик, оқибатда шеърни жўнлаштириш, бачканалаштириш ҳоллари учрайди. У бир шеърида қабристон ёнидан ўтган пайтидаги кайфиятини тасвирлаб туриб, шундай дейди:

Ҳаммаси кундан-кун силқиб чирий
Майлига номард чирисин бегард,
Яхшилар кўкариб чиқса қанийд

Муаллифда шундай орзу бор э
яхшиларнинг ўлмаслигини тил
бир оз шоирона гап айтган бў
миди!

Ноизчиллик, ўз-ўзини инкор э
қусури Раззоқ Абдурашиднинг
рим шеърларида ҳам учраб тура
«Хижолат бўламан...» деб бошлан
чи шеърида «Ер юзини Ватан
лоф урган» одамни танқид қил
«Бу — жамики эркакни ота деб
либ, ҳамма аёлларни дегандай он
дейди. Она ягона бўлишлигини ай
ди. Бу — тўғри. Кейин давом эт
«ёруғ жаҳонни танигандан кей
«тасаввури кенгайгандан» кейин «
рогдек бир азиз Ер бўлди «Вата
«Мен Ер шарига эрурман бурқдо
дейди. Бундан лирик қаҳрамон ўс
улғайиб шу қарорга келибди-да, д
ўйласангиз, шеър яна қуйидаги с
лар билан тугайди:

Хижолат бўламан
Мақтанса биров:
«Шу бутун Ер шари,— дея,—
Ватани

Шу шеърдагига ўхшаш камчил
лар шоирнинг «Хазина» сарлавҳа
дурустгина шеърига курмакдай ар
лашиб қолган. Шеърда қишлоқд
шаҳарга келган бир йигитнинг авв
тўғри сўз, одил, тортинчоқ, бегара
фидоий ва ҳоказо фазилатларга эг
лиги, кейин шу «ганжи»дан ажралг
нини ёзади. Шундай одамлар бўл
ши мумкин. Лекин бу ерда биз бо
қа бир деталга эътиборни тортмо
чимиз. Йигитни мақташда давом
этиб, бундай дейди:

Ўроқдек тўғрию,
Қиличдек кескир —
Кўнглида турмасди
Зарра гина, кир...
Дўстлашса, дўст бўла биларди
Фидойи, бегараз.

«Ўроқдек тўғри» деган ибор
одатда бошқа маънода — салбий
маънода ишлатилар эди, халқнинг
кинояли ҳазил йўлларидан у. Б
ерда ўз ўрнига тушмаган. Шу шеър
даги «ўз кўмочига тортиб» ибо
раси ҳам «ўз кўмочига кул тортиб
ёки «кўр тортиб» шаклида ҳақиқатг
тўғри келади. Чунки кўмоч устиг
ҳеч қачон ўт, чўғ тортилмайди,
ҳолда, кўмоч куйиб кетади.

Шеъриятимизда жўн шеърлар
такрорий гаплар ҳам кам эмас. Бун
дай шеърлар ёшлар ижодида ҳам
таниқли шоирларимизда ҳам учра
туради.

Ҳаётнинг мезони,— бугун дақиқа
Қуёшсиз бир лаҳза яшаб бўларми?!
Лаҳзада барҳаёт бутун ҳақиқат
Ер, ҳаво бўлмаса, баҳор бўларми?!

Булар маълум гаплар ва бу ерда
бирор ҳақиқатни ифодалашга хизмат
ҳам этмаяпти. Ёки шу шоирнинг
бошқа бир шеърида ҳикоя қилиниши
шича, бир йигит бир қизни севади.
Йигит унинг дераза сирни чертиб ўтар
ди. Иттифоқо қиз кўп қаватли уйга
кўчиб кетади:

Кетдинг кўп қаватли бинога кўчиб,
Мудом тушиб турар сен томон йўли.
Ошиқ қуш эмаски боролса учиб,
Дераза чертишга етмайди қўли.
Кутма, чиронгингни ўчир, эй, дилдор,
Энди насиб этмас у билан дийдор!

Муҳаббат кучини бундай жўнлаштириб тасвирлашдан мақсад не экан?! Бундан ташқари, Нормурод Нарзуллаевнинг шеърларида баъзан ўз-ўзини такрорлаш ҳам учраб қолади:

Чақмоқ чаққанида йиртилди само,
Булут чокин ситиб из солар бироқ.
Ёки:
Гулдуради момақалдироқ,
Йиртди булут чокини.

(Охири 25-бетда)

ҚАРДОШЛИК МАДҲИ

Анқабой ҚУЛЖОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Кейинги йилларда Россиянинг ноқоратупроқ ерларини ўзлаштираётган, бу борада чексиз фидойилик намуналарини кўрсатаётган Ўзбекистон вакилларининг ҳаёти ва интилишлари ҳақида бир қанча очерк, лавҳа ва ҳикоялар ёзилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг романи «Оқибат»[1] эса ўзбек халқи вакилларининг ана шу ерларни ўзлаштиришдаги қаҳрамонона меҳнатини кенгроқ тасвирлашга бағишланган биринчи йирик полотнодир.

Кези келганда, таъкидлаш зарурки, Иброҳим Раҳим — давр руҳи бўртиб турган, қаҳрамонликлар алоҳида кўзга ташланган, турмуш романтикаси фавқулодда намоён бўладиган ҳолатларни, давримизнинг илғор, новатор кишиларини ўз асарларига тасвир объекти қилиб оладиган ижодкорларимиздан. Адиб янги муҳим воқеаларга жуда кенг йўсинда ва ҳамиша қизғин муносабатда бўлади, унинг бағрига журъат ва жасорат билан кириб боради, севиб тасвирлайди. «Оқибат»да бундай хайрли тенденциялар янада аниқ кўринади.

Романнинг сюжет чизиқлари мураккаб эмас. Унда муаллиф Ивановода Қудратов бошлиқ трест, Новгородда эса Йўлдошев бошлиқ трест ташкилотидаги кишиларнинг ишлари ҳақида уйғун тарзда ҳикоя қилади. Баъзан воқеалар, кишилар қисмати ва интилишлари тасвири биридан иккинчисига эркин ўтиб туради, айрим пайтларда эса улар қиёсий тус олади, чатишиб, узвий боғланиб кетади.

«Оқибат» романига жозиба ва ҳарорат бахш этган жиҳатлардан бири шундаки, муаллиф замондошларимизнинг ноқоратупроқ ўлка ерларини ўзлаштиришдаги яратувчилик меҳнатларини, чинакам фидойиликларини улуғлайди, ички дунёсини, маънавий қиёфасини, бир-бирларига бўлган самимий муносабатларини кучли эҳтирос билан тасвир этади. Роман муаллифининг ўз ватандошлари машаққатли меҳнати ва фавқулодда кенг кўламли яратувчилик фаолиятига чексиз ҳурмати ва зўр муҳаббати Қудратов, Ҳамид Ҳакимов, Сумбула Ҳакимова, Набижон Ҳакимов, Дмитрий Дуданов, Элчи Мардонов, Бойбеков, Гуландом каби образларни ичдан нурлантиришга имкон берган, албатта.

Қудратов чўлқувар сифатида ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган: у — Мирзачўлни кенг миқёсда ўзлаштирганлардан, сўнгра, Жиззах, Таллимаржон саҳроларига сув чиқариш учун кураш жараёнида улғайиб камол топган етук мелиораторлардан бири. У мураккаб ҳаётнинг сон-саноқсиз чигал жумбоқлари, зиддиятлари билан тўқнашган, уларнинг ҳар биридан ўзига яраша сабоқ олган. Олган сабоқлари беҳуда кетмаган, унга ҳаётнинг янада мураккаб қатламларини очишга, янги кашфиётлар яратишга илҳом берган. Партиявийлик ва масъуллик, инсонийлик— унинг қон-қонига сингиб кетган фазилат. У шунинг учун ҳам ҳамиша ҳаёт тўлқинида бўлади ёки бундай тўлқинни вужудга келтириш иштиёқи билан яшайди.

Ёзувчи Қудратовнинг қардошлик, биродарлик маконидаги фаол ҳаракатини анча кенг ва батафсил тасвир этади. У қанчадан-қанча зовурлар қазиб, ер ости захини қочиришга, ниҳоят, бу заминда «Ўзбекистон» ва «Дўстлик» номли намунавий совхозлар қурилишига бош-қош бўлади. Совхозлар майдони ғоят кенг, ҳосилдорлиги эса юқори бўлишини таъминлайди, чорвачилик учун энг қулай шароит яратишга эришади. Ўта мураккаб бир шароитда сув омбори, ясли-боғча комплекси, «Универмаг», «Маданият саройи», «Лесная» паррандачилик фабрикаси, миллий меъморчилик санъати асосида «Ўзбекистон чойхонаси» қурилади, почта — телефон — телеграф ишлари йўлга қўйилади. Булар осонлик билан вужудга келмаган, албатта. Маҳаллий шароитнинг ўзига хос томонларини жиддий эътиборга олмасликлар, чигал жумбоқларни баъзан тўғри еча олмасликлар туфайли Қудратов зиммасига Ўзбекистондан юборилган мавжуд техникани ботқоқликка бутунлай чўкиб кетишдан қутқариш операциясига раҳбарлик қилиш масъулияти ҳам тушади. Романда бу борада муайян бир манзара бор. Лекин бу иш муайян даражада тез ҳал этилади, бутун мураккаблиги билан тўла кўрсатилмайди. Уни янада ёрқин, санъат сеҳри, қудрат билан теран акс эттириш имконияти мавжуд эди.

«Оқибат» романи муаллифи қаҳрамон характери мантиқига мувофиқ келадиган даражада Қудратовни турли вазиятларда кўрсатади. Бу қаҳрамон ўзи билан бир сафда ишлаётган кишиларнинг маънавий дунёсига, қалб товланишларига теран назар ташлайди. Совхоз директори Алексей Кучин эса қилинаётган ҳамма ишлардан мамнун, жумладан, ишчилар яшайдиган биноларнинг мукаммаллигидан, хоналарнинг шинамлигидан, пардозланишидан жуда хурсанд, бунинг учун Қудратовга бутун қалби билан миннатдорчилик билдиради. «Маданият саройи» хусусида эса унинг талаби бирмунча юқори. Бунинг ноўринлигини билса ҳам, Қудратов янги макондаги биродарлик талабига рози бўлишни лозим кўради.

Адиб Қудратов билан Дилафрўзнинг ўзаро муносабатлари, севги-муҳаббати тасвирига етарли даражада ўрин берган. Қудратов билан Дилафрўз ўз умрлари давомида олти фарзанд кўрганлар. Уларнинг ўзаро муносабатлари, худди ёш чоғларидагидек мафтункорлик ва илиқликка тўла.

Муаллиф Қудратов образини, эҳтимол, фавқулодда қабартириб кўрсатиш, қаҳрамонлар руҳиятини янада кенгроқ очиш учун ёки зиддиятли вазиятни янада таранг ҳолатда тутиб туриш учун, ҳар ҳолда, унинг ни — умр йўлдоши [illegible] вафотини тасвирлайди. Романнинг бу ўринларида, Қудратовнинг зарур маросимга келолмаслиги тасвирида ёки бундай маросимларни ўтказгунича болалари олдида бўлмаслиги тасвирида, назаримизда, муайян даражада сохталиклар мавжуд. Романнинг номи: «Оқибат». Қаҳрамоннинг бу иши эса оқибатга тўғри келармикин? Айтиш қийин. Ёзувчи буни сезган бўлса керак, романда Қудратовнинг Ивановодан болалари олдига — Жиззахга ишга қайтгани хусусида ҳикоя қилади.

Лекин Қудратовни бирон нобоп, ғирром раҳбар ўрнига эмас, балки, айни яхши раҳбар, истеъдодли Халилжон Баҳрамов ўрнига нима учун, қайси мантиқ асосида тавсия қилингани — йўналишнинг худди ана шу нуқтаси бизга тушунарли эмас.

Албатта, кўриниб турибдики, «Оқибат»даги Қудратов образига бирмунча муфассал тўхталганимиз бежиз эмас. Чунки, усиз романнинг бутун пафосини, руҳини асосий йўналишини тасаввур қилиш қийин. Романдаги Ҳамид Ҳакимович ҳам худди шу йўналишдаги йирик образлардан. У ҳам Мирзачўл, Қарши чўлларида фаоллик кўрсатган, сўнгра Туямўйин сув омбори қурилишида жонбозлик қилган. Биродарлик макони — Новгород заминини ўзлаштиришдек масъул ишга таклиф этишганда, ҳеч иккиланмасдан рози бўлган. Унинг жозибаси қалб амри, виждон ва тафаккур амри билан янги маконга бориб ишлашга рози бўлганида эмас, балки беқиёс шижоатида, теран инсонийлигида, шафқатсиз ҳақгўйлигида, актив характерида намоён бўлади. У трест бошлиғи Йўлдошевга ўринбосар бўлиб келиши биланоқ, яъни ҳали кенг кўламда иш бошламасиданоқ раҳбари билан юзма-юз, жиддий тўқнашади. Йўлдошевнинг топшириғига мувофиқ Ҳамид Ҳакимович барча объектларни бориб кўрганида фавқулодда мушкул жумбоқлар, чигал нуқсонлар мавжудлигини сезади, қўнимсизлик, эгасизлик, эркатойлик иллатлари кучли экан, деган хулосага келади. Унинг эътиқодича, Ўзбекистондан келган техниканинг, тракторларнинг аксарият қисми етарли даражада фойдаланилмасдан ишдан чиққан. Сабаб аниқ: эгасизлик! Бу жабҳада ишлайдиган мутахассислар эса ҳар ойда алмашади, яъни уларнинг муддати тугагач, ўринларига бошқалари келади. Бунинг ҳам сабаби аниқ: қўнимсизлик. Бор имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланиш ўрнига Ўзбекистондан устма-уст кўплаб янги техника талаб қилаверишлар яна бир иллатни, ортиқ даражада эркатойликни вужудга келтирган. «Биродарлар даласига яшил йўл» дея турли ташкилот ва трестларга берилган топшириқни ниқоб қилиб олиш оқибатида бу иллат бирмунча ғовлаб кетган. Тўғри, булар иш унумига, янги воқелик яратаётган кишилар руҳиятига таъсир этмаслиги мумкин эмас. Қанчалик аччиқ бўлмасин, у ўз бошлиғига бундай иллатларни рўйи-рост айтади. Йўлдошев эса баҳона қидиради, қайсарлик қилиб, унинг фикрларини рад этишга интилади. Ҳатто Ҳакимов келиши билан «илдизимга болта уряпти» деган хаёлга ҳам боради. Шу боисдан ундан қутулиш йўлини излайди, ўзига ўринбосар бўлиб келган Ҳамид Ҳакимовични бу лавозимда бир кун ҳам ишлатмасдан Олимжон Мардонов ўрнига кўчма колонна бошлиғи қилиб жўнатади.

Романда Ҳамид Ҳакимов билан Йўлдошевнинг янги маконга — Ноқоратупроқ ўлкага ишга келгунларигача бўлган фаолиятлари тасвирида муштараклик ва муайян даражада такрорийлик сезилади. Лекин «Оқибат»да Йўлдошев билан Ҳакимов ўртасидаги конфликт тугуни оригинал, хийла қизиқарли, ниҳоят, унда «портловчи моддалар» мавжуд. Ёзувчи Йўлдошевни босмақолип жудга келгач, рақибини бутунлай қора, ўзини эса она сутидек оқ қилиб кўрсатиш йўлини танламайди. У — кенг миқёсдаги раҳбар сифатида бой тажрибага эга эмас. Лекин ўз зиммасига қандай масъулият юклатилганини ҳам сезмайди, деб бўлмайди. Бир оз шошади, буйруқ беришга мойиллиги кучли, сифатидан қатъи назар ҳамма ишнинг ўз муддатида бўлишини истайди, баъзан ўз ишларидан ноўрин мамнун бўлиб юради. Ниҳоят, Йўлдошев ўз трестидаги ана шу мавжуд иллатларни иложи борича тезроқ тугатишга ёрдамлашишни илтимос қилиб, Ўзбекистондаги тегишли министрликка мактуб йўллайди. Айни вақтда, бу масалаларни биринчи навбатда қўл остидаги колонналарга бориб кенг ва конкрет муҳокама қилиш ўрнига, уларнинг бошлиқларига мавжуд нуқсонларни бартараф этишни қаттиқ талаб қилиб хатлар жўнатиш билан чекланади. Ўзидан катта лавозимдаги кишиларга хушомадгўйлик қилишга алоҳида эътибор беради, қўл остидагиларга нисбатан тўраларча муносабатда бўлади.

Ҳакимов кўп жиҳатдан Йўлдошевдан кескин фарқ қилади. У ҳар бир кишининг қалбига йўл топишга, улар билан яккама-якка суҳбатлашишга, дардини билишга, нималарга қобиллигини аниқлашга, шунга яраша иш топширишга интилади. Ҳамид Ҳакимович бошлиқ Элчи Мардонов, Дмитрий Дуданов, Гуландом каби илғор ишчилар турмушнинг барча қийинчиликлари, зиддиятларини енгиб ўтишдаги фаоллиги, шижоат билан меҳнат қилишлари кўтаринки бир руҳда тасвирланган. Ҳакимов ўз участкасида қўнимсизликка, эгасизликка, эркатойликка қарши шафқатсиз кураш олиб бориш жараёнида жиддий ютуқларга эришади. Бу жараёнда у ҳатто комсомол йўлланмаси билан келган ёшлар орасида ишёқмас, учар, мўмай пул топиш ниятида юрган ёши қирқдан ошган кишиларни ҳам учратади. Биродарлар маконини «лойқалатувчи» бундай кишилар билан тезда хайрлашади. Чунки бу ҳол, унинг фикрича, фавқулодда жиддий ишга ўта масъулиятсизлик билан қарашнинг айнан ўзидир. Бундай ғирромларга, учарларга шафқатсиз бўлиш керак, деб ҳисоблайди у. Ниҳоят, унинг қўнимсизликни битириш хусусидаги тажрибаси кенг миқёсда бошқаларга ҳам тавсия қилинади.

Хуллас, яратиш, ўлик ерларни тирилтиш, безаш Ҳакимов фаолиятининг мағзини ташкил қилади. Биз романда уни укалари ва келинлари даврасида, уларнинг ҳар бири ишидан қониқиш, мафтун бўлиш онларида ҳам кўрамиз. Ҳамид Ҳакимовнинг эллик ёшга тўлишини билиб, укаси Эргаш ва келини Моҳирахон қайноқ нуқта — зарбдор қурилиш — БАМдан, кенжа укаси Бўрибой ва келини Гулжамол эса бошқа бир зарбдор қурилиш — КамАЗдан етиб келишади. Бу ёшларнинг бутун ҳаёти, интилишлари кўтаринки — романтик. Яна бир укаси Набижон ва келини Надежда эса Ивановода фаол меҳнат қилишади. Уларнинг турмуши ва интилишлари ҳам худди шундай кўтаринки. Энг катта укаси Шукуржон ҳам Волгоград даштида — илғор, шиддатли қурувчи. Улар янги, узоқ-узоқдаги янги маконни, биродарлар заминини барча қийинчиликлар жараёнида безайдиган, янги воқеликни бунёд этишга бор кучи, вужуди билан интиладиган, инсон мавжудлигини, меҳнатнинг гўзаллик маъносини улуғлайдиган одамлар тоифасига мансуб.

Романда Қудратов ишчан ва моҳир раҳбар сифатида кўрсатилади, Ҳакимов ҳам худди шундай талқин қилинади. Ҳакимовнинг ишчанлиги ва моҳир раҳбарлиги Қудратовга нисбатан янада муайянроқ очилади. Тўғри, уларнинг дунёқараши, эътиқоди, диёнатлилиги, ишчанлиги ва моҳир раҳбарлиги, ташкилотчилик

---

[1] И. Раҳим. Оқибат. Роман. «Шарқ юлдузи» журнали, 1981 йил, 7—9-сонлар.

Файзулла **АЙМОҚ,**
афғон адиби

ЯНГИ ҲАЁТ ҚЎЙНИДА

Жонажон Ватанимиз Афғонистон Демократик Республикаси Осиё қитъасидаги қадимий ва асосий тилларни сақлаган мамлакатлардан биридир. Лекин эски тузум ўзбек, туркман, балучи, нуристоний, пашшаи каби тилларнинг тараққиётига қарши тўсқинчилик қилар эди. Мустабид, қонхўр Довуд ўрнатган фашистик режим даврида айни ижтимоий тўсқинчиликлар айниқса кучайди. Бу даврда ўзбек, туркман, балучи, нуристоний ва пашшаи тилларида китоб ҳам, газета-журналлар ҳам чоп бўлмади. Мазкур тиллар расман Афғонистон тиллари деб ҳисобланмас эди.

Ўша вақтларда ўртоқ Бабрак Кармал каби революционерлар улус жиргаси (қурултойи)да Афғонистон халқларининг маданият соҳасидаги манфаатларини қатъий ҳимоя қилиб чиқдилар. Аммо улус жиргасида ҳам мамлакатда фашизмни ривожлантириш йўлида фаол иш олиб борган Амин ва унинг гумашталари Афғонистондаги қардош халқлар ҳақ-ҳуқуқларини оёқ ости қилишга интиларди.

Улус жиргасидаги кўпгина илғор ватандошларимиз муртажийларнинг — тарих тараққиётини орқага қайтармоқчи бўлганларнинг дўқ-пўписалари, айюҳанносларидан қўрқмай, Афғонистондаги қардош халқларнинг манфаатларини ёқладилар. Шундай қилиб, Афғонистон радиосида маҳаллий программалар редакциясини ташкил этиш, ўзбекча, балучи, туркман, пашшаи тилларида эшиттиришлар олиб бориш имконияти туғилди. Ўша пайтда қардош халқлар тилларида китоб ва журнал нашрига ижозат бўлмагани учун маҳаллий программалар шоир, ёзувчиларимиз учун ягона минбар бўлиб қолди.

Афсуски, фашист ва мустабид Довуд ватанпарвар кишиларни ишдан четлатди, яна бир қатла зулм ва ситам қўлини енгидан чиқарди. Афғонистон радиосининг маҳаллий программаларига хотима берди.

Шукуҳли Савр инқилоби ғалабасидан сўнг Афғонистон радиосида маҳаллий программалар янгидан, тўла ҳуқуқ билан иш бошлади. Нуристон тилида ҳам программа ташкил этилди. Кейинроқ телевидение орқали ҳам бу тилларда мунтазам тарзда кўрсатув ва концертлар бериладиган бўлди. Ўзбек, туркман ва балучи тилларида газеталар нашр этилди. Бу, айтиш мумкинки, ижтимоий-сиёсий, маданий соҳалардаги катта, муҳим воқеалар эди. Бинобарин, ўлка ватанпарварларининг энг эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқди. Бошланғич мактаблар учун дарслик китоблари тайёрлаш мақсадида маориф министрлигида Ўзбек ҳамда туркман тили ва адабиёти бўлими очилди.

Республикада маданий ҳаёт жонланиб кетди. Мушоиралар ўтказилди. Ансамбллар ташкил топди. Ўзбек, туркман, балучи, нуристоний ва пашшаи тилида ижод қиладиган ёзувчиларга, шоирларга кенг имкониятлар яратилди. Афғонистон Демократик Республикаси Ёзувчилар ва шоирлар союзи тузилди.

1981 йил 10 августда (Афғонистон календари бўйича 1360 йил 19 асад ойида) Мир Алишер Навоий туғилган куннинг 540 йиллиги нишонланди. Алишер Навоий юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш ўртоқ Бабрак Кармал табрикномаси билан очилди.

«Мир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишнинг 10 йилга мўлжалланган режаси амалга ошира бошланиши муносабати билан сизларни қутлайман ва ўз мамнунлигимни изҳор этаман,— деб мурожаат этди ўртоқ Бабрак Кармал.— Мир Низомиддин Алишер Навоий тарихнинг энг буюк шахсларидан бири бўлиб, инсонпарвар ва маданиятпарвар вазир сифатида барча одамларни чин кўнгилдан самимий севар эди. Унинг фикрий юксаклиги, тўғрилиги, теранлиги бутун ҳаёти давомида яққол намоён бўлиб турди. У ўзининг эгаллаб турган вазифасида доимо масъулият ҳис қилиб ишлар эди. Мир Алишер Навоийдан бошқа давлат арбобларининг ўз шахсий маблағини илмий, маданий, маориф ишларига сарф этганликларини эшитмаганмиз, билмаймиз. Бу унинг буюклигининг исботидир».

Мир Алишер Навоий ижоди ва ҳаётини ўрганиш соҳасида катта илмий муваффақиятларни қўлга киритган совет навоийшунос олимлари, жумладан, ён қўшнимиз Ўзбекистон адабиёти ютуқларидан унумли фойдаланишимиз ва 10 йил ичида уларнинг энг яхши асарларини Афғонистонда чоп этишимиз мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳозирги замонда Афғонистоннинг барча ёзувчи ва шоирларининг асосий бурчи шундан иборатки, улар Афғонистон миллатлар бирлигини кучайтириш, янги ҳокимиятни сақлаш йўлида кечаю кундуз ижод этиб, шу орзу-истак йўлида ғоявий-бадиий бақувват асарлар яратиб, ўз ватандошларига тақдим этишлари керак. Шунингдек, луғатлар, тилшунослик асарлари, достонлар, шеър тўпламлари ва дарсликлар, халқ оғзаки бадиий ижоди намуналари Афғонистоннинг барча миллатлари тилларида нашр этилиши табиийдир.

Айни пайтда, бу янги босқичда, ўзбек, туркман, балучи, нуристоний, пашшаи ва бошқа тилларда ижод қиладиган ёзувчиларнинг муҳим вазифаси Савр инқилоби ғалабасини ҳимоя қилишдир. Инқилобимизга зид бўлган ички ва ташқи душманлар, Америка империализми, Хитой гегемонизмининг шум ниятларини фош қилиш, уларга қарши курашиш ҳам уларнинг виждоний бурчларидир.

Афғонистонда 1980 йил март ойида «Асосий усул» деган қонунлар тўплами кучга кирди. Ушбу «Асосий усул»нинг 1-боб, 7-моддасида бундай дейилган:

«Афғонистон Демократик Республикаси ҳуқуқ баробарлиги сиёсати қардошлик, дўстлик, биродарликда Афғонистонда истиқомат қилувчи барча миллатлар, аймоқлар, қабилаларнинг ҳар томонлама ривожланишини амалга ошириб, ўлканинг бутун меҳнаткаш миллатлари ва қабилалари иштирокида, бирлигида Савр инқилобининг ютуқларини мустаҳкамлаш йўлидаги курашга ёрдам беради, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади, таъминлайди».

Ҳозирда бутун Афғонистон меҳнаткашлари ана шу ҳаётбахш ғояларни амалга ошириш, ички ва ташқи душманларни тугатиш мақсади билан яшамоқдалар, меҳнат қилмоқдалар, курашмоқдалар.

ДАВР ОБРАЗИ ВА ШОИР ШАХСИЯТИ

(Боши 23-бетда)

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Шоирнинг «Ғойибдан кутилмас обрў ва омад, курашда тобланган бахтига эга», «Ҳалол меҳнат билан, аъло хулқ билан, Ўз бахтин чин инсон киритур қўлга», «Фашизм вабоси — қора кўланка, ўлимтиқ калхатдай кезар шарпаси» мисралари Ғафур Ғулом мисраларининг вариацияси бўлиб қолган.

Лекин бу ерда танқид этилган шеърлар улар ўрин олган тўпламлар мутлоқ заиф экан, деган нотўғри хулосани келтириб чиқармаслиги керак. Кичик бир мақолада жуда кўп тўпламларни тилга олиш ёки таҳлил этиш имконияти ҳам йўқ. Бунинг устига, мазкур тўпламлар шеър шакли, техникаси жиҳатидан жойида. Бироқ уларда муаллифлар ўз қалбини мураккаб замон, миқёсли воқелик билан узвий тарзда бадиий тадқиқ этмайдилар, балки табиатни севишлари, муҳаббат изтироблари ҳақида сўзлаш билан банд бўладилар. Замонанинг қизғин масалалари тўғрисида теран фикрламайдилар.

Шоир ўз туйғуларини ифодалаш орқали кўпчиликнинг — халқнинг қалбини ифодалаши керак. Ҳаётнинг кўп қиррали мазмунини, даврнинг ўткир конфликтларини, инсон қалбининг гўзаллигини, унинг руҳий оламини: шодлигию ғам-ғуссасини, ғурурларини, юксак орзу-идеалларини ҳаққоний акс эттириши керак. Инсонни, она-Ерни, она-Ватанимизни, коммунистик идеалларни мафкуравий жабҳада актив ҳимоя қилиш даври ҳозир. Ёшларимизнинг баъзиларида бедорлик, жанговарлик, руҳий фаоллик, ғоявий юксаклик етишмаётир. Бошқача айтганда, маяковскийча ҳужумкорлик, Ҳамзага хос революцион руҳ, ғафурона романтика, ҳамидона кўтаринкилик, халқчиллик, уйғунона нафислиги, ўткир драматизм етишмаётир. Ижодкор, худди юқорида санаб ўтилган устозлар каби, ижтимоий ҳаётда қайнаб тошмаса, эзгу ниятлари рўёби йўлида фаол курашмаса, камол топмайди, халқ тилидан сўзловчи, унинг қалбини ифодаловчи, давр манзарасини чизиб берувчи, жамиятга руҳий мадад берувчи санъаткор даражасига кўтарилмайди. Мулоҳазаларимизни ажойиб совет шоири Михаил Дудиннинг қуйидаги сўзлари билан тугатмоқчимиз:

«Энг хавфли нарса — адабиётнинг майдалашиб кетишидир. Бу асардаги фикрларга, ғояларга ҳам, шунингдек, шаклга ҳам алоқадор гап. Ўз олдингга катта, улуғвор вазифаларни қўйишинг керак: шунда муваффақиятинг, агар эриша олган бўлсанг, катта, муҳим бўлади. Агар кичик тўсиқларни енгиб ўтадиган бўлсанг, ютуғинг ҳам кичик, эътиборсиз бўлади. Кенг кўламли, улуғвор фикрларни истайсан киши!».

принциплари, иш методлари бир-бирига мос келади. Бу ҳақда эътироз қилиб бўлмайди. Лекин уларнинг умумий хусусиятларида эмас, балки шахсий хусусиятларида ўзига хослик, фарқлар бўлиши мумкин. Романда улардаги ана шу табиийликни, ўзига хосликни, индивидуалликни ҳозиргига нисбатан ҳам янада бўрттириб кўрсатиш имконияти мавжуд эди.

«Оқибат» романида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари сифатида Розиқов, Иваново обкомининг биринчи секретари сифатида Кудимов образларига ҳам алоҳида эътибор берилади, муаллиф уларни кучли меҳр билан тилга олади, ҳаётий ва жонли кўрсатишга интилади. Розиқовнинг ишчилар орасида бўлиши, Йўлдошевга муносабати, Ҳамид Ҳакимович билан Йўлдошев орасидаги зиддиятларни илғаб олиши, Боймуҳамедовни Йўлдошев ўрнига қолдириши, Қудратов оиласидан хабардор бўлиб туриши ва бошқа бир қатор ҳодисаларга муносабати тасвири қизиқарли чиққан.

«Оқибат» романида Элчи Мардонов, Дмитрий Дуданов, Гуландом, Сумбула, Набижон, Сергеев, Надежда, Евдокия Порфирьевна, Алексей Васильевич каби тилга олишга арзийдиган образлар анчагина. Бу ўринда уларнинг ҳаммасини таҳлил қилиш имкони йўқ, албатта. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, муаллиф Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштираётган ўзбекистонлик жасур, шижоатли қаҳрамонларнинг мардона ҳаётини, фаол интилишини қанчалик меҳр-муҳаббат, кўтаринки-романтиқ бир руҳда тасвир этса, маҳаллий халқ вакиллари, биродарларимиз ҳаёти ва интилишлари ҳақида ҳам шунчалик кучли бир самимият, алоҳида ҳурмат ва муҳаббат билан қалам тебратади. Тарихий ёдгорликлар, ривоятлар, мардона курашлар, фашистларга қарши ҳамжиҳатликда олиб борилган жанглар ҳақида эҳтирос билан ҳикоя қилади. Ўзбек ва рус халқлари ўртасида чинакам қардошлик, биродарлик, қудратли дўстлик улуғланади. Лекин, кези келганда айтиш керакки, асарда Ноқоратупроқ ўлка ерларини ўзлаштириш, бу заминда жадал суръатда олиб борилаётган қурилишларга оид тафсилотлар керагидан ортиқ даражада кучли. Бинобарин, ҳаёт материалини ортиқ даражада қамраб олиш ҳам, ўткир нигоҳ, синчковлик билан муттасил кузатув ҳам баъзан ижодкорга панд беради. «Оқибат»да ҳам шундай ҳол рўй берган. Зеро, қаҳрамонларнинг баъзи сафарларини беришга асарда кучли ҳожат йўқдек туюлади. Назаримизда, Сумбуланинг Новгороддан Жиззахга қайтиши тафсилотларини кенг тасвирлаб ўтиришга кучли эҳтиёж сезилмайди. Ҳамид Ҳакимовнинг Ивановога сафари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. «Оқибат»да бошқа хилдаги бир қатор кемтик жиҳатлар ҳам бор. Бироқ булар романнинг умумий қимматини — ўзбекистонлик чўлқуварларнинг Ноқоратупроқ ўлка ерларини ўзлаштиришдаги мардона ҳаёти ҳақидаги биринчи йирик полотно, ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги биродарликни, дўстликни улуғловчи асар сифатидаги аҳамиятини туширмайди. Билдирилган фикр-мулоҳазаларга «Оқибат»нинг китоб нашрида адиб эътибор беради, деган умиддамиз.

Қутлаймиз!

АЖОЙИБ ОЛИМ

Людмила ЖУКОВА

Археология доктори ва тарих фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда ва Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, кончилар шаҳри Ангреннинг фахрий граждани, РСФСР, Қозоғистон ССР, Туркманистон ССР ва Туркманистон ССРдаги 15 та турли илмий ташкилотнинг фахрий аъзоси, мамлакатимизда, шунингдек, чет элларда ҳам маълум ва машҳур профессор Михаил Евгеньевич Массон бу йил 85 ёшга тўлади.

У 1897 йил 4 декабрда Петроградда туғилган. Болалик чоғлариданоқ археологияга қизиққан. М. Е. Массон ҳали гимназияда ўқиб юрган даврида, 1912 йилда В. Л. Вяткин томонидан Самарқандда ўтказилган Афросиёб шаҳрини археологик қазиш ишларида қатнашди.

1916 йили М. Е. Массон Самарқандда гимназияни олтин медаль билан тугаллаб, Петрограддаги политехника институтининг инженерлик-қурилиш бўлимига ўқишга кирди. 1917 йил бошларида артиллерия билим юртида қисқа курсни тамомлади ва Жанубий-Шарқий фронтнинг артиллерия қисмларидан бирига йўлланди. Армияда М. Е. Массон взвод командири, батарея комитети раиси, 1917 йил ноябрида эса Ишчи ва солдат депутатлари Советининг аъзоси бўлади. У Донда Каледин оқ казакларига қарши ўтказилган биринчи юришнинг иштирокчисидир.

1918 йилдан бошлаб М. Е. Массон Урта Осиё қадимий обидаларини сақлаш ва таъмир қилиш тадбирларида мунтазам тарзда қатнашди. 1919 йилдан эса Урта Осиёдаги ўлкашунослик ҳаракатининг фаол вакилларидан бири сифатида Самарқанд археология музейида мудир бўлиб ишлади. Шу йилларда у Урта Осиё Қадимий обидалари комитети (Комстарис)нинг музей секцияси бўйича 12 та музейда тарихчи ва музейшунос сифатида қизғин иш олиб борди.

Ўтмиш ёдгорликлари ва санъатини сақлаш соҳасида ҳам у кўп иш қилди. Узбекистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг жуда кўп ўтмиш ёдгорликларини тарихий-меъморий ва археологик жиҳатдан ўрганди.

М. Е. Массон археолог олим сифатида 77 марта дала ва экспедиция тадқиқотларида иштирок қилди. Унинг ташаббуси билан ташкил этилган Термиз экспедицияси айни пайтда турли мавзуларда иш олиб борадиган кўпотрядли комплекс археологик экспедицияларнинг қалдирғочи бўлди. Бу олим археологик ишларнинг янги тури ҳисобланмиш «янги қурилишларда археологик назорат»нинг яратувчиси сифатида ҳам шуҳрат қозонди. М. Е Массон 1939 йили ғоят кенг миқёсдаги Катта Фарғона канали қурилишида археологик назоратни амалга оширди.

Археологик қазиш ишлари жараёнида Михаил Евгеньевич янги методик усуллар кашф этди. Урта Осиё шаҳарлари тарихий топографиясини ўрганишга кўп куч-ғайрат сарфлади.

М. Е. Массон марксча-ленинча тадқиқот методини чуқур эгаллаган, маданиятнинг ҳамма соҳалари бўйича кенг билимга эга бўлган олимлар жумласидандир. «Археологиянинг амалий вазифалари»ни ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш М. Е. Массон илмий фаолиятига хос хусусиятлардан биридир.

САГУ (ҳозирги ТошДУ) қошида ташкил этилган Урта Осиё археологияси кафедрасини Михаил Евгеньевич ўттиз йил давомида бошқарди. Эндиликда унинг шогирдлари орасида жуда кўп машҳур олимлар бор.

ОЛМОС ҚИРРАЛАР

Худойберди ТЎХТАБОЕВ

Истеъдодли адиб Оқилжон Ҳусанов эллик ёшга кирди. Унинг бир неча йил муқаддам «Муштум» кутубхонаси» сериясида чоп этилган «Булбулнинг гўшти» номли ҳажвий ҳикоялар тўплами муқовасига муаллифнинг сурати ҳам ишланиб, унинг галстугига «ҳикоячи, очеркчи» деб ёзиб қўйилган экан, менимча, ўша сўзлар ёнига яна «қиссанавис, актив жамоатчи» сўзлари ҳам битилганда, муаллиф ижодининг қирралари бирмунча тўлиқроқ акс этган бўларди. Оқилжоннинг тенгқурларидан ижодий фарқи шундаки, у адабий жанрнинг деярли ҳамма турларида қалам тебратиб, катта-кичик муваффақиятларга эришиб келмоқда. У қайси жанрда қалам тебратмасин, замондошларининг қувончи ва шодлигини, дарди ва ҳасратини, ютуқларини тараннум этиб келмоқда. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами «Қўшиқчининг тақдири» номи билан бундан йигирма йил олдин чоп этилган эди. Шу ўтган йигирма йил давомида унинг ўн иккита китоби нашр этилди. Оқилжоннинг болалиги қишлоқда ўтган, дунёқараши ва характери қишлоқ одамлари орасида шаклланган, қўли қадоқ, меҳнатдан завқ олиб яшайдиган, бағри кенг, саховатли қишлоқ кишилари унга устоз бўлган ва бир умрга севимли қаҳрамонлари ҳам бўлиб қолган. Ростгўй, оққўнгил, қувлик-шумликни билмайдиган оддий деҳқонлар эртаклар айтган унга, миришкор боғбонлар турмуш ҳикматларидан сўзлаб берган, чўлларни тўлдириб қўшиқлар айтувчи чўпонлар унинг қалбига яхшилик уруғини сепганлар. Сўнгги йилларда Иттифоқимизда «қишлоқ ёзувчиси» деган иборани тез-тез ишлатадилар. Айниқса, Узоқ Шарқда, Уралда, Сибирь ўлкалари ҳақида ижод қилаётган рус совет ёзувчиларига нисбатан шундай иборани қўллайдилар. Мен ҳам Оқилжон Ҳусановни «қишлоқ ёзувчиси» деб айтган бўлардим. Чунки китобларининг деярли ҳаммасида қишлоқ муаммолари кўтарилган.

Оқилжон сарқитларга қарши ўт очган йигит. Янги замонда яшаяпмиз. Янгича урф-одатлар, янгича анъаналар тантана қилаётган, киши шахсини ҳар томондан қисиб қўядиган — камолотга тўсиқ бўладиган сарқитларга қарши уруш эълон қилинган бир паллада яшаяпмиз. Худбинлик, лаганбардорлик, бюрократизм, манманлик, э, борингки, одам боласини хунук қилиб кўрсатадиган иллат борки, ҳаммаси гўзаллик юзига тушган қора доғдир. Оқилжон бу оламни гўзал кўришни истайди, саммимятни улуғлайди, ростгўйликни мадҳ этади. «Гунафша», «Булбулнинг гўшти», «Бўлмаганга бўлишма» тўпламларига кирган ҳикояларнинг ҳаммаси сарқитларга қарши отилган ўқдир. Бу ҳикояларда (уларнинг ҳажм жиҳатидан ихчам, юморга ғоят бойлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак) ўлиб бораётган эскиликнинг талпинишлари, жон сақлашга интилиб гоҳ у қиёфада, гоҳ бу қиёфада намоён бўлиши ва умуман «сарқит» отли маҳлуқ осонликча жон бермаслиги ғоят чиройли ва ишонарли тасвирланганини кўрамиз. Менинг назаримда, Оқилжон Ҳусановнинг ижодида, айниқса муаллифнинг лирик ҳикоялари билан ҳажвий ҳикояларини таққослаганимизда, ижобий образларга нисбатан салбий образлар ёрқинроқ чиқаётганга ўхшайди, яъни инкор қилиш орқали тасдиқлаш санъати бу ўзига хос адибда янгича маъно кашф қилганини кўрамиз.

Оқилжон Ҳусановнинг ёзувчи сифатида ўзига хос фалсафаси бор, ҳаётдаги кишининг таъбини хира қиладиган, кайфиятини бузадиган ва яхлит олганда, умуман, жамиятнинг олға боришига халақит берадиган эскилик сарқитларини қўлидан келгунча ишонарли қилиб фош этаркан, ёзувчининг бурчи фақат фош этишдангина иборат бўлиши керак, деб ўйлайди ва ўзининг бу фалсафасига қаттиқ риоя қилади. «Меҳри дарёлар», «Қашқар гўзали» тўпламларига киритилган ҳикоя ва очерклар ҳаётдаги эзгулик ва гўзалликни тасдиқлашга ҳамда кўз-кўзлашга бағишланган. Айниқса, «Тандир», «Кумуш фасл», «Қасос» ҳикояларини ўқиганимизда, ўзимизни беихтиёр сўлим қишлоқларга бориб қолгандек ҳис қиламиз, механизатор йигитлар билан ёнма-ён юриб трактор бошқарамиз, атрофига гулу райҳонлар экиб қўйилган, азим толлар соя ташлаб турган баҳаво дала шийпонларида ёнбошлаб олиб, сувчилар билан мириқиб чақчақлашамиз, халқимизнинг барча гўзал удумларини, урф-одатларини эҳтиёт қилиб сақлаб келаётган ва шунинг учун ҳам маънавияти ғоят бой ва гўзал бўлган кампирлар билан суҳбатлашамиз, яхшилар даврасида бўлганимиз учунми, ўзимиз ҳам кимгадир яхшилик қилгимиз, кимнингдир бошини меҳр билан силагимиз, кимнингдир мушкулини осон қилгимиз келиб қолади.

Яхши ўғилни ҳамма ҳам фарзандим дейишни хоҳлаганидек, истеъдодли ёзувчини ҳам ҳар бир китобхон «бу — менинг ёзувчим», деб атагиси келаркан. Оқилжон Ҳусановни ҳам ҳавжвчилар бу бизнинг ёзувчимиз, ҳажвиёт соҳасида яхши ишлар қиляпти, дейишади, очерк ҳақида баҳс кетганда адабиётшунослар уни «очеркист» деб аташади. Биз, болалар ёзувчилари бўлсак, Оқилжон Ҳусановни болалик ва ёшлик куйчиси, деб атаймиз. Оқилжон ўзининг кетма-кет эълон қилинган «Давжон», «Сирли одам», «Тоғда ўсган бола» қиссалари билан фавқулодда воқеалар ва ғаройиб саргузаштларга чанқоқ бўлган болалар ва ўсмирлар қалбини ўзига ром қилиб олди.

«Давжон» билан «Сирли одам» ўсмирларга аталган бўлиб, республикамизда Совет ҳокимиятини ўрнатиш воқеаларига, яъни граждалар уруши

Сафдошлар: Г. А. Пугаченкова ва М. Е. Массон.

Туркманистон ССР ҳукумати қарорига бино 1946 йилда Жанубий Туркманистон археолог комплекс экспедицияси ташкил этилди, профессо М. Е. Массон унга бошлиқ қилиб тайинланди Мазкур экспедиция ҳал этиши лозим бўлган асоси муаммо Туркманистон тарихини даврлаштиришда бу ерда ҳаёт пайдо бўлганидан бери ўтган барч даврларни ҳисобга олган ҳолда тарихни муайянлаш тиришдан иборатдир.

М. Е. Массон раҳбарлигида совет археологлар Парфия давлатининг қадимий пойтахти Нис шаҳри (Ашхобод яқинида) саҳнида қазув иш ларини олиб бордилар. Натижалар самарали бўлди «Низодан топилган парфиён ҳужжатлари архиви ҳақидаги хабар бутун дунёга ёйилди. Шундай қи либ, совет олимлари фанни Парфия давлатининг илк марта топилган ёзма ҳужжатлари билан бойит дилар.

Жанубий Туркманистон археологик комплекс экспедицияси бутун Ўрта Осиё археологиясида бутун бир босқични ташкил этади. Бу экспедицияга М. Е. Массон қарийб ўттиз йил давомида, яъни то ҳозиргача бошчилик қилади. Унинг материаллари асосида йигирма жилдга яқин «Илмий ишлар» тай ёрланган.

М. Е. Массон эълон қилган ишлар сони 400 тадан кўпроқдир.

Михаил Евгеньевич ўз илмий фаолиятини ҳормай толмай давом эттирмоқда. У Халқлар дўстлиги, Ҳурмат белгиси орденлари билан мукофотланган.

Бутун республикамиз илмий жамоатчилиги устод Михаил Евгеньевич Массонни қутлуғ ёши билан муборакбод этади, унга сиҳат-саломатлик, кўпқир рали ижодий фаолиятида янгидан-янги ижодий му ваффақиятлар тилайди.

мавзусига бағишланган. Бу мавзуда биз кўплаб китоблар ўқиганмиз, кинофильмлар томоша қилганмиз. Лекин, очиғи, ўша мураккаб йиллар воқеаларини болалар ва ўсмирларга болалар ва ўсмирлар боп қилиб берадиган асарлар бизнинг адабиётимизда ҳали унча кўп яратилган эмас. Худди шу маънода муаллифнинг бу икки асари болалар адабиётида янги бир ҳодиса бўлди.

«Сирли одам»да инқилоб иши учун фидойи бўлган, элу юрт озодлиги учун жонидан ҳам кечишга тайёр турган мард йигит Ҳожисафо образи яратилган бўлса, «Давжон»да озодлик келтирувчи инқилобнинг чинакам жангчиси даражасига кўтарилган етим йигитнинг ёруғликка, нурга бўлган талпиниши ишонарли ва жозибали деталларда чиройли қилиб тасвирлаб берилган.

Менинг назаримда, Оқилжонни болалар ўртасида беҳад машҳур қилиб юборган қисса бу — «Тоғда ўсган бола» бўлди. Қисса тез орада қайта-қайта нашр этилди, «Мактаб кутубхонаси» сериясига киритилиб, дарсхоналарда ўқитила бошланди. Чунки бу асарда болалар чинакам гўзаллик билан учрашдилар. Қисса сюжети ва жанри билан ҳам, айтилмоқчи бўлган гапи ва яратилган образлари билан ҳам болалар адабиётимизда янгилик бўлди, шу маънода янгилик бўлдики, бизда саргузашт асарлари, бошидан фавқулодда воқеаларни кечирадиган, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ўзини йўқотмай, йўлини топиб оладиган қаҳрамонлар йўқ эди ҳисоб. Асарда бола қалбининг покизалиги, биз катталар иллат деб атайдиган камчиликларга муросасизлиги тасвирланади.

Оқилжон Ҳусановнинг ёзувчилик истеъдодини яққол кўрсатиб турган бу ўзига хос асар ҳақида ва умуман муаллифнинг олмос қирраларидек ҳар тарафлама жило бериб турган серқирра, сермазмун ижоди ҳақида яна ҳам кўпроқ илиқ гапларни, мулоҳазаларни айтиш мумкин эди. Аммо мен бу хайрли юмушни гапга чечан адабиётшуносларга ҳавола қилиб, истеъдодли дўстимизга яна ҳам сермазмун, серташвиш умр тилаб, уни эллик ёши билан қутлаб, сўзимни тугатмоқчиман.

«ШИРИНИМ, АСАЛГИНАМ!..»

Е. БОТИРОВ фотоэтюди

ШОИР ВА ТАРЖИМОН

Каримжон РАҲИМЗОДА (ЮЛДУЗ)

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, кенса ғазалхон Каримжон Раҳимзода (Юлдуз) ўзининг бир неча ғазалларини журналхонларга етказишимизни илтимос қилди. Унинг ғазалларидан намуна беришни лозим топдик.

АТЛАС

Чирой қўшгай чиройга кийган онлар «Марғилон» атлас,
Қилар жилва баҳор гул-нақшлари саҳнида хон атлас.
Амударё, Сирдарё тақдим этгандек равонликлар,
Канор бўйлаб чаман пахта мисоли бир жаҳон атлас.
Нурхону Турсунойлар кийгану гулзорга синганлар...
У қурбонлар жамоли тинмай этгайми баён атлас...
Атласнинг турларн ортиб борар, ҳам нақшлари ҳар хил,
Ватанга ҳамма тур, нақш-ла фасоҳатли забон атлас.
Фахр айлайдиган жойи, ҳунар бу ўзбек халқи-чун,
«Наманган», «Марғилон» мақталса, кулгай «Шаҳрихон» атлас.
Нигорин эгнида кўргач, Каримжон олди илҳомлар,
Ғазал ёз, халқ учун бўлган туфайли армуғон атлас.

ЯШАНГ, ДЎСТЛАР!

Яшанг, дўстлар, бутун инсоният ҳам бахтиёр бўлсин,
Умидли дунёда ҳар кимга ҳам омадлар ёр бўлсин.
Озодлик яратган, эй улуғ Компартиям, раҳмат!
Истиқбол осмонида ютуқ турнақатор бўлсин.
Ёмонликдан йироқ қочдинг, билим дарбозасин очдинг,
Қуёшдек ёғду — нур сочдинг, Ватан доим баҳор бўлсин.
Ҳақиқат бўлғуси ғолиб, музаффар унга ким толиб,
Заҳмат чек, юрмасдан қолиб, севинчлар бешумор бўлсин.
Қандай бахтли замон бўлди, эркинлик жовидон бўлди,
Ватан доруламон бўлди, жаҳон жаннат диёр бўлсин.
Ризомиз қаҳрамонлардан, ошаётган тик довонлардан,
Йиқилмас паҳлавонлардан, ботирлиқ барқарор бўлсин.
Шоир ҳам айни бир солдатдир, найзаси — килк[1] келса гар фурсат,
Эли-чун берсину нусрат, Каримжон сафда бор бўлсин.

[1] Килк — қалам.

ЎЗБЕКИСТОН адабиёти кўпмиллатли совет адабиётининг ажралмас қисми сифатида тобора камол топмоқда. Унинг бағрида турли миллатга мансуб адиблар илҳом билан ижод қилмоқдалар. Республикамиз ёзувчи ва шоирлари ёзаётган асарлар социалистик ватанимизнинг турли миллатларига мансуб қаҳрамонлар ҳисобига бойиб бормоқда. Шу тариқа Ўзбекистон адабиёти қардош совет халқлари ўртасидаги дўстлик муно-



сабатларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Бинобарин, шоирни дўстлик элчиси деб эъзозлаш мумкин. Таниқли шоир ва таржимон Владимир Александрович Липко ҳам ана шундай дўстлик элчиларидан бири эди.

Ёзувчи бўлиш — унинг болалик орзуси эди. Бола экан, рассомликка ҳам қизиқиб, денгизчилар суратини чизган эди. Кейинча ўзи чизган шу сурат асосида бир ҳикоя ёзишга уринди... Аммо кўнглидаги бу ният ўн йилдан кейин, йигирма ёшида қоғозга тушди: «Комсомол Довғай» ҳикоясини ёзди. Владимир Липконинг шу ҳикояси 1932 йили Павлово-Посад шаҳрининг «Ударник» газетасида босилиб чиқди. Мазкур ҳикоянинг яратилиш жараёни Владимир Липко учун катта сабоқ бўлди. У адабий меҳнат ижодкордан қанчалик ирода, эзгу мақсад йўлида фидойилик талаб қилишини тушунди.

Ҳаёт йўли бу ижодкорни она шаҳри Каменец-Подольскдан Тошкентга олиб келди. У ана шу ерда ижодий камолга етди. 1939 йили Ёзувчилар союзига қабул қилинди. Шу йиллардан бошлаб ёзувчи-шоир сифатида элга танила борди. «Майга қасида», «Қилич ва қўшиқ», «Шеърлар», «Дўстлар сафида», «Икки поэма», «Тинчлик посбони», «Хўжалик мудирлари ва ниначилар» ва бошқа шеърий ҳамда проза тўпламлари босилиб чиқди. Бу тўпламлар Ўзбекистондаги рус адабиёти тараққиётига сезиларли ижобий таъсир кўрсатди.

Шоир Ўзбекистонда Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Александр Удалов каби санъаткорлар билан дўстлашгани, улар билан бир сафда туриб ижод қилгани билан ҳамиша ғурурланар эди. Бу дўстлик унинг ижодида ҳам ўз ёрқин таъсирини қолдирди. Бинобарин, Владимир Липконинг Алишер Навоийга бағишланган «Ғазаллар яратувчисига ғазал»и, Ғафур Ғуломга аталган «Халқ шоирига» шеъри унинг ўзбек халқининг бой, қадимий тарихи, бугунги ёрқин кунига нисбатан самимий эҳтироми, қардошларга меҳр-муҳаббатининг бадиий тажассумларидир.

Маълумки, 30-йилларнинг охири 40-йилларнинг бошларида ўзбек тилидан рус тилига бадиий таржима қилиш мактабининг асосчилари, улкан шоирлар — Владимир Державин ва Лев Пеньковский баракали ижод қилдилар, Владимир Липко ана шу устод таржимонлар изидан бадиий таржимага ҳам қўл урди. Ўз истеъдодини, қалб қўрини ўзбек классик шеърияти, халқ оғзаки бадиий ижоди ва совет даври поэзияси намуналарини рус тилига таржима қилиш ишига бағишлади. Алишер Навоий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Мунис, Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Эргаш Жуманбулбул ўғли асарлари унинг таржимасида рус китобхонларига етиб борди.

Владимир Липко совет бадиий таржима мактаби, бу мактаб назарияси муҳитида ҳақиқий сўз усталари — моҳир таржимонларимизнинг кўп йиллик ижодий тажрибаларига суянган ҳолда, ўз бадиий таржима принципларини ишлаб чиқди ва шунга амал қилди. Албатта, бадиий таржимада асл нусханинг тўлақонли, муқобил вариантини яратиш учун фақат таржима тилини билиш кифоя қилмайди. Зеро, бадиий таржима ҳам фан, ҳам санъатдир. Унинг ўз қонуниятлари бор. Бу қонуниятларга биноан таржимон иш жараёнида оригинал муаллифи кўзлаган олий мақсад, юксак ғоя, асарда ифодаланган нафосатни моҳирона англай олиши, асл нусха ва таржима тилининг энг нозик томонларини ажрата билиши, ҳар бир сўз, ибора, образ замирида ётган мазмунни тўла ўқиб, асарни илмий асосда таҳлил қила билиши, ўз устида тинмай ишлаши керак бўлади. Бошқа йирик таржимонлар қаторн Владимир Липко ҳам ўз таржималарида бу қонуниятларга содиқ эканлигини неча бор намойиш қилди.

Фурқатнинг «Суворов» достонининг аввалги таржимонлари ҳам бу асарни севиб, маҳорат билан таржима қилган эдилар. Лекин унда бир бадиий камчилик мавжуд: таржимада Фурқат достонининг архитектоникасига маълум даражада зиддик сезилади. Мазмун деб шакл бой берилган. Асл нусхада кўрсатилмаган «гвардейский марш», «литавра», «Альпийский рассвет», «Екатерининек» (хотун подшо даври), «Павел Первый» («ўтурди тахт узра ўғли они»), «гатчинские мертвые законы» (янги закунлар), «палочная прусская муштра» (неча турлук русум ила фунунлар), «Фельдмаршал», «аксельбанты», «русская тройка» каби хос сўзлар меъёридан ортиқ даражада ишлатилган. Бу иборалар асар мазмунидан келиб чиқса ҳам, Фурқат тилига хос эмас. Таржимада асл нусха шакли ҳам сақланмаган. Ваҳоланки, таржимашуносларимиз таржима асл нусханинг санъат асари сифатида шакл ва мазмун бирлигини қайта яратиши, миллий ва индивидуал услуб хусусиятларини сақлаши лозимлигини такрор-такрор уқтирадилар.

Қуйида «Суворов» достонидаги икки байтнинг таржимасини келтирамиз:

Муғанний, нағмани кел айлаб оғоз,
Уруш оҳангида қил пардасин соз!
Театр базмини обод қилғил,
Тамошо аҳли кўнглин шод қилғил!

Владимир Луговский ва Светлана Сомова таржимасида:

Гвардейский марш играйте мерно,
трубы.
Лети в литаврах, гул военных лет.
Идет старик, закусывая губы. (?)
Альпийский рдеет на плечах
рассвет (?).

Владимир Липко таржимасида:

Эй, музыкант, начни играть для нас,
На ратный лад настрой звенящий
саз.
Где быстро заиграй, где неспеша,
Чтоб веселились зрителей душа.

Суворов асарининг бу таржимасида қофия санъати, вазнининг зарби — ритмик хусусиятларининг моҳирона, қайта яратилганлиги рус шоири Владимир Липко уни юксак дид ва қунт билан таржима қилганлигидан далолат беради.

Владимир Липко ҳамиша халқ билан ҳамқадам бўлишга ҳаракат қилди. Унинг дунёқараши кенг, замонавий воқеликка пайваста эди. Бевосита Ўзбекистонда яшаб ижод қилганлиги, бадиий асарларда тасвир этилган муҳитни чуқур билиши, ўзбек совет шоирлари билан узвий ижодий мулоқотда бўлганлиги, шеърият соҳасидаги илмий изланишлари — буларнинг ҳаммаси эса Владимир Липконинг таржимон сифатида ҳам камол топишига ижобий таъсир этди.

Владимир Александрович Липко чинакам истеъдодли шоир ва таржимон — асл сўз устаси эди. Унинг ижоди Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Сергей Бородин номидаги мукофотига сазовор кўрилгани худди шундай деб баралла айтишга тўла ҳуқуқ беради.

Комилжон ЖЎРАЕВ,
филология фанлари кандидати
Андижон

САЙЁРАЛАР «АНЖУМАНИ»

Шу йил май ойининг ўрталарида бизга таниш бўлган юлдузлар осмони ўзига хос манзара касб этади. Бунда Қуёш системасига кирадиган ҳамма катта сайёралар қуёшга нисбатан бир томонга йиғилиб, улардан энг ёруғлари — Венера, Марс, Юпитер ва Сатурн осмон чиройига чирой қўшади. Ер ҳам шу система аъзоси сифатида улар қаторидан жой олади. Қолганлари — Меркурий, Уран, Нептун ва Плутон ҳам айни вақтда самонинг шу томонида бўлади, лекин уларни оддий кўз билан кўриб бўлмайди.

Катта сайёраларнинг 1982 йил баҳорида Қуёшга нисбатан бир томонда жойлашиши мумкинлигини билган америкалик астрономлар Д. Гриббин ва С. Плейжмен 1974 йилдаёқ ўзларининг «илмий башорат»ларини «Ньюсик» газетасида эълон қилдилар. Уларнинг фикрича, 1982 йил май ойининг ўрталарида ҳамма катта сайёралар гўё саф тортгандек бир тўғри чизиқ йўналишидан жой олишлари керак. Шунда планеталарнинг Қуёшга нисбатан кўрсатадиган таъсир кучлари ўзаро қўшилиб, унинг активлигини кескин ўзгартириши, бунинг натижасида қуёшдан қурраи заминга етиб келадиган турли заррачалар оқимининг кучайиши кузатилиши керак. Бу гоя авторларининг ёзишича, шу хил оқимлар Ер атмосферасининг ташқи қатламларидаги ҳаво оқимлари йўналишига катта таъсир кўрсатиб, биз ўрганиб қолган иқлим ўзгаришларини кескинлаштириши ва Ер шарининг ўз ўқи атрофида суткалик айланиши тезлигига таъсир этиши, бу эса ўз навбатида, кучли зилзилаларнинг юз беришига олиб келиши лозим. Бундай «башорат» авторлари бу ҳодисани Қуёш системасидаги энг катта сайёра — Юпитер (ер массасидан 321 марта кўп, шу сабабли Қуёшга таъсири ҳам жуда катта) шарафига «Юпитер эффекти» деб эълон қилдилар.

Хўш, кутилаётган бу табиат ҳодисаси устида ўтган сакқиз йил ичида нималар қилинди ва қандай илмий хулосалар олинди? Маълумки, Қуёш бизга энг яқин юлдуз бўлибгина қолмай, у ўз атрофидаги сайёралар системасини «бошқарувчи» марказий жисмдир. Унинг массаси ҳамма сайёралар массасидан қарийб 750 марта кўп бўлиб, сиртидаги ҳарорат 6000 ва марказидаги ҳарорат 15 миллион даражага етадиган ўта қизиган газдан иборат. Қуёш кучли энергия маркази бўлиб, ўз системасидаги ҳамма жисмларга таъсир кўрсатади, Ердаги ҳаёт учун зарур бўлган ёруғлик ва иссиқликни тарқатади.

Қуёш фаолиятида унинг сиртида юз берадиган ўзгаришлар, яъни Қуёш активлиги асосий роль ўйнайди. Бу активликни белгиловчи омиллардан энг муҳими — Қуёш сиртида кузатиладиган доғлар бўлиб, уларнинг ҳар ўн бир йилда такроран кўпайиб ва камайиб туриши аниқланган. Ана шундай доғларнинг энг кўпайган даври Қуёш активлиги максимуми дейилади. Шунда Қуёшдан Ерга етиб келаётган турли электромагнит тўлқинларининг таъсири янада кучаяди.

Умуман, ҳали Қуёш активлигининг геофизик ҳодисаларга таъсири илмий жиҳатдан узил-кесил ишлаб чиқилмаган бўлса-да, лекин Қуёшда содир бўлиб турадиган кучли портлашлар натижасида курраи заминда баъзи ҳодисалар юз бериши маълум. Бунга мисол тариқасида об-ҳавонинг ўзгариши ҳамда Ер ўз ўқи атрофида айланиш тезлигининг



5ироз бўлса-да камайишини кўрсатса бўлади. Тўғри, кейинги ҳодиса — Ер ўз ўқи атрофида айланиш тезлигининг ўзгариши зилзила тез-тез бўлиб турадиган жойларда унинг келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкин. Лекин кузатишлар ҳозиргача юз берган Ернинг кучли силкиниши билан Қуёшнинг бўлиб ўтган активлиги даври орасида боғлиқлик борлигини кўрсатганича йўқ.

Шуни айтиш керакки, Қуёш активлигининг ўзгариши Ер атмосферасининг ташқи қатламларига сезиларли таъсир кўрсата олса-да, лекин атмосферанинг жойлардаги об-ҳавони вужудга келтирадиган пастки қисмини кескин ўзгартириши эҳтимоли жуда кам. Буни сирти кучли тўлқинланаётган океанлар тубидаги турғунлик билан қиёслаш мумкин. Ер ўз ўқи атрофида айланиш тезлигининг ўзгаришига эса, афтидан, замин бағрида содир бўладиган улкан геологик жараёнлар кўпроқ сабабчи бўлиши, бу куч юқорида айтилган Қуёш активлиги ўзгариши оқибатида келиб чиқадиган таъсир кучидан бир неча марта катта бўлиши маълум.

Энди сайёраларнинг Қуёш активлигига таъсирини кўрайлик. Самода ҳамма жисмлар бутун дунё тортишиш қонунига асосан бир-бирлари билан кўпмизми боғлиқликка эга. Жумладан, Қуёш шу системага кирадиган ҳамма жисмлар билан боғлиқ бўлиб, улар ҳаракатига асосий таъсир кўрсатувчи марказий жисмдир. Лекин катта сайёраларнинг ҳам ўз навбатида Қуёшга сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланган. Бу хил таъсир уларнинг Қуёш сиртида келтириб чиқара оладиган кўтарилишлар ҳажми билан белгиланади. Ҳисобларга кўра, бундай кўтарилишларни таъсир кучи катталигига қараб асосан Юпитер, Венера, Ер ва Меркурий вужудга келтирар экан. Аммо Қуёш сиртидаги бундай кўтарилишлар катталиги жуда оз бўлиб, ҳар бир сайёра келтириб чиқарадиган кўтарилиш тўлқини баландлиги миллиметрнинг улушларига тенг келади. Башарти, 1982 йил май ойида ҳамма сайёралар Қуёшнинг бир томонига ўтиб, бир тўғри чизиқ бўйлаб жойлашганларида ҳам уларнинг Қуёш сиртида вужудга келтира оладиган кўтарилиш тўлқини баландлиги 1,5 миллиметрга ҳам бормаслиги аниқланди. Ваҳоланки, Қуёшнинг ҳозирги фаолиятини синчиклаб текшириш унинг диаметри ҳар икки соату қирқ минутда ўн километрга узаийб ва қисқариб турааётганини кўрсатди. Бу катталикни планеталар таъсири остида Қуёш сиртида вужудга келиши мумкин бўлган кўтарилиш катталиги билан солиштирсак, америкалик мутахассисларнинг «башорат»лари қанчалик кам эҳтимолга эга эканини кўрамиз.

Умуман, Иттифоқимизда катта сайёралар ҳаракати устида олиб борилган аниқ ҳисоблашлар уларнинг ҳеч қачон Қуёшга нисбатан бир тўғри чизиқ йўналишида жойлаша олмасликларини кўрсатди. Фақат сайёралар маълум вақтда марказида Қуёш турган доирасимон бир сектори ичида бўлиши мумкинлиги аниқланди. Шу йил май ойи ўрталарида ҳамма катта планеталар, Қуёшдан қараганда, ана шундай бир сектор ичида бўлади, бу секторнинг ёй бурчаги эса қарийб 105 градусни ташкил этади. Буни яхшироқ тасаввур қилиш мақсадида ихтиёрий бир доира ёки, яхшиси, соат циферблатини чизиб, унинг марказига қуёшни «жойлаштирсак», у ҳолда шу йил май ойида ҳамма катта сайёралар «йигирма минути кам ўн икки»ни кўрсатадиган соат миллари оралиғида бўлади. (Расмга қаранг). Демак, сайёралар бу йил бир тўғри чизиқ бўйлаб жойлашмай, балки улар бир-бирларига яқингашар экан, холос. Уларнинг ана шундай ҳарорат яқин жойлашиши 1805 ва 1845 йилларда ҳам содир бўлганлиги тарихдан маълум. Ўшанда Ерда ҳеч қандай нохуш ҳодисалар рўй бермаган. Сайёраларнинг навбатдаги, 1982 йилдан кейинги ўзаро яқинлашиши 2357 йилда кузатилади.

Шуни айтиш керакки, ҳатто «Юпитер эффекти» муаллифларининг ўзи ҳам энди бундан сакқиз йил муқаддам ўртага ташлаган фикрлари аниқ эмаслигини тан олишга мажбур бўлдилар.

Баъзида табиатда кутилмаган ҳодисалар ҳам бўлиб туради, лекин бундай ажойибботлар эҳтимол юз берганида ҳам 1982 йил май ойида кузатиладиган сайёралар «анжумани» билан боғлиқ бўлмаслиги аниқ.

Абдусалом ЛАТИПОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси астрономия институти директорининг ўринбосари, физика-математика фанлари кандидати

МАРСДА ҲАЁТ БЎЛАДИМИ?

Космик станциялар ёрдамида олинган маълумотларга кўра, ҳозирча Марсда ҳаёт йўқ. Атмосферадан ҳоли бўлган бу сайёрада наботот ҳамда ҳайвонот дунёси мавжуд эмас. Хўш, бундай қатъий хулоса чиқариш ҳаддан ташқари ортиқча эмасмикан? Эҳтимол, келгуси тадқиқотчилар тирик материянинг қандайдир эскирган, ибтидоий шаклларини топиб қолишлари мумкин.

Мана шу ҳолатни ўзгартиришга ҳозир уриниб кўрса бўлмасмикан? Ердаги ҳаётни Марсга «кўчириб олиб ўтиш»га ҳаракат этиш мумкинмасмикан? Франц.уз журнали «Сьянс э ви»нинг хабар беришига кўра, бир гуруҳ америкалик олимлар мана шу саволлар устида иш олиб бормоқдалар. Улар кўзлаган мақсад — Ерда истиқомат қилувчилар эҳтиёжига мослаб Марсни ўзгартириш мумкинлигини назарий жиҳатдан асослашдан иборат. Бу мақсад, табиийки, жуда ҳам олис мўлжални кўзлайди.

Тўғри, Марс атмосферасининг тузилиши, ундаги босим ва ҳарорат сайёрамизда яшовчилар учун ярамайди. Бироқ ҳозирданоқ абадий музликдан иборат Марснинг юза қатламини эритишни назарда тутган лойиҳа ишлаб чиқилди. Бу тадбир Марсдаги босим ва ҳароратни кўтармоғи даркор. Бунинг учун зарур бўлган энергияни Қуёш беради. Мазкур босқич юз йилга мўлжалланган.

Иккинчи босқичда Марсга хос атмосфера таркибини Ерникига яқинлаштириш мақсадида газлар муносабатини ўзгартириш кўзда тутилади. Ердаги ўсимликлардан фойдаланиб, фотосинтез ёрдами билан кислородда углерод двуокисини қайта яратишга эришиш мумкин. Иккинчи босқич тахминан ўн минг йилга чўзилади. Тўрт миллиард йилни ўз ичига олган сайёрамизнинг шаклланиш миқёси олдида бу вақт қандайдир арзимайдиган лаҳзадек туюлади.

Лекин лойиҳа муаллифлари бундай йўл орқали яратилган иқлим системаси муқим бўлиб қоладими ёки йўқми, кафолат беролмайдилар. Айниқса, Марс сайёраси ўқининг қиялиги натижасида 687 кунга чўзилган Марс йили давомидаги қуёш радиацияси қувватида анча фарқ бор. Бироқ олимларнинг чамасича, Ер билан ўхшашлиги туфайли Марснинг янги атмосфераси ўз-ўзини мутаносиблаштириш воситасига эга бўлади ҳамда Қизил сайёранинг ҳаёт учун яроқли эканлигини билдиради.

Энг муҳим муаммо — сув. Марс кунларидаги ҳароратнинг кўтарилиш жараёнида атрофи музлаган қатламдаги музлар эриб бошлаши, бу ерланган сувнинг эса атмосферага ўтиши илмий жиҳатдан тасдиқланган. 45 кубметр Марс ҳавоси таркибида бир литрга яқин сув бўлиши ҳисоблаб чиқилган. Назарий асосланишга кўра, Марснинг биринчи яшовчилари — қалдирғочлари сувни ҳаводан «олади».

ИБТИДОИЙ ОДАМСИМОН МАЙМУНЛАР

Сенегалдаги Ниоколо-Коба миллий парки саваннасида (тропик чўлибиёбонда) худди қадимий одамлар сингари оддий ов ва меҳнат қуролларидан фойдаланиб яшайдиган антиқа шимпанзе тўдалари яшайдилар. Тўрт йилдан буён бу маймунлар ҳаётини кузатиб бораётган тадқиқотчилар группаси бошлиғининг «Бильд дер виссеншафт» (ФРГ) журнали мухбири У. Макрга айтишича, шимпанзенинг меҳнат қуролларидан фойдаланганликларини биологлар аввал ҳам таъкидлагандилар. Лекин улар бундай кенг миқёсда биринчи бор кузатилаётир. Шимпанзелар тўдаси ўз қуроллари билан фақат ов қилибгина қолмай, балки озиқ-овқат жамғариш — асал ҳамда қуртқумурсқаларни қидириб топиш билан ҳам шуғулланадилар. Гўштли овқат улуши бошқаларига нисбатан хизмат кўрсатганларига кўпроқ ажратилади.

Олимлар қадимги одамлар сингари яшаётган маймунлар тўдасининг қуроллардан фойдаланишларига биринчи сабаб, уларнинг ўрмонда эмас, балки тропик чўлибиёбонда истиқомат қилаётганларида деб билмоқдалар. Яшаш тарзидаги ўзгаришлар уларнинг турмушида янгича бир эҳтиёжлар туғдирмоқда.

Шимпанзе тўдалари устида кузатув олиб бораётган тадқиқотчилар инсониятнинг илк шаклланиши тўғрисида қимматли маълумот олиш ниятидалар.

ОҚ ФИЛЛАРНИ БОҚИШ МУАММОСИ

Таиландда шоҳ саройидагилар мураккаб муаммони ҳал этмоқдалар: сони белгиланганидан ошиб кетаётган оқ филларни қандай боқмоқ керак?

Мамлакатда ҳанузгача қадимий қонунга амал қилинади: юнги ўзга тусда бўлган ҳар бир фил дарҳол саройга келтирилади. Мана энди улар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди, бу обрўли филлар подасини боқиш учун маблағ етмай қоляпти. Ахир филларга ҳар куни уч юк машина яшил шохлар, бананлар, бататлар, шакарқамишлар — ҳаммаси бўлиб ойига беш минг доллар сарфланади.

Оқ филлар — аристократлар, улар ўз овқатларига кетган ҳаражатни қопламайдилар. Меҳнаткаш, ўрмончиликда ёғоч ташийдиган ёки сакраб туристларга хизмат кўрсатадиган кулранг филларнинг йўриғи бошқа.

Қисқаси, оқ филлар қирол иқтисодини оғир аҳволга солиб қўйди. Нима қилмоқ керак? Қиролдан ташқари ҳеч кимнинг оқ филларни асрашга ҳаққи йўқ. Қирол учун эса уларни боқиш бефойда.

ШОХЛИ ТОШБАҚА

Австралиянинг шимолий қирғоғидаги кичик серчўққи оролчада сиднейлик палеантолог Алекс Ричи катта қуруқлик тошбақасининг тошга айланган қолдиғини топди. Ўзидан кейин ҳеч қандай насл қолдирмаган мазкур жонзотнинг бундан 12 миллион йил муқаддам яшаганлиги аниқланди. Олимлар биринчи марта ана шундай антиқа ҳайвон нусхасини учратдилар. Унинг кишини ҳайрон қолдирадиган жиҳатлари кўп. Биринчидан, бу тошбақанинг орқага қайрилган иккита шохи бор. Бошини ичига тортганда бу икки шох унинг косаси сиртида қолади. Иккинчидан, ушбу жонзоднинг косаси жуда юпқа бўлган. Балки мазкур нусханинг қирилиб кетиш сабаби ҳам мана шунга боғлиқдир. Негаки, бу қўрқинчли шохлар, албатта, имирсилаган тошбақага хавф туғилганда ёрдам беролмас эди. Ахир улар бу шохлар билан ўз душманларини фақат қўрқитишигина мумкин. Ҳужум қилишга эса ярамас эди.

Австралиядан топилган шохли тошбақа.

— Кечирасиз жоним, қирқ минут кечиндим.
— Йўқ, чамамда, қирқ йилга кечикканга ўхшайсиз.

Расмларни А. ХОЛИҚОВ ва Н. ИБРОҲИМОВ чизган

Санъат МАҲМУДОВА

САБАБИ БОР

ИНТЕРМЕДИЯ

Эр (маст ҳолда кириб келади ва креслога чўкиб хиргойи қилади). Эй-й, қу-уёш, кўр-рсат юзинг...

Хотин (ошхона томондан чиқади). Вой-й, худойим-ей, яна ичиб келдингизми, а?

Эр. Тшш-ш, сабаби бор.

Хотин. Қанақа сабаб? Қайси ошнангиз ўғил кўрибди?

Эр. Тш-ш, бугун ир-ригаторлар куни!

Хотин. Ирригаторлар?! Сизга нима алоқаси бор уларнинг? Сиз қурувчи бўлсангиз.

Эр. Тшш-ш! Ирригаторлар билан қурувчилар воҳ (бармоқларини занжир қилиб кўрсатади.)

Хотин. Вой, тавба, топган баҳонасини қаранглар-а.

(Орадан бир кун ўтди.)

Эр (яна маст ҳолда кириб келади ва ўзини креслога ташлайди). Эй-й, қуёш, кўр-рсат юзинг...

Хотин. Вой-ей, яна ичиб келдингизми-а? Охири борми ўзи?

Эр. Тшш-ш, сабаби бор...

Хотин Э, ўргилдим, ўша сабабидан. Бугун ўт ўчирувчилар кунини ё гул сотувчилар?

Эр. Тшш-ш, бугун юбилей, банкет!

Хотин. Кимнинг юбилейи, қанақа банкет?

Эр. Кимнинг эмас, ниманинг! Яъни... ҳм, қанақайди-я, ҳалиги шалдирама кўчасининг юбилейи.

Хотин. Кўчанинг юбилейи?! Вой-й, тавба, кўчанинг ҳам юбилейи бўларканми? Ҳали пиво будкасининг қурилган кунини ҳам нишонларсизлар...

Эр. Тшш-ш, гапни бўлма, сабаби бор. Ш... шалдирама кўчаси эллик ёшга тўлди. Банкет зўр, қойилмақом бўлди. Кўча супурувчи Боқивой тўн кийди.

Хотин (кулади). Вой, тавба, гулдастани кимга топширдинглар? Адрес папкани-чи?!

Эр. Тшш-ш гулдаста, пулдаста, йўқ. Э, пулдаста?! Пулдаста бор. Яқинда бир даста пул оламан.. Во бўлади!

(Орадан кунлар ўтди).

Эр (бош боғланган, ранги бир ҳолатда, диванда ўтирибди.) Вой-ей, ҳаммаёғим зим-зим оғрияпти-я! Вой-й!

Хотин (стол-стулларнинг чангини артиш билан овора). Тшш-ш, сабаби бор, дадаси. Ўн беш сутканинг таъсири бу!

Эр. Ўн беш суткада ўн беш қайта дунёга келдим, хотин. Ҳеч кимга айтмагин, жон хотин. Тавба қилдим. Ҳалиям сенда инсоф бор. Аммо ишхонага нима дейман-а?

Хотин. Нима дер эдингиз? Сабаби бор, дейсиз. Балки сизни мукофотлашар, балки ишга чиқишингиз шарафига банкет бўлар...

(Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглади ва почтальон газеталар ташлаб кетди.)

Эр (газеталарни лоқайдлик билан варақлайди, бирдан). Вой-й, хотин, шарманда бўлдим. «Тошкент оқшомида боплашибди мени.

Хотин (яқин келиб). Қани, нима дейишибди? Вой-й, шўрим, турқингизни кўрган одам тушида қўрқади-я. Қачон олишган бу суратни?

Эр. Сўрама, шарманда бўлдим. Уша ўн беш суткага тушган куним олишган экан-да. Энди бу газетани ҳамма кўради. Қандоқ бош кўтариб юраман-а?

Хотин (киноя билан). Вой, нима қипти! «Тшш-ш, сабаби бор. Бугун ўн беш суткачилар куни!», дейсиз.

Ямин ҚУРБОН

Янги масаллар

Мушук ва Жўжа

Тилда дўстонадир, дилдан ёвуздир;
Газакли ярангга босгани муздир.
Билмадим, адолат йўлини тутмоқ
Нопоклар наздида балки номусдир.
Элда бир масал бор, тинглагил, ўртоқ,
Кимгадир ҳикмат у, кимгадир таёқ.

* * *

Мушук ялтоқланди бемор Жўжага:
«Илон чақмадими мабодо, иним?!
Ахир,
Илдизин қурт қийган гулдек сўляпсиз.
Буюринг, не лозим,
этгум муҳайё!
Кеч бўлур,
кўз юмиб қолсангиз ногоҳ»...

«Эчки жон ғамида, қассоб эса ёғ.
Даф бўлсанг эртароқ
қолгумдир тирик».

Шеърий фельетон

Тўлан карнай отарда хўб юриб ови,
Сотиб олди янги жойдан янги ҳовли.
Кўп ўтмайин дилида боз порлаб офтоб,
Ғурури жўш урди ичган каби шароб.
Ахир, ўғил кўрди беш қиз кетидан, о,
Назарида қутлади нақ еру само.
Кўрсатгали қўшниларга ўзини у,
Тўкма берди баланд тутиб кўксини у.
Тўлмагандек бўлди бунга кўнгли чандон.
Етгай, ахир, қўлини у чўзса қаён.
Ичи пишиб, бўлсин, дея, дастурхон чош,
Сўқим сўйди, тортди наҳор қазили ош.
Оппоқ қўллик хуш келгандек худога ҳам
Деяр бўлди еймсоқлар: «Тўрам-тўрам...»
Қай куни тун недандир у тушди чўчиб,
Шундан кейин, уйқуси, эҳ, кетди ўчиб.

У ён ташлаб, бу ён ташлаб зил калласин
Кўз ўнгидан ўткарди у маҳалласин.
Қай бири дўст, қай бири ёв, билсин қайдан!
Синаш керак. Қамчини бос, пайти айнан!
Шошилиб нақ уйига ўт кетган каби
Ланг очилиб кетди бирдан жағ-чакаги:
«Э-ҳей, ким бор, ёрдам беринг!! Ўғри, ўғри!!»
Кириб қолди қўйхонага гўё бўри.
А-ҳа, ушланг, дея бир-бир қоплон йўсин
Деворидан қўшнилари отди ўзин.
Кўрсаларки, муртин сийпаб турар Тўлан
Жайрон отиб келган каби овчи чўлдан:
«Бир синагим келиб қолди сизни, дўстлар.
Дўст дўстига шундай ёрдам қўлин чўзар.
Балли, афзал экансизлар жигардан ҳам!
Сиз борсизки, ҳар дақиқам эрур байрам.
Қани, қани, ўлтиринглар, дамласин чой!
Бўшашма, ҳой, ўзингни тут, хотинжон, ҳой!»
Қўшнилари дам кулишиб, дам қизишиб,
Тарқалишди бир-бирига кўз қисишиб.
Уч-тўрт ҳафта ўтар-ўтмай, ярим оқшом
Ўғри тушди, чиндан ўғри тешибон том.
Тўлангина тура солиб, қолиб равон,
Деразадан шаҳд сакради кўча томон:
«Э-ҳей, ким бор!!! Ўғри, ўғри!!!» Бироқ, бироқ
Қани энди бирон қўшни қоқса қулоқ!
Қилаётир анов кунги қилиғин, деб
Қимирлашни ўзларига кўрмади эп.
Ўғри эса урди молин сарагини,
Қолаверди Тўлан чалиб чапагини.

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ

ЧАЛА МУЛЛА

Чекка қишлоқ излаганм,
Содда одам кўзлагани,
«Гуноҳ», «назир» сўзлагани —
Ўта қолоқ чала мулла.
Едлаб олиб уч-тўрт дуо,
Нафси учун дейди: «худо!»
Элни шилиш зўр муддао
Текин томоқ, чала мулла.
Ўғри эди бўлди сўфи,
Тинмай сўзлар гўё тўти,
Беш-ўн сўмдан ҳар куф-суфи —
Ҳаётга доғ чала мулла.
Саводи йўқ, имони йўқ,
«Эзиб ички», «иссиқ-совуқ»...
Ҳар туморга битта товуқ
Олар ялоқ чала мулла.
Ўзин мақтаб тўқир «миш-миш»,
«Олло суйган вали» эмиш,
Келиб турса назир, емиш
Димоғи чоғ чала мулла.
Унга макон қора бурчак,
Гўё ташлар тўр ўргимчак,
Ёшларга «пир», ўзи лўтти,
Оғзи шалоқ чала мулла!
Зимдан қилар бўҳтон, иғво,
Хатлар ёзар у беимзо:
Тахаллуси «Ўткир Мирзо»—
Бошга тўқмоқ, чала мулла.
Қинғирлиги билинади,
Тумшуғидан илинади,
Ўртада суд қилинади —
Шунда дер: «Оҳ!», чала мулла.

— Ойижон, келишингизга тарелкаларни ювиб қўйдим...

Аҳмиддин ЗАЙНИДДИНОВ

«ХАРИДОР»

ҲАЖВИЯ

Кўчанинг қоқ ўртасида «бешикерватар» бўлиб турган Шоди типпатик (маҳалладагилар қориндор бўлгани учун унга шундай лақаб қўйишган) ғизиллаб келаётган «Волга» машинасига икки қўлини кўтарди.

— Хизмат?— деди машинани зўрға тўхтатган ҳайдовчи жаҳл билан.

— Машинанг янгига ў-ўхшайди-я?

— Ҳа, янги, нимайди?

— Янги б-бўлса, м-менга сот. Айтганингни бераман. Савдолашган — номард.

— Кучингиз етармикан?

— Оғзингга сиққанини а-айтавер, бўтам.

— Ундай бўлса, ўтиринг машинага, оёғини кўринг. Ёқса, кейин гаплашамиз.

— Ёқади, рангиям з-зўр экан. М-майли, оёғини кўрсак кўрайлик,— Шоди типпатик ихраб-сихраб машинага ўтирди.— Ҳайда!

— Уйингиз қайси томонда?— деб сўради ҳайдовчи йўлда.

— «Тақачи»да. Эски ҳовлимиз Каллахонада эди, бузилиб кетди.

Ҳайдовчи соатига қараб олди-да, машинани «Тақачи» маҳалласига бурди, «харидор»ни уйигача элтиб:

— Пулни тайёрлаб қўяверинг, машинани эртага эҳтиёт қисмлари билан олиб келаман,— деди.

— Бўпти, к... келишдик. Зўр й...игитаксан...

Бошидан ўтган одамлар «Душанба — оғир кун» деб бекорга айтишмаган экан. Шоди типпатик эртасига боши зил-замбил бўлиб уйғонди. Бир коса муздай сув симирди, баттар лоҳас бўлди. Ниҳоят, инқиллабсинқиллаб магазинга кирди. Насияга яримта олиб «майдалаб эзди». Оч қоринга тушган «шайтон» ўз ҳунарини кўрсата бошлади. Шоди типпатик чайқалиб уйи томон кетаётган эди, рўпарасидан чиқиб қолган киши унга салом берди. Типпатик таққа тўхтаб, салом берган кишининг ёқасига ёпишди:

— Ҳозирр... нима дединг?

— Салом бердим.

— Ёл-ғон!..— деди типпатик кўзи олайиб,— сўкдинг. Мана сенга!— Шоди типпатик нотаниш кишининг юзига тарсаки тортиб юборди.— Мен сени...

Бир зумда одам йиғилди. Ҳайҳайлашиб уларни ажратиб қўйишди. Шодивойни танийдиган икки-уч йигит «отанг яхши, онанг яхши» деб уйига киритиб юборишди...

Эртасига нонушта пайтида Шоди типпатик Ички ишлар шаҳар бош бошқармасидан чақириқ қоғози олди-ю, попилтириғи пасайиб кетди. Оғриб турган боши баттар гаранг бўлди. «Бу жой билан ҳазиллашиб бўлмайди», деган гапни кўнглидан ўтказиб, йўлга тушди. Кўрсатилган пайтда белгиланган хонага шумшайиб кириб борди. Қай кўз билан кўрсинки, тўрда таниш йигит ўтирар эди.

— Ассалому алайкум!— деди зўрға, чақириқ қоғозини узатиб.

— Э... келсинлар, машинага пул олиб келдингизми?— Шоди типпатик энди тамоман сўлжайиб қолди.

— Узр, ука, минг узр! Ўтган кун машинага «харидор» бўлган яримта ароқ эди, мен шунчаки даллолчилик қилувдим.

— Даллолчиликдан бошқа ҳам ҳунарингиз бор экан-ку? Ўтиб кетаётган кишини нега урдингиз?

Шоди типпатик кечаги воқеани эслаб, ўзини йўқотиб қўйди.

— Айбдорман, ука, билмай тарсаки тортибман... Кечиринг,— деди Шодивой қалтираган овоз билан,— кетаверайми, укажон?

Бошлиқ телефон трубкасини кўтараётиб, Шоди типпатикка қаради:

— Энди узрингизни судда айтасиз.

— Сопини ўзидан чиқарамиз, жўра...

— Ойижон, ўртоқларим билан БАМга борадиган бўлдим.

— Вой, ундан кўра ЦУМга, ГУМга борсанг бўлмайдимми, ўғлим?

ШАХ МАТ

Тасвирий шахмат масалалари

Маълумки, шахмат ўйинлари бир вақтнинг ўзида ҳам илм, ҳам санъат, ҳам спорт соҳаларини қамраб олади. Шу сабабли ҳар бир ўйинда учала соҳа ҳам у ёки бу даражада ўз кўринишига эга бўлади. Шахматнинг бошқотирма ўйинларига тааллуқли масала, композиция, этюд, тасвирий шахмат сингари хилма-хил жанрлари ҳам мавжуд. Биз, шахмат бўйича жаҳон чемпиони А. Е. Карпов ва Е. Я. Гик иккаласи ҳамкорликда ёзган «Шахматний калейдоскоп» китобидан фойдаланиб, журналхонларни тасвирий шахмат жанри ҳамда шу жанр турларига онд айрим масалалар билан таништириб ўтмоқчимиз. Бу жанр рамзий, тасвирий ёхуд скахографик шахмат деб ҳам юритилади.

Мазкур жанр асарларида фигураларнинг ўйин бошланишидаги ёки якунидаги жойланиши, ё бўлмаса, юришлар ечими қандайдир бир расмга, рамзга, сон ёхуд ҳарфга ўхшаш тасвирни юзага келтиради. Ҳатто шахмат фигураларининг жонсиз тили орқали халқ мақолларини, илмий ютуқларни, кундалик турмушдаги қизиқарли ҳодисаларни ва бошқа кўп нарсаларни ифодалаш мумкин. Бинобарин, рамзий композициялар ёрдамида атоқли шахсларга, юбилей саналарига, муҳим тарихий ёки сиёсий воқеаларга бағишланган тасвирий шахмат масалалари тузилади. Шахмат тахтаси узра фигуралар орқали яратилган бундай рамзий композициянинг ҳар биридан маълум бир маънони уқиб олса бўлади.

Биринчи рус шахмат устаси А. Д. Петровнинг 1824 йили Россияда босиб чиқарилган «Наполеоннинг Москвадан Парижга қочиши» деган шахматдаги «картина»си илк оригинал скахографик масала эди. Унда Россиянинг 1812 йилги Ватан урушидаги ғалабаси тасвирланган эди.

Шахматнинг мазкур жанрига тегишли талай композиция ва масалалар тузилган. Айниқса, ўтган асрда яшаган таниқли шахмат композитори С. Лойднинг бу соҳадаги хизмати катта. У кишини ҳайрон қолдирадиган кўплаб тасвирий масалаларни ўйлаб топди. Биз унинг машҳур «эгизак мушук» тасвирий масаласини эътиборингизга ҳавола этамиз. Бу «эгизак мушук» биз юқорида эслатган Шахматний калейдоскоп» китобида ҳам келтирилган:

Тўрт юришда мот.

Биринчи «мушук» ечими мана бундай ҳал этилади: 1. Кf4+ Кр:f2 2. К:h3+ Крe2 [2... (Кр:g3 3. Кf5+ Кр: h3 4. Cg4 x] 3. c8 Ф ва 4. Фa6 x. Яна бундай қизиқ бир варианти ҳам бор: 1. c8 К? Л: h1 2. К:e7 g1 К! 3. К7 d5 пот!



Лойднинг ажойиб «эгизак мушук» деб аталган масалаларининг туғилишидаги сабаб қуйидагича изоҳланади. Шахматга жуда ишқибоз икки профессор изоҳли луғат тузишга киришадилар. Улар луғат устида ишлай туриб «мушук» сўзига келганларида, «кечдан кўра тонгги иш афзалроқ» деган қарорга бориб, ўз машғулотларини тўхтатадилар. Ҳамкасблар эрта билан уйғонадилар-да, бир-бирларига тушларида шахмат тахтаси узра мушук кўрганликларини гапириб берадилар. Битта си шахмат тахтаси устига ўз мушугини фигуралар ёрдамида терар экан, иккинчиси ҳам тушида худди ўша мушукни кўрганлигини айтади. Ҳайрон қоладиган жойи шунда эдики, улардан ҳеч қайсиси бир-бирининг масалаларини еча олмайдилар. Маълум бўлишича, мушуклар бир хил бўлгани, шахмат доналари ўзгармагани билан масалалар тамоман бошқа-бошқа экан, яъни мушуклар фигураси бир вертикал йўл сурилиши натижасида масалаларни ечиш бутунлай ўзгарган, бир-бирига ўхшамай қолган экан!



Гўёки биринчисидан ҳеч қандай фарқ қилмайдиган, фақат бир вертикал катаклар йўлининг ўзгариши билан ҳосил бўлган иккинчи «мушук» ечилиши мана бундай ҳал этилади: 1. b8К! (2. К: d7 3. Кc5 ва 4. Кb3x билан ҳужум қилиш мақсадида) 1... d5 2. К:d3+Кр: f3 3. Кe5+ +Кр:d3 4. Cf 4+Кр h3!

Э. МУҲАМЕДОВ



КРОССВОРД

Энига: 1. Бинонинг ярим шар шаклида қурилган томи. 4. Қитъа. 8. Мунис Хоразмий асари. 12. Мавзуни ўқувчи мустақил ёритадиган ёзма иш. 13. Фойдали ҳашарот. 14. Дарё. Волга ирмоғи. 17. Халқ хўжалиги соҳаларидан бири. 18. Максим Горькийнинг машҳур романи. 19. Мойли ўсимлик. 22. Шифобахш гиёҳ. 23. Ҳамид Олимжоннинг тарихий драмаси. 27. Ўн икки мақом таркибидаги мақом. 28. Хушхўр ичимлик. 29. Коинот жисми. «думли юлдуз». 32. Қир ва сойликдан иборат ерлар атамаси. 33. Ой. 34. Музика асбоби. 37. Коннотни ўрганувчи фан ва техника мажмуи. 38. Қорақалпоғистон АССРдаги ясси тоғ. 39. Тропик мева.

Бўйига: 2. Муносабат туйғуларидан бири. 3. Емирилмайдиган минерал. 5. Сайёра. 6. Мезали дарахт. 7. Австралиядаги дарё. 8. Оғир саноат тармоғи. 9. Иттифоқдош республика пойтахти. 10. Машҳур ҳинд раққосаси ва кино артисти. 11. Ўзбек амалий безак санъати тури. 15. Кемирувчи жонивор. 16. Совет Иттифоқи космонавт-учувчиси. 20. Тошкент шаҳрининг қадимги номи. 21. Фасл. 24. Рўзғор буюми. 25. Сабзавот тури. 26. Миллий таом. 30. Иморатсоз уста. 31. Ўзбек халқ қўшиғи. 35. Байрам таоми. 36. Қариндошликни билдирувчи тушунчалардан бири.

Тузувчи **Ф. ОРИПОВ**

3-СОНДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ:

Энига: 8. Ёмғир. 9. Парвона. 10. Азлод. 13. Чирмовуқ. 15. Соҳибкор. 17. Қирғоқ. 20. Камина. 21. «Андижанка». 24. Диалектология. 26. Рефлектор. 29. Пальто. 30. Афсона. 33. Қарчиғай. 35. Тегирмон. 39. Алача. 40. Фазилат. 41. Уммон.

Бўйига: 1. Глиэр. 2. Жўва. 3. Рўвак. 4. Омоч. 5. Жануб. 6. Анҳор. 7. Шоир. 11. Хонқа. 12. Сирка. 14. Икра. 16. Оқин. 18. Циркуль. 19. Наҳодка. 22. Мис. 23. Фил. 25. Ялта. 26. Розий. 27. Равиш. 28. Лото. 31. Карам. 32. Чечак. 33. Қалб. 34. Ручка. 36. Мўмиё. 37. Неон. 38. «Гиря».

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ, Исломиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ.

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари— 33-35-90; масъул секретарь—32-58-33; ижтимоий-сиёсий ва санъат бўлими— 33-36-59; адабиёт бўлими—33-36-02; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими—32-58-32.

Босмахонага туширилди: 19.02.82 й. Босишга рухсат этилди: 3.04.82 й. Р — 07154. Қоғоз 70×108¹/₁₆. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма табоқ 5,6. Нашр ҳисоб табоғи 7,80. Тиражи 259610. Буюртма № 2678. Нашр А — 106.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: В. И. Ленин Горькида. **Н. Пудовкин** асаридан репродукция.

Тўртинчи бет: Рассом **Қутлуғ Башаров** медицина тарихига бағишланган миниатюралар сериясини яратди. Қуйида эълон қилинаётган миниатюраларда беморнинг томир уришини текшириш, қон олиш ва бош чаноқни ўрганиш жараёнлари тасвирланган.

Халқлар хоҳиши-ла бирлашган ва қодир — Совет Иттифоқи, яша ва балқи

ISSN 0134—2207

Баҳоси 35 тийин

Индекс 75233.